

# Истиғфорнинг 40 хосияти

\*\*\*\*\*

## Салавотлар

Муаллиф: Зиёвуддин Раҳим

## **БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ! МУҚАДДИМА**

Меҳрибон Парвардигоримиз Аллоҳ таолога бехисоб ҳамду санолар айтамиз. Муаллим Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, у зот оила аъзоларига, саҳобаларига салавотлар, саломлар йўллаймиз.

Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар: “Кимда-ким кўп истиғфор айтса, Аллоҳ ўша (банд) учун ҳар қандай ғам-ташвишдан қутулиш, тангликдан чиқиш йўлини (пайдо) қилади, уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради<sup>1</sup>”.

Набий алайҳиссалом бизни истиғфор айтишга буюрганлар, бу борада ўзлари ўрнак бўлганлар. Ривоятларда келишича, у зот бир кунда 100 марта истиғфор айтардилар.

Маълумки, ўтмишда ўтган улуғ зотлар, азиз авлиёлар, солих кишилар ҳам истиғфор айтишган. Зеро, истиғфорнинг хосияти кўп. Жумладан, истиғфор айтсак, гуноҳларимиз кечирилади, устимизга хайр-барака ёғилади, неъматлар зиёда бўлади, ғам-ташвишлар арийди, қалбимиз покланади. Қолаверса, истиғфор билан эл-юртимиз тинч-омон, соғлиғимиз мустаҳкам бўлади, боғ-роғлар тотли мевалар билан тўлади, ариқларда зилол сувлар оқиб туради, ҳаётимизга файз-барака киради.

Истиғфор айтиб мурод-мақсадига етганлар қанча? Тирнокка зор минглаб оиласлар истиғфор туфайли фарзанд неъматидан барҳаманд бўлган. Бошига оғир мусибат тушган одамлар истиғфор билан ғам-ғуссадан қутулган.

Истиғфор айтадиган киши қалбига хотиржамлик киради, дили равshan бўлади. Истиғфор айтувчининг танаси касалликлардан ҳалос бўлади, ризқига барака, хонадонига файз киради.

Истиғфорни канда қилмаган киши турли бало-оғатлардан, мاشаққатлардан омон бўлади, солих фарзандлар, ҳалол мол-дунё, фаровон турмуш неъмати билан ризқлантирилади.

Истиғфор ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Шу маънода қўйида истиғфор айтиш сабаблари, фазилатлари, хукмларини баён этамиз.

**Зиёвуддин Раҳим**

### **НЕГА ИСТИҒФОР АЙТАМИЗ?**

Ҳар бир банда истиғфор айтишга муҳтож. Чунки унинг айблари, нуқсон-камчиликлари кўп. Меҳрибон Аллоҳ таоло биз ожиз бандаларга гуноҳлардан покланиш имконини берган. У Зот шундай марҳамат қилган: “Эй бандаларим! Сизлар эртаю кеч гуноҳ қиласизлар. Мен эса барча гуноҳларни кечириб юбораман. Шунинг учун Менга истиғфор айтинглар! (Шунда гуноҳларингизни) мағфират қиласман<sup>2</sup>”.

Аллоҳ тарафидан мукаммал қилиб яратилган инсон фақат танадан иборат эмас. Унинг қалби, рухи бор. Гуноҳ қилганда қалбга қора доғ тушади, маъсият дилни ғаш қилади, кўнгил ойнасини хиралаштиради. Тушкунлик (депрессия) деб аталаётган замонавий касаллик мана шундан келиб чиқади. Лекин кўп истиғфор айтадиган банда учун тушкунлик умуман бегона. Чунки мўмин инсон хатога йўл қўйса, ўша заҳоти Аллоҳга истиғфор айтади. Шу билан қалби очилади, дили чароғон бўлади, кўнглидаги хижиллик арийди.

Биласизми, каттаю кичик гуноҳлардан пок зот – муҳтарам Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунда 100 марта истиғфор айтганлар. Шундай экан суннатга амал қилишимиз учун ҳам кўпроқ истиғфор айтишимиз, бу ишни кундалик вазифа қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

### **ГУНОҲЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК ОҚИБАТИ**

<sup>1</sup> Абу Довуд, Аҳмад, Табароний, Ҳоким ривоят қилган.

<sup>2</sup> Муслим, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Аллоҳнинг амрига зид ҳар қандай иш гуноҳ саналади. Гуноҳлар банданинг дунёсига ҳам, охиратига ҳам зарар етказади. Гуноҳларни менсимаслик яхши эмас. Чунки кичкина томчи йиғилиб-йиғилиб дарёга айланганидек гуноҳларни кичик санаш, уларга эътиборсизлик билан қарашиб бандани куни келиб ҳалок этади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ الْمُؤْمِنَ يَرَى ذُنُوبَهُ كَأَنَّهُ قَاعِدٌ تَحْتَ جَبَلٍ يَخَافُ أَنْ يَقْعَ عَلَيْهِ وَإِنَّ الْفَاجِرَ يَرَى ذُنُوبَهُ كَذُبَابٍ مَرَّ عَلَى أَنْفِهِ فَقَالَ بِهِ هَكَذَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَأَبُو يَعْلَمَى.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мўмин киши гуноҳларини улкан тоғ деб билади, ўзини ўша тоғ тагида ўтиргандек ҳис қиласди, устига қулаб тушишидан кўрқади. Фожир эса гуноҳларини бурни устига қўнган пашшадек кўради, бундай қилиб (учириб) юборади” (Бухорий, Байҳақий, Абу Яъло ривоят қилган).

Мўмин banda қалбидаги имон мустахкам бўлади. У Аллоҳга тақво қиласди, “арзимас” гуноҳни деб Парвардигори азобига йўлиқишидан кўрқади, солих амаллари қанча кўп бўлсаям уларга ишониб қолмайди, ёмон оқибатдан хавфсирайди. Бетавфиқ одам эса гуноҳлар уммонига ботиб кетсаям парвойи фалак юраверади. Бу иллат мўминга бегона. Чунки мўмин киши ҳар қандай гуноҳни оламлар Парвардигори Буюк Аллоҳнинг амрига қарши чиқиш деб билади, маъсиятдан имкон қадар узок юради. Ожизлик қилганда дарров тавбага, истиғфорга шошилади.

## ГУНОҲЛАР АСОРАТИ

- Гуноҳ қилган одам Аллоҳдан узоқлашади;
- гуноҳкорнинг қадр-қиймати пасаяди;
- гуноҳ содир этган киши тоат-ибодат лаззатидан маҳрум бўлади;
- гуноҳкор кимсани мўминлар ёмон кўради;
- гуноҳ инсон қалбини қорайтиради, юзини шувит қиласди;
- гуноҳ кетидан гуноҳ қилаверса, banda назарида катта гуноҳ ҳам кичкина бўлиб қолади;
- гуноҳлар қалбнинг, тананинг қучини қирқади. Шунинг учун осий banda танаси қучсиз, иродаси бўш бўлади;
- гуноҳкор юзидан ҳаё пардаси кўтарилади;
- гуноҳ туфайли шаръий илмдан барака кетади, киши ўқигани хотирасида қолмайди. Чунки илм қалбга нур бағишлиайди, маъсият эса дил нурини сўндиради;
- гуноҳ инсон зехнини пасайтиради;
- гуноҳ кетидан гуноҳ қилавериш қалбни тошдек қотириб юборади;
- гуноҳкор ўзини ёлғиз, ҳимоясиз сезади;
- гуноҳкор банданинг ҳаёти оғирлашади, ишлари юришмайди, ҳар қадамда қандайдир муаммога дуч келаверади;
- гуноҳкор banda тириклигида, қабрда, охиратда танг аҳволда қолади;
- гуноҳлар сабаб banda қўлидаги неъматдан айрилади;
- гуноҳлар умрни қисқартиради;
- гуноҳ туфайли кишининг топган-тутганидан барака кетади;
- гуноҳкор одамнинг боши балодан чиқмайди, қачон қарасангиз қандайдир фалокатга йўлиқаверади;
- гуноҳ-маъсият сабаб ер юзида зилзилалар, сув тошқинлари, табиий оғатлар кўп содир бўлади<sup>3</sup>.
- одамлар орасида турли касалликлар тарқалади;
- қурғоқчилик, қаҳатчилик бўлади;
- сув, ҳаво, тупроқ таркиби бузилиб, атроф-муҳит ифлосланади, обод юртлар харобага айланади<sup>4</sup>;

<sup>3</sup> Манба: Анкабут сурасининг 40-ояти.

<sup>4</sup> Манба: Рум сурасининг 41-ояти.

– гуноҳкор банда доим хавотирда юради, сири очилиб, одамлар олдида шарманда бўлишдан чўчийди. Аллоҳга итоат этган бандада эса хотиржам яшайди.

## НЕЪМАТ ВА ИСЁН ОРАСИДА

Ривоят қилинишича, Бакр ибн Абдуллоҳ Музаний<sup>5</sup> раҳматуллоҳи алайҳ елкасида юк кўтариб кетаётган бир ҳаммолни кўриб қолди. Ҳаммол юрган йўлида “Алҳамдуиллаҳ, астағифиурӯллоҳ”, деб такрорларди. Бакр – ҳаммол юкни ерга қўйишини – кутиб турди. Кейин сўради:

– Бундан бошқа яхши амалинг ҳам борми?

– Ҳа. Мен кўп яхшилик қиласман: Қуръон ўқийман. Аммо ҳар бир бандада неъмат билан маъсият орасидалигини яхши биламан. Шунинг учун Аллоҳнинг беҳисоб неъматларига шукр қиласман, гуноҳларим учун истиғфор айтаман.

Шунда Музаний деди:

– Бу ҳаммол Бакрдан кўра фақихроқ экан<sup>6</sup>!

## АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИ КЕНГ

Шайтон бандани тўғри йўлдан уради, гуноҳ ишларга бошлайди, нафсга ёқадиган нарсаларни унга янада чиройли қилиб кўрсатади. Аммо Аллоҳнинг раҳмати кенг. У Зот банданинг ҳар қандай гуноҳини кечириб юборади. Инсон ҳаёт сўқмоқларида қоқилганидан кейин яна қаддини тиклаб олишида бу имкониятнинг ўрни бекиёс. Зоро, кечиримлилик бор ерда келажакка ишонч, олға қадам ташлаш бўлади. Акс ҳолда инсон қалби умидсизликка тўлади, тушкун кайфият уни маҳв этади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласди:

“-----Арабча матн-----”

“(Эй Муҳаммад, турли гуноҳ-маъсиятлар билан) ўзларига жавр қилган бандаларимга: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини кечиради. Албатта (Аллоҳ) Мағфиратли, Мехрибондир”, деб айтинг” (Зумар сураси, 53-оят).

Агар бандада гуноҳ ишдан тўхтаб тавбага юзланса, Аллоҳ унинг хатоларини кечиради. У Зотнинг карами кенг, марҳамати улуғ: хоҳлаган бандаси гуноҳларини кечириб, раҳматига дохил қиласди. Шунинг учун ҳеч бир бандада Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмасин.

Ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни саҳобалар олдига чиқдилар. Қарасалар, улар бир-бири билан ҳазиллашиб-кулишиб ўтиришган экан. Шунда Пайғамбаримиз:

– Жоним измида бўлган Зотга қасамки, агар мен билган нарсаларни билганингизда, камроқ кулиб, кўпроқ йиғлардингиз! – дедилар. Кейин кетдилар. Бу гапни эшитган саҳобалар кўзига ёш келди. Шу онда Аллоҳ ваҳий орқали: “Эй Муҳаммад, нега бандаларимни ноумид қиласиз?” деб хитоб қилди. Пайғамбар алайҳиссалом ортларига қайтиб келиб:

– Хурсанд бўлинглар, тўғри (йўлда) юринглар (ғулувга кетиб, ҳаддингиздан ошманглар!) – деб марҳамат қилдилар<sup>7</sup>.

Агар бандада чин дилдан истиғфор айтса, унга яхшилик эшиклари очилади. Аллоҳнинг раҳматига истиғфор билан эришилади. Гуноҳи учун пушаймон бўлган, маъсиятни тарқ этган инсонга раҳмат эшиклари доим очиқ.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّمَا أَشَدُ فَرَحَةً بِتَوْبَةِ أَحَدٍ كُمْ مِنْ أَحَدٍ كُمْ  
بِضَالَّتِهِ إِذَا وَجَدَهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالْتَّرمِذِيُّ.

<sup>5</sup> Бакр ибн Абдуллоҳ Музаний улуг тобеинлардан, имом, воиз, юксак фазилат соҳиби, камсуқум инсон бўлган. Ўттизга яқин сахоба билан, жумладан, Абдуллоҳ ибн Муғаффал, Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анхум билан учрашган. Музаний хижрий 106 йилда вафот этган. Сиҳоҳи сittа соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилишган.

<sup>6</sup> Байҳакий бу ривоятни “Шуабул имон”да келтирган.

<sup>7</sup> Бухорий “Ал-адабул муфрад”да саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

*Абу Хурайра розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: “Биронтангиз йўқотиб қўйган нарсасини топганида қандай севинса, Аллоҳ сизнинг тавбангиздан бундан-да кўпроқ севинади” (Муслим, Термизий ривоят қилган).*

Фараз қилинг: мусоғир одам кимсасиз чўлда кетаётганди, кутилмаганда уловини ёқотиб қўйди, уни роса қидирди. Ерда ҳам, кўқда ҳам йўқ. Ҳарчанд уринса ҳам тополмаяпти. Таоми, ичимлиги, керакли ҳамма анжомлари улови билан кетган... Мусоғир тушкун кайфиятда бир дараҳт соясига келиб дам олди. Соя-салқин жойда кўзи илиниб ухлаб қолди. Бироз мизғиб, кўзини очиб қараса, улови тепасида турибди! Ўша онда йўловчининг севинчи ичига сифмай кетади. Шундай эмасми?

Агар банда гуноҳдан тавба қилса, Аллоҳ ундан-да кўпроқ хурсанд бўлади. Қаранг, Аллоҳ бизга қанчалик меҳрибон Зот! Биз айбимизни тан олиб, қилмишимизга пушаймон бўлсак, ўзимизни ўнгласак, Парвардигоримиз биздан рози бўлар экан.

## ГУНОҲЛАРГА КАФФОРАТ БЎЛУВЧИ АМАЛЛАР

Аллоҳ таоло шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Кундузнинг ҳар икки тарафида, кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адo этинг! Албатта яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказади. Бу, эслатма олувчилар учун бир эслатмадир” (Худ сураси, 114-оят).**

Оятда айтилишича, солиҳ амал қилган банда қалби покланади, гуноҳлари кечирилади. Зеро, ёмонлик изини фақат яхшилик билан ўчириш мумкин. Масалан, кир либосни тоза сув билан ювилади. Худди шунга ўхшаб гуноҳлар доғи, маъсият қуруми эзгу ишлар билан кетказилади.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّمَا كُنْتَ وَأَتَبْعَثُ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمْحُّها وَخَالِقُ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَالْأَرْمَيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Абу Зар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳдан қўрқ, гуноҳ кетидан тезда яхшилик қилсанг, уни ўчириб юборади, одамларга чиройли хулқ билан муомала қил”, деб тайнинладилар” (Термизий, Доримиий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).*

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Зар исмли саҳобага шундай насиҳат қилдилар:

— Эй, Абу Зар! Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил, У Зот буюрган ишларни сидқидилдан бажар, қайтарганларидан қайт! Аллоҳ сени кўриб турибди. Шунинг учун Аллоҳ розилиги йўлида ҳаракат қил, Унинг азобидан ҳазир бўл! Агар гуноҳга кўл урсанг, кетидан дарров яхши иш қил – намоз ўқи, садақа бер, истиғфор айт. Зеро, солиҳ амалинг гуноҳингни юваб юборади. Одамлар билан чиройли муомалада бўл, кибр қилма, уларнинг азиятига сабр қил. Шунда икки дунё саодатига эришасан<sup>8</sup>.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوْ الْمُؤْمِنُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعِينَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتَهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَشْتَهَا رِحْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الدُّنُوبِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتَّرمِذِيُّ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ.

*Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Агар мусулмон ёки мўмин банда тахоратда юзини ювса, юзидан икки кўзи қараб қилган барча гуноҳлар сув билан ёки сувнинг охирги томчиси билан чиқиб кетади. Агар*

<sup>8</sup> Манба: Муборакфурӣ, “Тухфатул ахвазий”.

қўлини ювса, икки қўли ушлаб содир этган ҳамма гуноҳлар сув билан ёки сувнинг охирги томчиси билан чиқиб кетади. Агар оёғини ювса, оёғи (билин) юриб содир этган жами гуноҳлар сув билан ёки сувнинг охирги қатраси билан чиқиб кетади. Шундай қилиб гуноҳлардан (бутунлай) покланади” (*Муслим, Термизий, Молик, Аҳмад ривоят қилган*).

Бу ерда кечирилиши ваъда қилинаётган гуноҳлар кичик гуноҳлардир. Ҳадисларда айтилишича, беш вақт намоз, жума намози, агар катта гуноҳлардан сақланилса, кичик гуноҳларга каффорат бўлади. Улуғ ибодат бўлмиш намоз катта гуноҳларни юва олмаса, қандай қилиб ёлғиз таҳорат кабира гуноҳларга каффорат бўлади?

Маълумки, инсоннинг юзи, қўли, оёғи, боши қолган аъзоларига қараганда кўпроқ кир бўлади. Бу аъзоларни тез-тез поклаб турилмаса, кишидан бадбўй ҳид келиб туради. Бошқа томондан олиб қаралса, инсоннинг айнан шу тўрт аъзоси гуноҳ содир этишда асосий вазифани бажаради. Аллоҳ таоло бандаларига шунчалик меҳрибонки, уларга кунда беш маҳал кичик гуноҳлардан покланиш имконини берган. Чунончи, таҳорат қилаётганимизда ҳар бир аъзоимиздан гуноҳлар тўкилаётганини, улар Аллоҳ тарафидан кечирилаётганини қалдан ўтказсан, таҳоратга эътиборимиз ортади, қалбимизда ихлос пайдо бўлади. Бу нарса намозда хушу қилишимизга ҳам туртки бўлади<sup>9</sup>.

عَنْ أَبِي هُرَيْثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهَرًا بَابِ أَحَدِكُمْ يَعْتَسِلُ فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ خَمْسًا مَا تَقُولُ ذَلِكَ يُبَقِّي مِنْ دَرَنِهِ شَيْئًا قَالَ: فَذَلِكَ مِثْلُ الصَّلَواتِ الْخَمْسِ يَمْحُوا اللَّهُ بِهِ الْحَطَايَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمُ وَالتَّرمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

*Абу Хурайра* розияллоҳу анҳудан ривоят қилиншича, *Расулуллоҳ* соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Биронтангиз эшиги олдидан ариқ оқиб ўтса, у ўша ариқда бир кунда беш маҳал чўмилса, ун(инг танаси)да кир қоладими?” деб сўрадилар. Шунда: “Йўқ, ҳеч қандай кири қолмайди”, дейилди. У зот: “Беш вақт намоз ҳам шунга ўхшайди. Аллоҳ у билан гуноҳларни кетказади”, дедилар (*Бухорий, Муслим, Термизий, Насойи ривоят қилган*).

Аллоҳ таоло биз мўмин-мусулмонларга бир кунда беш маҳал намоз ўқишни фарз қилган. Бу ибодатнинг фазилати улуғ, фойдалари жуда кўп. Масалан, намозни рисоладагидек ўқиган одамнинг гуноҳлари кечирилади, қалби маънавий кирлардан тозаланади, руҳий ҳолати яхшиланади.

Намоз уйимиз эшиги олдидан шариллаб оқиб турган ариқка ўхшайди. Инсон кунда беш марта чўмилса, баданида гард қолмайди, ҳамма ёғи топ-тоза бўлади. Беш маҳал намозни хушуъ билан ўқиган одамнинг қалби ҳам худди шундай тозаланади.

Уламолар айтилишича, таҳорат, намоз, рўза каби амаллар кичик гуноҳларни ўчиради. Лекин катта гуноҳлар кечирилиши учун тавба қилиш, истиғфор айтиш лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الصَّلَاةُ الْخَمْسُ وَالْجَمْعَةُ إِلَى الْجَمْعَةِ كَفَارَةً لِمَا بَيْنَهُنَّ مَا لَمْ تُعْشَ الْكَبَائِرُ. رَوَاهُ مُسْلِمُ وَالتَّرمِذِيُّ وَابْنُ مَاجْهَةَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

*Абу Хурайра* розияллоҳу анҳудан ривоят қилиншича, *Расулуллоҳ* соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Беш маҳал намоз, жума келаси жумагача улар ўртасидаги (гуноҳлар)га каффорат бўлади, фақат кабиралардан сақланса” (*Муслим, Термизий, Ибн Можса, Аҳмад, Байҳақий ривоят қилган*).

“Кабира” катта гуноҳ, “сағира” кичик гуноҳ дегани.

عَنْ أَبِي هُرَيْثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ حَجَّ هَذَا الْبَيْتَ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَمَا وَلَدَتْهُ أُمُّهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمُ وَالنَّسَائِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجْهَةَ وَأَحْمَدُ.

<sup>9</sup> Манба: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли, “Таҳорат китоби”.

*Абу Хурайра розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва салламдан ривоят қиласи:* “**Ким мана шу Байтни** (яъни, Каъбатуллоҳни) **хаж қилса, нолойик сўздан, амалдан, бузғунчиликдан сақланса,** (уйига) **онаси тукқан кундагидек** (гуноҳлардан покланиб) **қайтади**” (Бухорий, Муслим, Насоий, Доримий, Ибн Можса, Аҳмад ривоят қилган).

Ривоят зоҳиридан сағира, кабира, уларга боғлиқ гуноҳларнинг барчаси мағфират этилиши маълум бўлади<sup>10</sup>.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ وَأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُمَا سَعَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : مَا يُصِيبُ الْمُؤْمِنَ مِنْ وَصَابَ وَلَا نَصَابٌ وَلَا سَقَمٌ وَلَا حَزَنٌ حَتَّى الْحَمْ يُهْمِمُ إِلَّا كُفَّرَ بِهِ مِنْ سَيِّئَاتِهِ . رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَالْبَزَّارُ وَالْفُضَاعِيُّ .

*Абу Саид ҳамда Абу Хурайра розияллоху анҳумодан ривоят қилинишича, улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва саллам: “Агар мўмин бандага оғриқ, чарчоқ, касаллик ёки қайғу етса, хатто уни ташвишга соладиган муаммо сабаб гуноҳлари каффорат қилинади”, деб айтганларини эшишишган экан (Муслим, Аҳмад, Баззор, Қўзойи ривоят қилган).*

Эътибор берсак, хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, мўмин бандада саналган мусибатларга деярли ҳар куни дуч келади. Танасида оғриқ йўқ, тўлиқ соғлом одам кам топилса керак. Чарчоқ эса ҳар бир инсонга кунда етадиган ҳолат. Одам ишлаганда, юрганда, юргурганда чарчайди. Касаллик баъзи-баъзизда бўлиб турса-да, лекин гуноҳларни тўкиб юборади. Гам-қайғу ҳам худди шундай. Ҳаётда ташвишсиз инсон йўқ. Ҳар кимнинг ўзига яраша муаммоси бор.

Демак, мазкур нарсалар гуноҳлар тўкилишига, даражалар кўтарилишига сабаб бўлади. Мусибат чоғида мана шу ҳадиси шариф хаёлдан ўтказилса, мусибатни, касалликни, қайғу-ҳасратларни енгиш осонроқ кечади, қалбда Аллоҳ билан муроқаба<sup>11</sup> пайдо бўлади. Шунда холис ниятда қилинган ҳар қандай эзгу иш, унинг натижасида пайдо бўлган чарчоқ чексиз роҳатга, яхшилик йўлидаги ҳар қандай қийинчилик лаззатга айланади.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби уламоларига кўра, бу бобда айтилган гуноҳлар мағфират қилиниши кичик гуноҳларга тааллуқли, кабираларга эмас. Жумладан, Мулло Али Қорий “Мирқот” китобида: “Намоз, рўза, ҳаж каби амаллар кабира гуноҳларга каффорат бўлмайди. Кабира гуноҳни ҳақиқий тавба ўчира олади”, деган.

Баъзилар: “Бу амалларни қилиш билан банданинг кичик гуноҳлари мағфират этилади, катта гуноҳлари енгиллаштирилади. Агар каттаю кичик гуноҳи бўлмаса, даражаси кўтарилади”, дейишган<sup>12</sup>.

Хуллас, ривоятларда зикр қилинган солиҳ амаллар бандада гуноҳларига каффорат бўлади. Аммо бу нарса бандани истиғфордан тўсмаслиги керак. Чунончи, гуноҳ содир этган одам истиғфор айтади, тавба қиласи. Шу билан бирга – Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва саллам тавсияларига биноан – савобли амалларни бажаради.

## ИСТИҒФОР АЙТИШ ДАРАЖАЛАРИ

Уламолар айтишича, истиғфорнинг уч хил даражаси бор:

**Биринчи даража: фақат тил билан истиғфор айтиш.** Бу – энг қуи поғона. Аммо бунинг ҳам фойдалари кўп. Жумладан, фақат тил билан истиғфор айтиш сукутдан яхшироқ. Бу, эгасини яхшиликка ўргатади, бандани тоатга чакиради, ёмонликдан узоклаштиради. Аммо, бир жихати ҳам бор: киши тили билан истиғфор айтса-ю, лекин гуноҳдан тийилмаса, ёлғончи бўлиб қолиши, айтган истиғфори ўрнига ўтмаслиги мумкин. Баъзи орифлар: “Кимнинг истиғфори ўзини ўнглашига туртки бўлмаса, унинг гапи ёлғондир”, дейишган экан.

<sup>10</sup> Манба: Ибн Ҳажар Асқалоний, “Фатхул борий”.

<sup>11</sup> Муроқаба – Аллоҳ банданинг ҳар бир хатти-харакатини кузатиб турганини қалдан хис этиш, У Зотдан кўркиш.

<sup>12</sup> Манба: Муборакфурий, “Тухфатул ахвазий”.

**Иккинчи даражасы: қалб билан истиғфор айтиш.** Қалбни нопок нарсалардан тозалашда унинг таъсири катта, фойдаси бисёр. Қалб ила истиғфор айтган банда ғам-ташишдан қутулади, устига раҳмат, барака ёғилади.

**Учинчи даражасы: ҳам қалб, ҳам тил билан истиғфор айтиш.** Мана шу энг афзали, хос бандалар даражасидир. Барча фазилатлар шунда мужассам. Дил ҳамда тил билан истиғфор айтиса, гуноҳлар кечирилади, яхшиликлар кўпаяди, қалб тозаланади.

Қалб ва тил билан истиғфор айтиш насух (яъни, ҳақиқий, холис) тавбанинг шартидир. Демак, тавба қабул бўлиши учун тилда истиғфор айтиб, қилмишига қалбдан афсусланиш, гуноҳни такрорламасликка қатъий қарор қилиш лозим.

## ИСТИҒФОР АЙТИШ ХОСИЯТИ

Арабча “истиғфор” сўзи “беркитиш”, “ёпиш” мазмунини англатади. Тилимизда “истиғфор айтиш”, “мағфират сўраш” бир маънода қўлланади. Аллоҳга истиғфор айтиб гуноҳларни кечириши, бандага раҳм қилиши сўралади.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам истиғфор хосиятлари ҳакида жуда кўп ҳадис айтганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْلَا مُتَذَمِّنُوا لَذَهَبَ اللَّهُ بِكُمْ وَلَجَاءَ بِقَوْمٍ يُذْنِنُونَ فَيَسْتَغْفِرُونَ اللَّهُ فَيَغْفِرُ لَهُمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالترْمِذِيُّ وَأَحَمَّدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Нафсим измида бўлган Зотга қасамки, агар гуноҳ қилмаганингизда, Аллоҳ сизларни кетказиб, (ўрнингизга) гуноҳ қиладиган, кейин истиғфор айтадиган (бошқа) қавмни келтирас, гуноҳларини кечириб юборарди” (Муслим, Термизий, Аҳмад ривоят қилган).

Фараз қилинг: ер юзида ҳеч ким гуноҳ қилмаяти, маъсиятга кўл урадиган биронта ҳам одам қолмади. Шунда Аллоҳ гуноҳ қиладиган қавмни келтиради. Улар қилмишларига пушаймон бўлиб истиғфор айтишади, тавба қилишади. Аллоҳ уларнинг гуноҳларини кечириб юборади. Аллоҳ нақадар меҳрибон Зот! У эзгу амалларга савоб беришни, бандалар гуноҳини кечиришни яхши кўради.

Мазкур ҳадисни “Бемалол гуноҳ қилиб, кетидан истиғфор айтиб қўйса бўлди экан” деб тушунмаслик лозим. Бу ерда Аллоҳ меҳрибон Зотлиги, бандалар гуноҳларини кечириб юбориши таъкидланмокда, кўп истиғфор айтишга чақирилмокда, “Гуноҳ қилаверинглар”, дейилаётгани йўқ. Шундок ҳам банданинг хатолари жуда кўп. Аллоҳ чексиз раҳмати билан айб-нуқсонларимизни кечиради.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ صَاحِبَ الشَّمَاءِ لَيَرْفَعُ الْقَلَمَ سِتَّ سَاعَاتٍ عَنِ الْعَبْدِ الْمُسْلِمِ الْمُخْطَطِي أَوِ الْمُسِيءِ فَإِنْ نَدِمَ وَاسْتَغْفَرَ اللَّهُ مِنْهَا أَلْقَاهَا وَإِلَّا كُتِبَتْ وَاحِدَةً. رَوَاهُ الطَّبرَانيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَأَبُو نُعَيْمٍ وَسَنْدُهُ حَسَنٌ.

Абу Умома розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Чап тараф соҳиби хато қилган (ёки гуноҳкор) мусулмон бандадан қаламни олти соат кўтариб туради. Агар у (қилмишига) пушаймон бўлса, Аллоҳга истиғфор айтса, (гуноҳни) ташлаб юборади (яъни, номай аъмолига ёзмайди). Акс ҳолда битта (гуноҳ) ёзиб қўйилади” (Табароний, Байҳақий, Абу Нуайм ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Хар бир инсоннинг ўнг ва чап тарафида биттадан фаришта бўлади. Ўнг тарафдаги фаришта савобларини, чап тарафдагиси гуноҳларини ёзиб боради. Кимда-ким гуноҳ қилса, маълум вақт номай аъмолига ёзилмай туради. Банда олти соат ичидан Аллоҳга чин дилдан истиғфор айтса, гуноҳи кечирилади. Агар истиғфор айтмаса, битта гуноҳ ёзиб қўйилади. Қаранг, агар эзгу иш қилинса, битта

савоб ўрнига ўнта, ҳатто ундан ҳам кўпайтириб ёзилади. Битта гуноҳ эса битта деб қайд этилади... Аллоҳнинг марҳамати нақадар улуф!

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا أَخْطَأَ حَطِيعَةً نُكِتَتْ فِي قَلْبِهِ نُكْتَةٌ سَوْدَاءُ فَإِذَا هُوَ تَرَعَ وَاسْتَغْفَرَ وَتَابَ سُقِلَ قَلْبُهُ وَإِنْ عَادَ زِيدٌ فِيهَا حَتَّى تَعْلُمَ قَلْبَهُ وَهُوَ الرَّانُ الَّذِي ذَكَرَ اللَّهُ "كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَى قُلُوبِهِمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ". رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи ва салламдан ривоят қиласи: “Агар банда бир гуноҳга қўл урса, қалбига битта қора доғ тушади. Борди-ю, (гуноҳни) ташласа, истиғфор айтса, тавба қилса, қалби (доғлардан покланиб) сайқалланади. Агар яна (гуноҳ) қилса, (қора доғ) баттар кўпаяди. Бориб-бориб қалбини бутунлай чирмаб олади. Бу “Йўқ, (ундай эмас)! Балки дилларини ўзлари қилган гуноҳлари қоплаб олган!” оятида<sup>13</sup> Аллоҳ зикр қилган эгаллаб олишидир” (Термизий, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Бир киши гуноҳ қилса, қалбига битта қора доғ тушади. Кейин яна гуноҳ қилса, яна битта доғ тушади. Бориб-бориб қалби қоп-қора кўчкор рангига ўхшаб қолади<sup>14</sup>”.

Оппоқ қоғозга бир томчи сиёҳ тўқилса, шундоқ билинади-а? Бир дона гуноҳ мўмин бандага қалбига мана шундай таъсир қиласи: Мўминнинг қалби пок бўлгани учун ҳам гуноҳни қалбидаги ҳис этади, ножоиз иш қилиб кўйса, кўнгли ғаш бўлади, ожизлик қилиб гуноҳга ботгани учун ўзини ноқулай сезади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алаихи ва салламдан ривоят қиласи: “Ҳажарул асвад жаннатдан тушганида сутдан ҳам оппоқ эди. Одамлар қилган гуноҳлар уни қорайтириб юборган<sup>15</sup>”.

Эътибор беринг: гуноҳ-маъсиятга ботган одамлар ҳажарул асвадни кўллари билан силайвергандаридан ҳис-туйгусиз тош ҳам қорайиб кетган экан.

Бундан чиқди, гуноҳлар қалбимиз ойнасини хиралаштиради. Гуноҳ устига гуноҳ қилаверилса, қалб мисоли кўмирдек қорайиб кетади. Сидқидилдан айтилган истиғфор кўнгилдаги доғларни тозалайди. Қанча кўп истиғфор айтилса, қалбимиз гуноҳлар курумидан покланиб, жилоланиб бораверади.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا رَوَى عَنْ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى أَنَّهُ قَالَ: ... يَا عِبَادِي إِنَّكُمْ تُحْكُمُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَأَنَا أَعْفُرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا فَاسْتَغْفِرُونِي أَعْفِرُ لَكُمْ... رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حَبَّانَ.

Абу Зар розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алаихи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло шундай деган: “Эй бандаларим! Сизлар эртаю кеч гуноҳ қиласизлар. Мен эса барча гуноҳларни кечириб юбораман. Шундай экан, Менга истиғфор айтинглар, (сизларни) мағфират этаман” (Муслим, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Бандалар туну кун гуноҳ содир этсалар ҳам Аллоҳ фазли билан гуноҳларни кечириб юборади. Аллоҳ – меҳрибон, қарами кенг Зот. Бандаси қанча катта гуноҳга ботсаем, исён қилса ҳам чин дилдан тавбага юзланса, Аллоҳ унинг айбидан ўтади.

Мўминнинг баҳти ҳам шунда. У билиб-билмай хато қилса, гуноҳини тан олиб, ихлос билан Аллоҳга юзланади, тавба қиласи, қилмишига афсусланади, кўп истиғфор айтади. Шу билан қўксини тоғдек босиб турган айбдорлик юқидан, оғир руҳий зўриқишдан халос бўлади.

<sup>13</sup> Яъни, Мутаффифин сурасининг 14-оятида.

<sup>14</sup> Байҳақий “Шуабул имон”да ривоят қилган.

<sup>15</sup> Термизий, Ибн Ҳузайма ривоят қилган. Ҳадис санади сахих.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: قَالَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ مَا دَعَوْتَنِي وَرَجُوتَنِي غَفَرْتُ لَكَ عَلَى مَا كَانَ فِيكَ وَلَا أُبَالِي يَا ابْنَ آدَمَ لَوْ بَلَغْتُ دُنْبُكَ عَنَّا السَّمَاءُ ثُمَّ اسْتَعْفَفْتَنِي غَفَرْتُ لَكَ وَلَا أُبَالِي يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ لَوْ أَتَيْتَنِي بِعِزَابِ الْأَرْضِ خَطَايَاكَ ثُمَّ لَقَيْتَنِي لَا تُشْرِكُ بِي شَيْئًا لَا تَنْتَلُكُ بِقُرَائِهَا مَعْفِرَةً. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَالْدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

*Анас ибн Молик розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Аллоҳ таборака ва таоло шундай деган: “Эй одам боласи! Агар Менга дуо қилсанг, (раҳматимга) кўз тиксанг, ҳамма гуноҳларингизни кечириб юбораман. (Гуноҳинг қанча бўлсаем) эътибор бермайман. Эй одам боласи! Агар гуноҳларинг осмонни тўлдириб юборадиган даражада (кўп) бўлса-ю, кейин Менга истиғфор айтсанг, кечириб юбораман, (уларнинг кўплигига) парво қилмайман. Эй одам боласи! Агар ҳузуримга – Менга бирон нарсани шерик қилмаган ҳолда – ер юзини тўлдирадиган даражада (кўп) гуноҳлар билан келсанг ҳам ер юзини тўлдирадиган даражада мағфират билан олдингга бораман” (Термизий, Доримиий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади сахих).*

Аллоҳ таоло банданинг ҳар қандай гуноҳини кечириши мумкин. Каттаю кичик гуноҳларни авф этиш Аллоҳга қийин эмас. Агар гуноҳлар еру кўкни тўлдириб юборса ҳам қарами кенг Зот ҳаммасини кечиради. Аммо ёлғиз ширкни кечирмайди. Аллоҳга бирон нарсани ёки кимсани шерик қилмаган ҳолда вафот этган кишининг барча гуноҳлари авф этилиши мумкин. Фақатгина ширк бундан мустасно.

Истиғфор Аллоҳ таолонинг неъматидир. Агар Аллоҳнинг мағфирати бўлмаганида, диёрлар вайронага айланарди, одамлар ҳалок бўларди. Нега десангиз, айборлик юки жуда оғир бўлади, инсонни руҳан эзади, хузур-ҳаловатини ўғрилайди. Мана шу ҳолат истиғфор билан бартараф этилади. Моддий тараққиётга эришган Европа ҳалқлари нега тўлақонли баҳтли бўла олмаётганининг сабаби ҳам шунда. Баҳтли яшаш учун имон зарур. Руҳан покланиш учун истиғфор айтиш, тавба қилиш керак. Мустаҳкам имон, солиҳ амаллар, зикр-тасбех, салавот, истиғфор инсон ҳаётига файз киритади, кўнглини хотиржам қиласи. Бу амаллар билан киши охирати обод бўлади.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ الشَّيْطَانَ قَالَ: وَعَزَّتِكَ يَا رَبِّ لَا أَبْرُخُ أَغْوِي عِبَادَكَ مَا دَامَتْ أَرْوَاحُهُمْ فِي أَجْسَادِهِمْ قَالَ الرَّبُّ: وَعَزَّتِي وَجَلَّتِي لَا أَزَّلُ أَغْفِرُ لَهُمْ مَا اسْتَعْفَرُوْنِي. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилиншича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Шайтон: “Эй Парвардигорим, буюклигингга қасамки, то тирик эканлар, бандаларингни (йўлдан) уравераман!” деди. Парвардигор эса: “Иzzатимга, улуғлигимга қасамки, (бандаларим) Менга истиғфор айтар эканлар, уларни(нг гуноҳларини) кечиравераман!” деди” (Аҳмад, Ҳоким, Абу Яъло ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан<sup>16</sup>).*

Инсон боласи тирик экан, энг ашаддий душмани – иблис васвасаси уни ҳар қадамда таъқиб этаверади. Шайтон ҳар тарафдан келиб одамни адаштиришга уринади, йўлдан уриш пайида бўлади. Аллоҳ истиғфор айтадиган банданинг гуноҳларини кечиради. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ. Шайтоннинг мақр-хийласи заиф, ваъдаси пучдир.

<sup>16</sup> Ҳокимнинг “Мустадрак” китобида айтилишича, имом Заҳабий “Талхис”да бу ҳадис санадини сахих, деган. Шуайб Арнаут – Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад”и таҳрижида – ҳадис санадини ҳасан, деган. Ҳусайн Сулайм Асад – Абу Яълонинг “Муснад”и таҳрижида – айтади: “Бу ривоят санади заиф”.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ اللَّهَ قَدْ وَهَبَ لَكُمْ دُنُوبَكُمْ عِنْدَ الْإِسْتِغْفَارِ ، مَنْ اسْتَغْفَرَ اللَّهَ بِنِيَّةٍ صَادِقَةٍ وَمَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَجَحَ مِيزَانُهُ. رَوَاهُ ابْنُ شَاهِينَ.

*Абү Бақр Сиддик өзияллоху анху ривоят қиласы: “Мен Расуллар олаллоху алайхи ва саллам: “Албатта Аллох сизларга истиғфор айтиб гунохларингиздан (покланиш имконини) берди. Шундай экан, кимда-ким холис ният билан истиғфор айтса, “Лаа илааха иллаллох” деса, тарози оғир келади”, деб айтганларини эшигтанман” (Ибн Шоҳин ривоят қилган<sup>17</sup>).*

Тавхид билан истиғфор бир-бирига жудаям яқин. Аллохнинг ягоналигига ишонган, гунохларини тан олиб, Парвардигорига бўйин эгган одам ҳақиқий мўмин саналади. Бундай инсон ихлос билан истиғфор, таҳлил<sup>18</sup> айтгани учун икки дунёда ишлари бароридан келади, иншааллох!

Абү Бақр Сиддик өзияллоху анху Набий соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қиласы: “Ўзингизга “Лаа илааха иллаллох” дейишни, истиғфор айтишни лозим тутинг, иккисини кўп такрорланг! Чунки иблис шундай деган: “Мен одамларни гунохлар билан ҳалок этдим. Улар эса мени “Лаа илааха иллаллох” билан, истиғфор билан ҳалок этишли. Буни қўрганимдан кейин уларни ҳою ҳаваслар билан маҳв этдим. Улар (гунохга ботиб кетган бўлсалар ҳам) ўзларича “тўғри йўлдамиз”, деб ўйлашади<sup>19</sup>”.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّهُ خُلِقَ كُلُّ إِنْسَانٍ مِنْ بَنِي آدَمَ عَلَى سِتِّينَ وَثَلَاثَ مِائَةٍ مَفْصِلٍ فَمَنْ كَبَرَ اللَّهُ وَحْمَدَ اللَّهُ وَهَلَّلَ اللَّهُ وَسَبَّحَ اللَّهُ وَاسْتَغْفَرَ اللَّهُ وَعَزَّلَ حَجَرًا عَنْ طَرِيقِ النَّاسِ أَوْ شَوْكَةً أَوْ عَظِمًا عَنْ طَرِيقِ النَّاسِ وَأَمَرَ بِعِرْفٍ أَوْ نَهَى عَنْ مُنْكَرٍ عَدَدَ تِلْكَ السِّتِّينَ وَالثَّلَاثَ مِائَةَ السُّلَامِيِّ فَإِنَّهُ يَمْشِي يَوْمَئِذٍ وَقَدْ رَخَّذَ نَفْسَهُ عَنِ النَّارِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Оишиа өзияллоху анҳо Набий соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қиласы: “Одам боласидан (дунёга келган) ҳар бир инсоннинг уч юз олтмишта бўғими бор. Кимда-ким такбир, ҳамду сано, таҳлил, тасбех, истиғфор айтса, одамлар йўлидан тошними, тикан ёки суюкними олиб ташласа, яхшиликка буюрса, ёмонликдан қайтарса, ана шу уч юз олтмишта бўғимга тенг (садақа) қилибди. (У) ўша куни ўзини дўзахдан узоқлаштирган бўлади” (Муслим ривоят қилган).*

Бизнинг соғ-саломат юришимиз, тўрт мучамиз омонлиги улуғ неъмат. Бунинг шукрига зикр-тасбеҳлар айтилади, тоат-ибодат қилинади. Инсон суюклари, бўғимлари, асаб толалари соғломлиги учун Аллоҳга такбир, тасбех, ҳамду санолар айтиб, У Зотдан мағфират сўраса, бўғимлар ҳаки адо этилган бўлади.

## ОТА-ОНАСИ ВА ЯҚИНЛАРИ ҲАҚИГА ИСТИҒФОР АЙТИШ ХОСИЯТИ

Маълумки, вафот этган банданинг савобли ишлари тўхтайди. Лекин солиҳ фарзандлар айтган истиғфор фойдаси ота-онага тегиб туради. Зоро, фарзанд инсон ҳаёти самараси, қалб қўри ила эккан, авайлаб парвариш қилган ниҳолидир. Фарзанд ота-онадан кейин унинг чироғини ёқиб туради: эзгу ишларини давом эттиради, ҳақига дуо қиласи, истиғфор айтади. Бу билан мархум ота-она рухи шод бўлади, жаннатдаги мартабаси юқорилайди.

<sup>17</sup> Бу ҳадисни Жалолиддин Суютий “Жомеул аходис”да, Муттакий Ҳиндий “Канзул уммол”да нақл қилган.

<sup>18</sup> Таҳлил – “Лаа илааха иллаллох” дейиш. Бундаги “х” ҳарфи хойи ҳавваз билан ёзилади. Агар хойи ҳуттий бўлса, “ҳалол қилиш”, “руҳсат бериш”, “таҳлил” (анализ) маъноларини англатади.

<sup>19</sup> Абу Яъло ривоят қилган. Жалолиддин Суютий “Жомеул аходис”да мазкур ривоят санади заифлигини айтган. Аммо Ҳусайн Сулайм Асад – имом Доримий Авзойдан нақл қилган – ривоят санадини сахих, деган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الرَّجُلَ لَتُرْفَعُ دَرَجَتُهُ فِي الْجَنَّةِ فَيَقُولُ:  
أَنِّي هَذَا فَيُقَالُ: بِاسْتَعْفَارٍ وَلَدِكَ لَكَ. رَوَاهُ أَبْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبَرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Бир кишининг жаннатдаги мартабаси қутарилади. Шунда у: “Бунинг боиси нима?” деб сўрайди. Унга: “Фарзандинг айтган истиғфор сабабидан (шундай мақомга эришдинг)”, дейилади” (Ибн Можса, Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).*

Бизда бирон одам вафот этса, эл-юргита ош бериш урф бўлган. Аслида 7, 20, 40 демасдан, муҳтоҷ кишиларни чақириб таом берилса, муносиб одамларга хайр-эҳсон қилинса, яхши албатта. Аммо, эҳсондан ташқари ўтганлар ҳақига истиғфор айтилса, беш вақт намоздан кейин дуо қилинса, фойдаси кўпроқ бўлади. Чунки, элга ёзилган дастурхон атрофида марҳум бир-икки марта эсланади. Намозлардан кейин ота-онаси, мўмин-мусулмон аждодлари ҳақига дуо қилса, истиғфор айтса, унинг савоби тўхтовсиз бориб туради.

Шундай фарзандлар бор: ота-онаси ўтиб кетганидан кейин маъракаларини дабдаба билан ўтказиб, “Уларнинг рухини шод қилиб қўйдим”, деб калта ўйлайди. Йўқ, маъракани чиройли ўтказиш билан иш битмайди. Зоро, ота-она фарзанд қилаётган ибодатдан, дуодан, айтаётган истиғфордан манфаат кўради. Намозлардан кейин: “Ё Аллоҳ, ота-онамни раҳматингга ол, гуноҳларини кечир, қабр азобидан сақла!” деб дуо қилинг. Шунда ота-онангиз рухи шод бўлади, қабри нурга тўлади.

عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا فَرَغَ مِنْ دُفْنِ الْمَيِّتِ وَقَفَ عَلَيْهِ فَقَالَ: اسْتَعْفِرُوكُمْ وَسَلُوا لَهُ بِالشَّيْءِ إِنَّهُ الآنَ يُسْأَلُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالبَزَارُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам майит дағн этилганидан кейин қабр бошида туриб: “Биродарингиз ҳақига истиғфор айтинг, унга сабот тиланг! Чунки у ҳозир сўроқ қилинмокда”, дедилар” (Абу Довуд, Баззор ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).*

Уламолар таъкидлашича, майит дағн этилганидан кейин унинг ҳақига истиғфор айтиб туриш мандубдир.

Бу ҳадисдан уч хил хуроса чиқади:

1. Майиттга тириклар дуоси фойда беради.
2. Банда қабрда савол-жавоб қилинади.
3. Майит кўмилгани заҳоти сўроқ қилина бошлайди.

Демак, жанозада қатнашган одам майит ҳақига истиғфор айтади, қабр азобидан, дўзах ўтидан сақлашини сўраб Аллоҳга дуо қиласи.

Биздаги урфга кўра, майит дағн этилганидан сўнг яқинлари қолиб, Ёсин билан Таборак сурасини ўқишиади. Аслида асосий эътибор дуога, истиғфорга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

عَنْ أَمْ سَلَمَةَ قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا حَضَرْتُمُ الْمَرِيضَ أَوْ الْمَيِّتَ فَقُولُوا خَيْرًا فَإِنَّ الْمَلَائِكَةَ يُؤْمِنُونَ عَلَى مَا تَقُولُونَ قَالَتْ: فَلَمَّا مَاتَ أَبُو سَلَمَةَ أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ أَبَا سَلَمَةَ قَدْ مَاتَ قَالَ: قُولِي اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَلَهُ وَأَعْقِبْنِي مِنْهُ عُقْبَى حَسَنَةً قَالَتْ: فَقُلْتُ فَأَعْقَبْنِي اللَّهُ مَنْ هُوَ خَيْرٌ لِي مِنْهُ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالترْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

*Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Касал ёки майит ҳузурида яхши (гапларни) гапиринг! Чунки фаришталар сиз айтаётган (ҳар бир гап)га “омин” деб туради”, дедилар. Абу Салама вафот этганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: “Эй Расулуллоҳ! Абу Салама вафот этди!..” дедим. Шунда у зот: “Ё Аллоҳ! Унинг гуноҳларини кечир, ортидан менга чиройли ўринбосар қолдир! – деб айт”, дедилар. Мен ўша дуони ўқигандим, Аллоҳ менга Абу Саламадан ҳам*

**яхшироғини – Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни насиб этди” (Мұслим, Термизий, Насоиың ривоят қилған).**

Абу Салама розияллоҳу анху оламдан ўтганида Пайғамбар алайҳиссалом Умму Саламага күп истиржо айтишни, майит ҳақига дуо қилишни ўргатғанлар. Умму Салама онамиз айтилған ишни бажардилар. Натижада Аллоҳ таоло у зотга Абу Саламадан ҳам яхшироқ жуфтни – Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўринбосар қилиб берdi.

Беморни күргани борғанда унинг күнглини күтарадиган гаплар айтилади, “Кўринишинингиз анча яхши. Аллоҳ ҳоҳласа, ҳали соғайиб кетасиз”, деб чиройли сўзлар билан хушнуд этилади. Шунингдек, жаноза ҳозир бўлганида, “Эй Парвардигор, унинг гуноҳларини кечир, савол-жавобини енгил қил, қабр азобидан асрар!” деб майит ҳақига дуо қилинади. Қолаверса, марҳум ҳақида фақат яхши гаплар айтилади. Чунки биз айтаётган ҳар бир гапга фаришталар “омин!” деб туради.

عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ اسْتَغْفَرَ لِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِكُلِّ مُؤْمِنٍ وَمُؤْمِنَةٍ حَسَنَةً. رَوَاهُ الطَّبرَانِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّامِيَّينَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимда-ким мўмин-мўминалар ҳақига истиғфор айтса, Аллоҳ ўша бандага ҳар бир мўмин-мўмина учун битта савоб ёзади” (Табароний “Муснадуши шомиййин”да ривоят қилған. Ҳадис санади ҳасан).

Бир мусулмон киши: “Ё Аллоҳ! Мўмин-мўминалар гуноҳини кечир, уларни авф эт!” деб дуо қилса, ер юзида қанча мусулмон бўлса, шунча савобга эришади. Дунёда миллиардлаб мусулмонлар яшайди. Вафот этиб кетган имонли инсонлар қанча? Шуни ҳисобга олганда, биродарлари ҳақига истиғфор айтиш улкан савобли ишлиги маълум бўлади.

Ҳар ким ўз она тилида истиғфор айтиши мумкин. Истаса, “Аллоҳуммағfir лий ва лил мұмманийна вал мұмминаат”, деса ҳам бўлади. Мұхими, истиғфорни ихлос билан, чин дилдан айтса бўлгани.

عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي دَرَبُ اللَّسَانِ وَإِنَّ عَامَةً ذَلِكَ عَلَى أَهْلِي فَقَالَ: أَيْنَ أَنْتَ مِنْ إِسْتِغْفَارِ فَقَالَ: إِنِّي لَا سْتَغْفِرُ فِي الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ أَوْ فِي الْيَوْمِ مِائَةً مَرَّةً. رَوَاهُ ابْنُ مَاجْهَةَ وَالدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Ривоят қилиншишича, Ҳузайфа розияллоҳу анху: “Эй Расулуллоҳ! Менинг тилим ўткир. Кўпинча оиласа аъзоларига оғирроқ гапириб қўйман. (Бу хатоимни тузатишнинг қандайдир йўли борми?)” деди. Шунда у зот: “Сен истиғфор айтмайсанми<sup>20</sup>? Мен бир кеча-кундузда (ёки бир кунда) юз марта истиғфор айтаман”, дедилар (Ибн Можа, Доримий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоят қилған. Ривоят санади заиф).

Кимда-ким ота-онаси, ака-укалари ёки фарзандларига билиб-бilmай қўполлик қилса, қаттиқроқ гапириб кўнгилларини оғритиб қўйса, улардан кечирим сўрайди, ҳақларига дуо қилади, истиғфор айтади.

Айрим кимсалар ота-онаси тириклигида қадрига етмайди, уларни хафа қилади, дилларини оғритади. Вақт ўтганидан кейин ақли кириб, қилмишига пушаймон бўлади, айбини қандай ювишни билмай виждан азобида қийналади. Ана шундай кишиларга ҳам марҳум ота-онаси ҳақига кўп истиғфор айтиш, дуо қилиш, солих амаллар савобини бағиашлаш тавсия этилади.

## ИСТИҒФОР – ҒИЙБАТНИНГ КАФФОРАТИ

Одамнинг орқасидан гапириш, яъни, ўзи йўқлигида нуқсон-камчиликларини тилга олиш ғийбат, дейилади. Ғийбат катта гуноҳдир.

<sup>20</sup> Бу жумлани “Сен истиғфор айтиш фазилатини қаердан ҳам билардинг?” деб ифодаласа ҳам бўлади.

Кимнидир билиб-бilmай ғийбат қилган одам ғийбат қилинган киши ҳақига истиғфор айтади, ундан кечирим сўрайди. Шу йўл билан гуноҳидан покланади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: كَفَارَةُ مَنْ اغْتَبَتْهُ أَنْ تَسْتَغْفِرَ لَهُ.  
رَوَاهُ أَبْنُ أَبِي الدُّنْيَا فِي الصَّمْتِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади:* “(Ғийбат қилинган одам) ҳақига истиғфор айтишинг қилган ғийбатинг каффорати бўлади” (Ибн Абу Дунё “Сомт”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Бир гурӯҳ уламоларга кўра, агар киши ғийбат қилинганини билмаса, унинг ҳақига истиғфор айтиб қўйса бўлди. Аммо ғийбат қилинганини эшитган бўлса, ҳақига истиғфор айтиш билан бирга ундан кечирим ҳам сўралади. Ҳанафий мазҳабининг забардаст уламоларидан бўлмиш имом Таҳовийга кўра, ғийбат қилинган одам билса-бilmаса, ғийбатчи унинг ҳақига истиғфор айтса, кифоя қилади.

## ИСТИҒФОР – МАЖЛИС КАФФОРАТИ

Мўмин-мусулмонлар бирон жойда мажлис курсалар, туришдан олдин Аллоҳ таолога ҳамду сано, истиғфор айтадилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва салом<sup>21</sup> йўллайдилар. Шунда мажлис ҳаки адо этилади. Бу борада ҳадиси шарифларда кўрсатмалар келган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: كَلِمَاتٌ لَا يَتَكَلَّمُ بِهِنَّ أَحَدٌ فِي مَجْلِسِهِ عِنْدَ قِيَامِهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ إِلَّا كُفَّرَ بِهِنَّ عَنْهُ وَلَا يَقُولُهُنَّ فِي مَجْلِسٍ خَيْرٍ وَمَجْلِسٍ ذِكْرٍ إِلَّا خُتِمَ لَهُ بِهِنَّ عَلَيْهِ كَمَا يُخْتَمُ بِالْحَاجَاتِ عَلَى الصَّحِيفَةِ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ. رَوَاهُ أَبْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيقٌ.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади:* “Агар бирон киши мажлисдан тураётганида (ушбу) калималарни уч марта айтса, улар сабабидан (гуноҳлари) каффорат қилинади. Агар (уша калималарни) яхшилик мажлисида, зикр мажлисида айтса, худди узук билан саҳифага муҳр босилганидек, (уша калималар) билан унинг учун муҳр босилади. (Улар қуйидаги сўзлардир:) Субхаанакаллоҳумма ва биҳамдика лаа илааҳа иллаа анта астагфирука ва атувбу илайк” (Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих).

Абу Барза Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мажлисдан турмоқчи бўлсалар, “Субхаанакаллоҳумма ва биҳамdика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астагфирука ва атувбу илайк”, деб айтардилар. Бир киши: “Ё Расулуллоҳ, сиз шундай сўз айтяпсиз, уни аввал айтмасдингиз?..” деганида, у зот: “(Бу калималар) мажлисдаги (бефойда сўзлар)га каффорат бўлади”, деб марҳамат қилдилар<sup>22</sup>.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ جَلَسَ فِي مَجْلِسٍ فَكَثُرَ فِيهِ لَعْنَةٌ فَقَالَ قَبْلَ أَنْ يَقُومَ مِنْ مَجْلِسِهِ ذَلِكَ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ إِلَّا عُفْرَ لَهُ مَا كَانَ فِي مَجْلِسِهِ ذَلِكَ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبرَانيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيقٌ.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилиншича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:* “Ким бирон мажлисда ўтиrsa, унда тушунарсиз (фойдасиз) сўзлари кўпайиб кетса-ю, туришдан олдин “Субхаанакаллоҳумма ва биҳамdика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астагфирука ва атувбу илайк”, деса, ўша мажлисида бўлган (гуноҳлари, жумладан, тил билан

<sup>21</sup> Мажлис сўнггида ҳамду сано, салавот, салом йўллаш лозимлиги ҳакида куйироқда тўхталиб ўтилади.

<sup>22</sup> Абу Довуд хасан-саҳих санад билан ривоят қилган.

боғлиқ хатолари) **мағфират этилади**” (*Термизий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих*).

Мажлис охирида истиғфор айтиш нуқсон-камчиликларни түғрилайди. Агар бу иш тарк этилса, укубатга, ҳасрат-надоматга сабаб бўлиши мумкин. Чунки инсон тилидан чиққан фойдасиз сўзлар, шунингдек, фийбат, иғво, чақимчилик каби тил оғатлари уни ҳалокатга бошлайди.

Аслида мусулмон одам илмий сұхбатларда, зикр мажлисида ҳозир бўлади. Борди-ю бирон жойда маънисиз гаплар кўпайиб кетса, унга истиғфор айтиш каффорат бўлади. Шу ўринда бир нарсани эслатиб ўтамиз: “Бирон жойда ўтириб, хоҳлаган ишини қилиб, бўлар-бўлмас гаплар гапириб, кейин бир марта истиғфор айтиб қўйса, бўлди экан”, деб ўйлаш нотўғри. Зоро, гуноҳни атайлаб содир этиш яхши эмас.

وَعَنْ حُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ قَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ فَإِنْ قَالَهَا فِي مُجْلِسٍ ذُكْرٍ كَانَتْ كَالْطَّابَعِ يُطْبَعُ عَلَيْهِ وَمَنْ قَالَهَا فِي مُجْلِسٍ لَعْنُ كَانَتْ كَفَارَةً لَهُ . رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالْحَاكِمُ وَالْطَّبَرَانيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ .

Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳу Расулуппоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Кимда-ким “Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳ, субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдиқа ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфириука ва атувбу илайк”, деса, агар буни зикр мажлисида айтса, босиладиган муҳрдек бўлади. Агар лағв мажлисида айтса, (гуноҳлари) учун каффорат бўлади” (*Насоий*<sup>23</sup>, Ҳоким, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳих).

Демак, хоҳ фойдали сұхбат қуриладиган зикр мажлиси бўлсин, хоҳ беҳуда гаплар айтиладиган лағв мажлиси бўлсин, туришдан аввал истиғфор айтилса, мақсадга мувоғиқ бўлади.

## ҚИЁМАТ КУНИ ХУРСАНД БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Охиратда ҳар бир банданинг номаи аъмоли ўзига кўрсатилади. Бу ҳакида Аллоҳ таоло шундай деган: “Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйганмиз. Қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни (яъни, номаи аъмолини) чиқариб (кўрсатамиз. Ўшанда унга дейилади:) “Китобингни ўқи, (қанча савобинг, қанча гуноҳинг борлигини ҳисоб қил)! Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисоб-китоб қилувчидир” (Исро сураси, 13-14-оятлар).

Охиратда номаи аъмоли ўнг тарафдан берилган инсон хурсанд бўлиб: “Мана менинг китобимни ўқинглар!..” дейди. Номаи аъмоли чап тарафдан берилган киши эса: “Эҳ, қани энди менга китобим берилмасайди! Ҳисоб-китоб нелигин билмасайдим!” деб оҳ чекиб қолади<sup>24</sup>.

Ҳадисларда айтилишича, тириклилигида кўп истиғфор айтган инсон қиёмат куни номаи аъмолини кўриб қалби қувончга тўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: طُوبَى لِمَنْ وَجَدَ فِي صَحِيفَتِهِ اسْتِغْفَارًا كَثِيرًا . رَوَاهُ ابْنُ مَاجِهٖ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيقٌ .

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Номаи аъмолида кўп истиғфорни кўрган бандага қандай яхши!” (*Ибн Можса, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих*).

Инсон оғзидан чиқадиган ҳар бир сўз амаллар сахифасига ёзиб борилади. Қиёмат куни кишининг номаи аъмоли ўзига кўрсатилади, “Мана китобингни ўқи”, дейилади. Осий бандалар қилдай гуноҳи ҳам қолмай битиб қўйилганини кўриб даҳшатга тушади. Кўп истиғфор айтган мўмин банда эса сахифасини кўриб хурсанд бўлади. Чунки у дунёда кўп яхши амаллар қилган, истиғфор айтган, тилини беҳуда сўзлардан тийган эди.

<sup>23</sup> Насоий бу ривоятни “Ас-сунанул кубро”да келтирган.

<sup>24</sup> Тўлик маълумот учун каранг: Ҳакка сураси, 18-29-оятлар.

عَنْ الزَّبِيرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ أَحَبَّ أَنْ تَسْرُّهُ صَحِيفَتُهُ فَلَيُكْثِرْ فِيهَا مِنْ الإِسْتِغْفَارِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبَرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Зубайр ибн Абвом розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Кимда-ким номаи аъмолини кўрганда хурсанд бўлай деса, унда истиғфорни кўпайтирсин!” (Байҳакий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Абу Минҳолдан ривоят қилинади: “Қабрда банда учун кўп истиғфордан қўра яхшироқ қўшни (яъни, ҳамроҳ) бўлмайди<sup>25</sup>”.

Бакр ибн Абдуллоҳ Музаний шундай деган: “Сизлар кўп гуноҳ қиляпсизлар. Энди истиғфорни ҳам кўпайтиринг! Чунки, банда қиёмат куни номаи аъмолининг ҳар икки қаторида истиғфорни кўрса, боши осмонга етади<sup>26</sup>”.

## ИСТИҒФОРГА ШОШИЛИШ ХОСИЯТИ

Инсоннинг қайсиdir аъзоси жароҳатланса, унга тиббий ёрдам кўрсатилади. Агар бандада гунохга кўл урса, қалби яраланади. Шунда у руҳий мададга – истиғфорга эҳтиёж сезади. Агар вақтида ёрдам кўрсатилмаса, кеч бўлиши мумкин.

Билиб-бilmай гуноҳ қилган одам ўша заҳоти истиғфор айтишга чақирилган. Жумладан, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Кимда-ким бирон ёмон иш қилса ёки жонига жавр қилса, сўнг Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни(нг қанчалик) кечирувчан, меҳрибон эканини билади”** (Нисо сураси, 110-оят).

Авлалги умматларда гуноҳ кечирилиши учун жудаям оғир шартлар қўйилган, ҳатто ўзини ўлдириш буюрилган. Шариати муҳаммадияда хаммаси осон, танглик йўқ. Хато қилдингми, айбингни тан олиб Аллоҳга истиғфор айтсанг, гуноҳинг кечирилади. Инсон шу йўл билан оғир руҳий зўриқишдан, юқори босимдан қутулади, елкасини тоғдек босиб турган маънавий юқдан халос бўлади.

Каломи мажидда тақводор мўминлар сифати қуйидагича келтирилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Улар бирон фахш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳлари учун истиғфор айтадилар – ҳар қандай гуноҳни Ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилади – билган ҳолларида гуноҳларида давом этмайдилар”** (Оли Имрон сураси, 135-оят).

Инсон ҳаётда турли синовларга дуч келади, қийинчилик ёки фитналар гирдобида ўзи билмаган ҳолда гуноҳга қўл уради ёки билиб туриб шайтон васвасасига учади, Парвардигорига осий бўлади. Мана шундай пайтда мўмин бандага имкон берилади: истиғфор айтса, Аллоҳ уни кечиради. Гуноҳларни Меҳрибон Аллоҳдан бошқа ким ҳам кечиради?!

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنْ الَّذِينَ إِذَا أَحْسَنُوا اسْتَبْشِرُوا وَإِذَا أَسْأَعُوا اسْتَغْفِرُوا. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفُ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ё Аллоҳ! Мени яхшилик қилганда севинадиган, ёмон иш содир этганда истиғфор айтадиганлардан қил!” деб дуо қиласдилар (Ибн Можса, Аҳмад, Байҳакий ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Мусулмон одам хайрли ишни ихлос билан бажаради, бунинг эвазига мукофот олишига ишонади, “Мана шу амалим сабаб Аллоҳ розилигига эришаман”, деб хурсанд бўлади, қалби қувончга тўлади. Борди-ю, билиб-бilmай гуноҳга қўл урса, Аллоҳга истиғфор айтади, тавба қиласди. Мўмин бандада солих амал савобидан умид қиласди, гуноҳ туфайли азобга йўлиқишдан кўрқади.

<sup>25</sup> Манба: Аҳмад ибн Ҳанбал, “Аз-зухд”.

<sup>26</sup> Манба: Ибн Абу Дунё, “Ат-тавба”.

Бир нарсаны таъкидлаб ўтиш керак: тилида “тавба қилдим”, “айбимга иқрорман”, “Парвардигорим, Ўзинг кечир” деб туриб гуноҳдан тийилмай юравериш маъқул эмас. Айбдор одам хатосини тўғрилайди, уни бошқа такрорламасликка аҳд қиласди. Шунда Аллоҳ уни кечиради. Йўқса, тил учидаги айтилган истиғфор фойда бермайди.

## ТИЛ УЧИДА АЙТИЛГАН ИСТИҒФОР

Кўл учидаги қилинган иш яхши самара бермайди. Тил учидаги айтилган гап самимий чиқмайди. Чунончи, юракдан айтилган истиғфоргина ҳисобга ўтади. Тил учидаги истиғфор айтган одам ёлғончи бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки, “Тавба қилдим, Ўзинг кечир”, деб туриб яна маъсият уммонига шўнғиган кимсанинг сўзида субут қолмайди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ الْبَيِّنِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ وَهُوَ عَلَى الْمِنْبَرِ: إِنَّمَا  
تُرْحَمُوا وَأَغْفَرُوا يَغْفِرُ اللَّهُ لَكُمْ وَيَلْمِعُ لِأَقْمَاعِ الْقَوْلِ وَيَلْمِعُ لِلْمُصْرِرِينَ الَّذِينَ يُصْرُونَ عَلَى مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ  
وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос* розияллоҳу анҳудан ривоят қилиннишича, *Набий* соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб шундай деганлар: “(Аллоҳ яратган мавжудотларга) **раҳм-шафқатли бўлинглар!** Шунда (Парвардигорингиз тарафидан) **сизга раҳм қилинади.** (Одамлар хато-камчилигини) **кечирилглар!** Шунда Аллоҳ (гуноҳингизни) **мағфират** этади. Бир гапни эшитиб туриб унга **парво қилмайдиган** (яъни, ваъз-насиҳатга қулоқ солмайдиган) **кимсалар ҳолига вой!** **Билиб туриб гуноҳ қилишда давом этадиган кимсалар ҳолига вой!**” (*Бухорий*<sup>27</sup>, *Аҳмад*, *Байҳақий* ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Айримлар: “Бу кичик гуноҳ ёки кўз илғамас камчилик”, деб бамайлихотир маъсиятга қўл уради. Бироқ қатра томиб-томиб дарё бўлишини, томчи чакиллайвериб қаттиқ тошни-да ўйиб юборишини унтиб қўяди.

Қатода шундай насиҳат қилган: “Гуноҳларни давомли қилишдан эҳтиёт бўлинглар! Чунки сизлардан олдинги қавмлар Аллоҳ ҳаром қилган ишлардан тап тортмаганлари учун ҳалок бўлган. Улар ажаллари етгунича тавба қилмай юришган, осий ҳолларида ўтиб кетишган<sup>28</sup>”.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Бизлар айтиётган мана шу истиғфорнинг ўзи истиғфорга мухтождир”, деган экан<sup>29</sup>.

Яъни, тилида “астағфируллоҳ”, деб туриб гуноҳдан қайтмай юргани учун ҳам истиғфор айтиш керак, дейилмоқчи.

## ЕТМИШ МАРТА ГУНОҲ ҚИЛГАН ОДАМНИНГ ИСТИҒФОРИ

عَنْ أَبِي بَكْرِ الصَّدِيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَصَرَّ مَنْ اسْتَعْفَرَ وَإِنْ عَادَ فِي  
الْيَوْمِ سَبْعِينَ مَرَّةً. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْتَّرمِذِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

*Абу Бакр Сиддиқ* розияллоҳу анҳу *Расулуллоҳ* соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: **“Истиғфор айтган одам, гарчи (гуноҳга) бир кунда етмиш марта қайтса ҳам, (унда) бардавом эмас”** (*Абу Довуд*, *Термизий* ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Бир одам гуноҳ қилиб, истиғфор айтди. Кейин ожизлик билан яна ўша гуноҳга қўл урди. Ана шунда қайта-қайта истиғфор айтиверса, гуноҳда давомийлик йўқолади. Тарки одат аримахол, деган гап бор. Нафс ўрганиб қолган нарсани бирдан ташлаш қийин. Шунинг учун банда аста-секин ўзини

<sup>27</sup> Бухорий бу ривоятни “Ал-адабул муфрар”да келтирган.

<sup>28</sup> Абд ибн Ҳумайд, Ибн Жарир ривоят қилган.

<sup>29</sup> Манба: Қуртубий, “Ал-жомеъ ли-аҳкомил куръон”.

ўнглаб борса, орада ҳалиги гуноҳни қайта содир этсаям, кўп-кўп истиғфор айтса, Мехрибон Аллоҳ Ўз фазли билан банда гуноҳини кечириб юборади.

Бу ҳадисни “Бемалол гуноҳ қилиб, кетидан истиғфор айтиб қўйса бўлди”, деб тушунмаслик керак. Шариатнинг умумий талаби – гуноҳдан қайтиш. Агар атайлаб гуноҳ содир этаверса, ундаи одам ёлғончи бўлиб қолади. Қолаверса, қасдан, давомий қилиш билан кичик гуноҳ ҳам каттага айланиши мумкин.

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا أَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَحَدُنَا يُذْنِبُ قَالَ: يُكْتَبُ عَلَيْهِ قَالَ: ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ مِنْهُ وَيَتُوبُ قَالَ: يُغْفَرُ لَهُ وَيُتَابُ عَلَيْهِ قَالَ: فَيَعُودُ فَيُذْنِبُ قَالَ: يُكْتَبُ عَلَيْهِ قَالَ: ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ مِنْهُ وَيَتُوبُ قَالَ: يُغْفَرُ لَهُ وَيُتَابُ عَلَيْهِ وَلَا يَمْلُأُ اللَّهُ حَتَّى تَمْلُوا. رَوَاهُ الطَّبَرَانيُّ وَالبَیهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилиншича, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ! Бир киши гуноҳ қилганда, (нима бўлади)?” деб сўради. У зот: “(Гуноҳи) бўйнига ёзилади”, дедилар. Ҳалиги одам: “Кейин истиғфор айтиб тавба қилса-чи?” деб савол берди. Пайғамбар алайхиссалом: “(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул этилади”, дедилар. Кетидан: “Сўнг қайтиб яна гуноҳ қилса-чи?” деб савол берилиди. У зот: “Бўйнига ёзилади”, дедилар. Ҳалиги киши: “Гуноҳдан кейин истиғфор айтиб тавба қилса-чи?” деб яна савол ташлади. Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “(Гуноҳи) кечирилади, тавбаси қабул бўлади. Сизлар (истиғфор айтишдан, тавба қилишдан) чарчамасангиз, Аллоҳ учун (мағфират қилиш) малол келмайди”, деб марҳамат қилдилар (Табароний, Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Аллоҳнинг марҳаматини қаранг, ожиз бандасига шунча имкон берар экан. Факат бунинг қадрига етиб, вақтида ўзимизни ислоҳ қилсан бўлгани.

Аслида бегуноҳ одамнинг ўзи йўқ. Ҳаммаям хато қилади. Лекин мўмин банда камчиликка йўл қўйса, тезда ўзини ўнглаб олади, Парвардигорига илтижо қилади, истиғфор айтади.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Одам боласининг ҳар бири жуда кўп хато қилувчиидир. Хатога йўл қўювчиларнинг энг яххиси тавба қилувчилардир<sup>30</sup>.”

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ الَّبَيْ بْنَ عَلَيْهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: لَيْسَ صَغِيرٌ بِصَغِيرٍ مَعَ الإِعْصَارِ وَلَيْسَ كَبِيرٌ بِكَبِيرٍ مَعَ الإِسْتِعْقَادِ طُوبَى لِمَنْ وَجَدَنِي كَانَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ اسْتِعْقَادٌ كَثِيرٌ. رَوَاهُ الطَّبَرَانيُّ وَابْنُ شَاهِينَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилиншича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Гуноҳда бардавом бўлиш билан кичик гуноҳ кичикилигича қолмайди. Истиғфор айтиш билан катта гуноҳ катталигича қолмайди. Қиёмат куни мени учратганда (номай аъмолида) кўп истиғфор бўлган кишига қандай яхши!” (Табароний, Ибн Шоҳин ривоят қилган).

Катта гуноҳ қилиб қўйган одам тавба қилса, гуноҳи кечирилади. Лекин кичик гуноҳларни тўхтовсиз қилаверса, улар ийғилиб-ийғилиб катта гуноҳга айланади.

Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Банда кичик гуноҳга қўл уради, уни менсимайди, қилмишига пушаймон бўлмайди, истиғфор ҳам айтмайди. Ана ўша гуноҳ Аллоҳ наздида тоғдек катталашиб кетади. Яна бир банда гуноҳ қилади, кейин надомат чекади, истиғфор айтади. Унинг гуноҳи Аллоҳ наздида кичрайиб боради, ҳатто авф этилади<sup>31</sup>.”

Эътибор берганмисиз, катта бир харсанг тошга чакиллаб сув томаверса, кўп ўтмай тошни ўйиб юборади. Агар бир чеълак сувни тош устига бир зарбда сепсангиз, деярли таъсири бўлмайди. Кичик гуноҳларни давомий қилиш ҳам шунга ўхшайди.

<sup>30</sup> Термизий, Ибн Можа, Доримий ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан.

<sup>31</sup> Байҳақий, Ибн Абу Дунё ривоят қилган.

Демак, гуноҳни менсимаган одам маъсият қаърига ботиб бораверади. Ожизлик қилган банда эса тавба, истиғфор билан гуноҳдан покланади, ғам-ғуссадан қутулади, зулматдан ёруғликка чиқади.

Яна бир мисол келтирамиз: кийим кир бўлса, совун ёки қуқун (порошок) билан яхшилаб ювилса, топ-тоза бўлади. Худди шунга ўхшаб тавба ва истиғфордан кейин гуноҳлар ювилади. Бунинг учун қалбда холислик, сўзда событлик, амалда содиклик бўлиши лозим.

## ИСТИҒФОР – ДИЛ ҚУВОНЧИ

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, муаммодан қутуласиз.

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, Аллоҳга яқин бўласиз.

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, қалбингиз қордек оппоқ, руҳингиз тетик бўлади.

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, гуноҳлардан фориғ бўласиз.

Кўп истиғфор айтинг, дилингиз яйрайди, кўнглингиз ёзилади.

Кўп истиғфор айтинг, муваффақият қозонасиз.

Истиғфорни кўпайтирсангиз, ташвишларингиз ариб ёруғ кунларга етасиз.

Кўп истиғфор айтинг, касалликдан тўлиқ тузалиб кетасиз.

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, қийинчиликдан фаровонликка чиқасиз.

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, Аллоҳ мушкулингизни осон қилади.

Истиғфор айтишни кўпайтиринг, Аллоҳ сизни фарзанд неъмати билан сийлайди.

Оила қуришга имкони йўқ йигитлар кўп истиғфор айтишса, ўзларига муносаб солиҳа жуфт топиб, кўнгиллари таскин топади.

Турмушга чиқиш умидидаги қизлар истиғфор айтишни кўпайтиришса, баҳт йўллари очилади.

Дунёда истиғфор билан орзуига етган қанчадан-қанча инсонлар бор. Етиб бўлмас мэрраларни истиғфор ила забт этган одамлар сони беҳисоб.

Истиғфор айтинг, дилингиздаги васвасалар, қўрқувлар арийди.

Истиғфор дилга қувонч бағишлийди, қалбга таскин беради, кўнгилни хотиржам қилади.

## ИСТИҒФОР – НАЖОТ ҚАЛИТИ

Айб иш қилиб қўйиб ғам-ғуссага ботган одам кўп истиғфор айтса, боши устидаги қора булувлар тарқайди. Қийин дамларда истиғфорни ўзига қалқон деб билган одам нажотга эришади.

Куръонда Юнус алайҳиссалом ҳақида қуйидаги муҳтасар қисса келтирилган. Аллоҳ таоло айтади:

“-----Арабча матн-----”

“**Зуннун – Юнуснинг** (ўз қавмидан) **ғазабланган ҳолда** (қишлоғидан чиқиб) **кетиб**, Бизни **унинг зиёнига ҳукм қилмайди**, деб ўйлаган пайтини, (уни балиқ қорнига ташлаганимиздан) **кейин қоронғи зулматлар ичра**: “Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен айб-нуқсонлардан поксан. Ҳақиқатан, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим”, деб нидо қилган (пайтини эсланг). **Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик**, уни ғамдан қутқардик. **Биз мўминларга мана шундай нажот берамиз**” (*Анбиё сураси*, 87-88-оятлар).

Юнус ибн Матто алайҳиссалом Найнаво аҳлига пайғамбар қилиб юборилган эди<sup>32</sup>. У қавмини тўғри йўлга чақирганида имон келтирмади. Аллоҳнинг азоби тушиши ҳақида огоҳлантирганида ҳам кўзлари очилмади. Шунда Юнус пайғамбар Яратганинг: “Сабр қил”, деган буйруғини унутиб, қавмидан ғазабланган ҳолда қишлоғидан чиқиб кетди, ўзича: “Бу ишим учун Аллоҳ мени жазоламас”, деб ўйлади. Лекин Аллоҳ таоло пайғамбарининг итоатсизлиги жазосига кенг қишлоғига сифмаган Юнус алайҳиссаломни балиқнинг тор қорнига “хибс” қилиб қўйди. Шунда у балиқ қорнида туриб Аллоҳга илтижо этди<sup>33</sup>.

<sup>32</sup> Манба: Асъад Ҳавмад, “Айсарут тафосир”.

<sup>33</sup> Манба: Шайх Алоуддин Мансур, “Куръони каримнинг ўзбекча изоҳли таржимаси”.

عَنْ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: دَعْوَةُ ذِي النُّونِ إِذْ دَعَا وَهُوَ فِي بَطْرِ الْحُوتِ: لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ فَإِنَّهُ لَمْ يَدْعُ بِهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ فِي شَيْءٍ قَطُّ إِلَّا اسْتَجَابَ اللَّهُ لَهُ.

رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алаихи ва салламдан ривоят қилади: “Қайси бир мусулмон киши Зуннун наҳанг қорнида туриб “Лаа иллааха иллаа анта субхаанака инний кунту миназ золимийн”, деган дуоси билан илтижо қиласа, Аллоҳ уни қабул этади” (Термизий, Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Ривоят қилинишича, Расули акрам соллаллоху алаихи ва саллам шундай марҳамат қилғанлар: “Аллоҳнинг исми аъзамини сизларга айтайми? Бу Юнуснинг “Лаа иллааха иллаа анта субхаанака инний кунту миназ золимийн”, деб қилған дуосидир. Кимда-ким касаллик чоғида ўша (дуо) билан кирқ кун Парвардигорига илтижо қиласа, унга шаҳидлик савоби берилади. Агар тузалиб кетса, гуноҳлари кечирилған ҳолда (оёққа) туради<sup>34</sup>”.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَكْثَرَ مِنْ إِلِسْتَغْفَارِ جَعَلَ اللَّهُ لَهُ مِنْ كُلِّ هُمْ فَرَجَّا وَمِنْ كُلِّ ضِيقٍ مَخْرَجًا وَرَزْقَهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ. رَوَاهُ أَبُو ذَاؤدَ وَأَحْمَدُ وَالْطَّبرَانيُّ وَالْحَاكِمُ.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алаихи ва салламдан ривоят қилади: “Кимда-ким кўп истиғфор айтса, Аллоҳ ўша (банда) учун ҳар қандай ғам-ташвишдан қутулиш, танглиқдан чиқиши йўлинин (пайдо) қиласи, уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради” (Абу Довууд, Аҳмад, Табароний, Ҳоким ривоят қилган<sup>35</sup>).

Гуноҳ банда бошига ғам-ташвиш келтиради. Турли муаммолар, дилхираликлар гуноҳлар туфайли пайдо бўлади. Мана шу муаммонинг давоси тавба, истиғфордир.

Фараз қилинг: бир одам бошига оғир мусибат тушди, кутилмагандан боши берк кўчага кириб қолди. Нима қилишни билмаяпти. Мана шундай пайтда истиғфор асқатади. Банда “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ”, деб Аллоҳга юкинса, Мехрибон Парвардигор унга ёрдам беради. Аллоҳ неъматларига шукр қилған, Унга ҳамду сано, истиғфор айтган бандани қийин дамларда кўмаксиз қолдирмайди.

Тирикчилик масаласида қандайдир муаммога дуч келганда ҳам истиғфор айтилади. Жаъфар Содиқ шундай деган экан: “Кимнинг ризқи (келиши) кечикса, истиғфор айтишни кўпайтирсин<sup>36</sup>”.

Ойлик маоши кечикаётган, савдосидан барака кўтарилиған одам истиғфор айтса, ишлари юришиб кетади. Аллоҳ кўп истиғфор айтган бандани хаёлига келмаган томондан ризқлантиради.

Қарзга ботган ёки бирорвага қарз бериб, пулини ололмай юрган одам ҳам истиғфор билан муродига етади.

Агар оилада нотинчлик бўлса, эр-хотин ўртасида келишмовчилик чиқса ёки фарзандлар итоатсизлик қилиб, катталар гапини икки қиласа, истиғфор айтилади.

Баъзида инсоннинг моддий ҳолати яхши бўлсаям негадир қалби безовта бўлаверади, пули бор, ошна-оғайнилари, таниш-билишлари бисёр, негадир қалби нотинч. Мана шундай пайтда ҳам истиғфор айтилса, кўнгилдаги ғашлик арийди. Кўп истиғфор айтган инсон ўзини анча енгил ҳис қиласи. Чунки ҳар сафар истиғфор айтилганида дилдаги қора доғлар ювилади, дилхиралик барҳам топади.

Бойми, камбағалми, ёшми, қарими, ҳар бир инсон истиғфор айтишга муҳтож. Сабаби оддий: инсон ожиз ва заиф. Ҳаётда ҳар қандай муаммони чангл-чангл пул билан, казо-казо таниш-билишлар билан ҳал этиб бўлмайди. Дунёда пул билан ҳам битмайдиган ишлар жуда кўп.

Хуллас, истиғфор айтиб қийин вазиятлардан чиқиб кетиш, муаммоларни ҳал этиш мумкин. Аллоҳ бизга шундай имконият берган. Бунинг учун Аллоҳга ҳамду санолар айтамиз.

<sup>34</sup> Ҳоким ривоят қилган.

<sup>35</sup> Баъзи мухаддислар ривоят санадидаги Ҳакам ибн Мусъаб туфайли бу ҳадисни заиф, деганлар. Аммо Ҳоким ва Аҳмад Муҳаммад Шокир: “Бу ҳадис санади саҳиҳ”, деган.

<sup>36</sup> Манба: “Ат-табақотул кубро лиш-шарьоний”.

## ИСТИГФОР – ОМОНЛИК ГАРОВИ

Аллоҳ таоло шундай деган:

“-----Арабча матн-----”

“Улар: “Эй Аллоҳ! Агар шу (Қуръон) сенинг ҳузурингдан экани ҳақ бўлса, (майли) устимизга самодан тош ёғдир ёки бизга аламли азоб келтир”, деганларини эсланг! Ораларида Сиз бўлатуриб, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобловчи эмас. Истиғфор айтиб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азобловчи эмас!” (Анфол сураси, 32-33-оятлар).

Ривоят қилинишича, Назр ибн Ҳорис:

– Бу Қуръон аввалги қавмлардан қолган афсона эканига шубҳа йўқ! – деганида, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Ҳолингга вой бўлсин! Қуръон оламлар Парвардигорининг Каломидир! – деб таъкидладилар.

Назр бўлса шундай дуо қила бошлади:

– Эй Аллоҳ! Агар мана шу Қуръон ҳақиқатан Сенинг ҳузурингдан тушган бўлса, унда устимизга осмондан тош ёғдир ёки аламли азобингни юбор!

Аслида у: “Эй Аллоҳ! Агар Қуръон ҳақ бўлса, бизни тўғри йўлга бошла! Унга бўйсуниш баҳтини насиб эт!” деб илтижо қилганида, ўзига яхши бўларди<sup>37</sup>.

Оят мазмунига кўра, бандалар учун иккита омонлик гарови бор экан:

Биринчиси, ораларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдек улуғ зотнинг борликлари.

Иккинчиси, уларнинг истиғфор айтиб туриши.

Ривоят қилинишича, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: “Қўлида нажот калити бўлатуриб ҳалокатга учраган одамга ҳайронман!” деди. Шунда: “Нажот калити нима?” деб сўралди. Ҳазрат Али: “Истиғфор”, деб жавоб берди<sup>38</sup>.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنْزَلَ اللَّهُ عَلَيَّ أَمَانِيْنِ لَأُمَّتِي "وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُعَذِّبَهُمْ وَأَنْتَ فِيهِمْ وَمَا كَانَ اللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ" فَإِذَا مَضَيْتُ تَرْكُتُ فِيهِمْ إِلَيْهِمُ الْإِسْتِغْفَارَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласиди: “Аллоҳ умматим учун менга иккита омонлик тушириди – “Ораларида Сиз бўлатуриб, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобловчи эмас. Истиғфор айтиб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азобловчи эмас!” Агар мен (дунёдан) ўтсам, сизларга қиёмат қунигача истиғфорни қолдириб кетаман” (Термизий ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу: “Сизларда иккита омонлик бор эди. Улардан бири кетди, иккинчиси қолди”, деб айтган<sup>39</sup>.

عَنْ فَضَالَةَ بْنِ عَبْيَدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: الْعَبْدُ آمِنٌ مِّنْ عَذَابِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ مَا اسْتَغْفَرَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласиди: “Банда Аллоҳ азза ва жаллага истиғфор айтиб турар экан У Зотнинг азобидан саломат бўлади” (Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади заиф<sup>40</sup>).

<sup>37</sup> Манба: Асьад Ҳавмад, “Айсарут тафосир”.

<sup>38</sup> Манба: “Уюнул ахбор”.

<sup>39</sup> Байҳақий, Ҳоким ривоят қилган.

<sup>40</sup> Шуайб Арнаут: “Бу ҳадис барча йўллари, шоҳидларига кўра ҳасан. Аммо Ришдин заифлиги боис санади заиф”, деган.

Эгилган бошни қилич кесмас, дейишади. Бунинг учун бошни ихлос билан эгиш керак. Тавба қилган, истиффор айтган одамнинг бошига бало келмайди. Бирон-бир юртда кўпчилик истиффор айтиб турса, ўша жой тинч, фаровон бўлади.

عَنْ أَبِي مُوسَىٰ قَالَ: حَسَّفْتُ الشَّمْسَ فَقَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرِغًا يَخْشَىُ أَنْ تَكُونَ السَّاعَةُ قَاتِلًا  
الْمَسْجَدَ فَصَلَّى بِأَطْوَلِ قَيَامٍ وَرَكْوَعٍ وَسُجُودٍ رَأَيْتُهُ قَطُّ يَفْعُلُهُ وَقَالَ: هَذِهِ الْآيَاتُ الَّتِي يُرْسِلُ اللَّهُ لَا تَكُونُ لِمَوْتٍ أَحَدٌ وَلَا  
لِحَيَاةٍ وَلَكِنْ يُحَوِّفُ اللَّهُ بِهِ عِبَادَهُ فَإِذَا رَأَيْتُمْ شَيْئًا مِنْ ذَلِكَ فَافْرَعُوا إِلَى ذِكْرِهِ وَدُعَائِهِ وَاسْتَغْفَارِهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ  
وَالنَّسَائِيُّ.

*Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “(Бир куни) қуёш тутилди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат қоим бўлиб қолишидан қўрқидилар, масжидга келиб намоз ўқидилар, жуда узок қиёмда турдилар, руку, сажда қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилганларини ҳеч кўрмагандим. У зот: “Аллоҳ юборадиган бу аломатлар кимнингдир ўлими ёки ҳаёти (туғилиши, яшаши) учун бўлмайди. Бироқ Аллоҳ бу билан бандаларини қўрқитади (огоҳлантиради). Шундай экан, агар ана ўшандан бирон нарсани кўрсангиз, дарҳол (Аллоҳни) зикр этишга, Унга дуо қилишга, истиффор айтишга шошилинг!” дедилар” (Бухорий, Муслим, Насоий ривоят қилган).*

Бу ривоятга кўра, бирон кутилмаган ҳолат бўлса, инсонлар ҳаётига хавф тутадиган воқеа содир бўлса, Аллоҳ эсланади, бало-офатлардан сақлашини сўраб У Зотга дуо-илтижо қилинади, истиффор айтилади.

Дунёда қандай воқеалар бўлаётганини кўриб турибмиз: ҳали у ерда сув тошган, ҳали бу ерга ўт кетган, бир жойда қаттиқ зилзила бўлиб, юзлаб, минглаб одамлар ҳалок бўлган...

Орамизда намозхонлар, солиҳ қишилар бор экан, Аллоҳ таоло юртимизни турфа балолардан сақладиди. Фақат биз шу инсонлар қадрига этишимиз керак. Нуроний отахонлар, саховатпеша инсонлар, солиҳлар, холис одамлар бор экан, тинчлик-фаровонлик ҳукм суради. Барчамиз Аллоҳга бўйсунсак, шариатга амал қилсак, тинчлигимиз янада бардавом, ҳаёtimиз осуда бўллади, иншааллоҳ! Зоро, икки дунё саодатига имон-эътиқод билан, эзгу амаллар билан эришилади.

## ИСТИФФОР – ФАРОВОН ҲАЁТ ОМИЛИ

Куръони каримда айтилишича, Аллоҳнинг пайғамбари Ҳуд алайҳиссалом қавмига шундай насиҳат қилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Парвардигорингиздан мағфират сўранг, кейин Унга тавба қилинг. Шунда (Аллоҳ) сизларни маълум муддатгача чиройли фойдаланиш билан фойдалантиради, ҳар бир яхшилик соҳибига яхшилик беради. Агар юз ўгирсангиз, у ҳолда мен сизларга улуғ кун азоби этишидан қўрқаман” (Ҳуд сураси, 3-оят).**

Ҳуд алайҳиссалом тилидан яна шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўранг! Кейин Унга тавба қилинг! Шунда У Зот устингизга осмондан ёмғир ёғдиради, куч-қувватларингизга яна куч-қувват қўшади” (Ҳуд сураси, 52-оят).**

Захҳок айтади: “Од қавми уч йил кетма-кет қурғоқчиликдан азият чеккач, Ҳуд алайҳиссалом уларга: “Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўранг! Сўнг Унга тавба қилинг! Шунда У Зот осмондан ёмғир ёғдиради, куч-қувватларингизни янада зиёда қиласди”<sup>41</sup>”, деб панд-насиҳат қиласди.

<sup>41</sup> Ибн Асокир ривоят қилган.

Бундан чиқди, күп истиғфор айтилса, ризқ кенгаяди, кишининг топган-тутганига барака киради. Қурғоқчиликни, ичимлик суви муаммосини ҳам истиғфор билан ҳал этса бўлади. Чунки истиғфор айтилган жойда баракали ёмғир-корлар ёғади, сув мўл бўлади.

Бошқа ўринда Нұх алайхиссалом тилидан шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Ва мен: “Парвардигорингиздан мағфират сўранглар! Албатта У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли Зотдир. (Агар истиғфор айтсангиз,) устингизга осмондан ёмғир ёғдиради, сизларга мол-дунё ва фарзандлар<sup>42</sup> билан мадад беради, сизларга боғлар (барпо) қилади, оқар дарёлар (ато) қилади”, дедим” (Нұх сураси, 10-12-оятлар).**

Ривоят қилинишича, бир киши машҳур тобеин Ҳасан Басрий раҳматуллохи алайҳ олдига келиб қурғоқчиликдан шикоят қилди. У зот ҳалиги одамга: “Истиғфор айт!” деб маслаҳат берди. Бошқа одам келиб камбағалликдан, яна бошқаси фарзандлари камлигидан, яна бири ер унумдорлиги пастлигидан шикоят қилди. Ҳасан Басрий уларнинг барчасини кўп истиғфор айтишга буюрди. Шунда Рабийъ ибн Субайҳ бундан ҳайрон бўлиб: “Олдингизга ҳар хил одамлар келиб, турли масалада мурожаат қилишди. Сиз эса ҳаммасига истиғфор айтишни буюрдингиз. Бунинг сабаби нима?” деб сўради. Ҳасан Басрий саволга жавобан юқоридаги оятни ўқиб берди<sup>43</sup>.

## ИСТИҒФОР – ҚАЛБ ЖИЛОСИ

Гуноҳ-маъсият банда қалбини қорайтиради. Ҳатолар йиғилиб-йиғилиб, қалбни бутунлай эгаллаб олади. Қуръони каримда бу ҳақда шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Йўқ, (ундай эмас)! Балки уларнинг қалбларини ўzlари қилган гуноҳлари қоплаб олган!” (Мутаффифин сураси, 14-оят).**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни огоҳлантириб шундай деганлар: “Агар бандагуноҳга қўл урса, қалбига битта қора доғ тушади. Борди-ю, (ӯша ишни) ташласа, истиғфор айтса, тавба қилса, қалби сайқалланади. Агар яна (гуноҳ) қилса, (қора доғ) баттар кўпаяди. Бориб-бориб қалбини бутунлай чирмаб олади. Бу – Аллоҳ Қуръонда зикр қилган – (қалбнинг) эгаллаб олинишидир<sup>44</sup>.

Ҳасан розияллоҳу анҳу: “Гуноҳ устига яна гуноҳ ишларни тўхтовсиз қилавериш билан қалб қораяди, (шу тахлит давом этаверса, охири) ўлади”, деган<sup>45</sup>.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ لِلْقُلُوبِ صَدَّاً كَصَدَّاً النُّحَاسِ وَجِلَاؤهَا  
إِسْتَعْفَارُ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الإِيمَانِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қалблар ҳам мис каби занглайди. Унинг жилоси истиғфордир”, деганлар (Байҳақий “Шуабул имон”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф<sup>46</sup>).*

<sup>42</sup> Шу ерда бир ибратли воқеани келтирамиз. Тирнокқа зор эр-хотин шифокорга мурожаат қилди. Шифокор уларнинг касалини даволашга уринди, аммо бўлмади, “Сизлардан фарзанд бўлиши қийин!” деб ташхис қўйди. Эр-хотин руҳлари тушган холда ортга қайтишди. Кейин бир олим хузурига боришиди. У: “Бандаларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилишига ҳеч кимнинг ҳаки йўқ. Сизлар кўп истиғфор айтинглар. Чунки Аллоҳ таоло Каломи мажидида “(Агар истиғфор айтсангиз,) устингизга осмондан ёмғир ёғдиради, сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад беради”, деган”, деб маслаҳат берди. Шунда эр-хотин қалбидаги умид учқуни пайдо бўлди. Олим айтган тавсияга кўра, эрталаб, кечкурун тақорр-такрор истиғфор айтишиди. Кўп ўтмай аёл ҳомиладор бўлди...

<sup>43</sup> Манба: “Тафсирул қуртубий”; “Тафсирун насафий”.

<sup>44</sup> Термизий, Насойй, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким – Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан марфу тарзда – ривоят қилган. Термизий, Ҳоким ривоят санади сахих, деган.

<sup>45</sup> Абд ибн Ҳумайд ривоят қилган.

<sup>46</sup> Табароний ривоят қилган. Ҳайсамий “Мажмауз завоид” китобида: “Ривоят санадида Валид ибн Салама Табароний бор. У ёлғончидир”, деган. Байҳақий, Табароний каби мухаддислар буни ҳадис санашган, уни китобларида келтиришган. Муновий “Файзул кодир”да мазкур ҳадисни шарҳлаган.

Гунохлар асорати қалб ойнасини хиралаштиради. Агар дил зангласа, инсоннинг идрок этиш қобилияти ўтмаслашади. Қўп истиғфор айтилганда қалб покланади, кирлари ювилиб, яна аввалги ҳолига қайтади.

وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَلَا أَذْكُرْكُمْ عَلَى دَائِكُمْ وَدَوَائِكُمْ  
أَلَا إِنَّ دَاءَكُمُ الدُّنُوبُ وَدَوَائَكُمُ الْإِسْتِغْفَارُ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شَعْبِ الْإِيمَانِ وَسَنْدُهُ ضَعِيفٌ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳу соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласиди: “Мен сизларга касаллигиниз сабабини, унинг давоси нимадалигини айтами? Огоҳ бўлинглар, гунохлар – сизнинг касаллигиниз. Унинг давоси истиғфордир” (Байҳақий “Шуабул имон”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф<sup>47</sup>).*

Одамнинг юраги бирдан санчиб қолса, дори ичса бўлгани, оғриқ тўхтайди. Лекин қалбимиз оғриса-чи? Бунга қандай чора кўрамиз?

Гуноҳ-маъсият қалбни жароҳатлади. Лат еган қалбга кўрсатиладиган биринчи ёрдам истиғфордир. “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ”, деб ихлос билан қайта-қайта Аллоҳга илтижо қилинса, қалб яраси аста-секин тузалади.

Ривоят қилинишича, Рабийъ ибн Хайсам шогирдларига: “Касаллик нима? Унинг давоси-чи? Шифо нимада? Биласизларми?” деб савол бериб, кейин: “Касаллик – гунохлар, унинг давоси – истиғфор, шифо эса гуноҳдан тавба қилиб, уни бошқа такрорламаслиқдир”, деб айтган экан<sup>48</sup>.

Ўткинчи дунё матоҳларига бўлган кучли ҳирс, хақ йўлдан тойилиш, мол-дунёга ўчлик, обрў-эътиборни яхши кўриш кабилар дилни занглатади. Булар йиғилиб-йиғилиб қалбни печакдай чирмаб олади. Айнан мана шу иллат инсонни ихлосдан тўсади. Шунинг учун ибодатдан олдин истиғфор айтиш тавсия этилади. Уламолардан бирига: “Тасбех афзалми ёки истиғфор?” деб савол берилибди. Олим бунга: “Агар либос топ-тоза бўлса, унга атири сепиб хушбўй қилинади. Бироқ кир бўлса, аввал либосни совун билан иссиқ сувда яхшилаб ювиш керак”, деб жавоб қайтарган экан<sup>49</sup>.

## ИСТИҒФОР – СОҒЛИК ГАРОВИ

Дунёда шундай ажойиб дорилар бор, уни кашф қилиш учун табиблар илм-тажрибаси камлик қиласиди. Бу қандай дори эканини биласизми? Аллоҳга ишониш, таваккал қилиш, дуо-илтижо, садака бериш, тавба қилиш, истиғфор айтиш, одамларга ёрдам қўлини чўзиш, ғамга ботган кишилар кўнглини кўтариш, йиқилганни сяб қўйиш мана шундай ажойиб малҳамдир. Биздан олдин ўтганлар бу дориларни синаб кўриб, фойдаси қўплигига амин бўлишиди. Биз ҳам шунга ишондик. Руҳий малҳамлардан олинадиган шифони табиблар дорисини ичиб ҳосил қилиш имкони йўқ. Шу жиҳатдан ҳам ҳиссий-маънавий даво усуслари афзалдир<sup>50</sup>.

Масалан, истиғфор мисолида олиб кўрайлик. Ғамга ботган гуноҳкор одам битта таблетка ичса, қалбидаги хижиллар ёзиладими ёки бирон муаммога дуч келганда, табиб берган дамламадан бир-икки ҳўпласа, мушкули осон бўлиб қоладими? Йўқ, албатта. Шифокор тавсия этган дорилар танамизнинг маълум қисмини даволайди. Истиғфор эса танамизни ҳам, руҳимизни ҳам даволайди, бизга қувонч бағишлийди, елкамизни босиб турган ғам-ташвишлардан халос этади. Шунинг учун ҳам касаллиқдан тўлиқ соғайишда, руҳий хотиржамликка эришишда истиғфорнинг ўрни бекиёс.

## ИСТИҒФОР ҚАЧОН АЙТИЛАДИ?

<sup>47</sup> Ривоят санадида мажхул ровийлар бор. Дайламий бу ҳадисни “Муснадул фирдавс”да, Мунзирий “Тарғиб”да келтирган.

<sup>48</sup> Манба: Ахмад ибн Ҳанбал, “Аз-зухд”.

<sup>49</sup> Манба: Ибн Қайим, “Ал-вобилус сойиб”.

Ривоят қилинишича, бир киши Ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳдан: “Тасбех айтганим яхшими ёки истиғфор?” деб сўради. Ибн Жавзий: “Кир либос учун атирдан кўра совун муҳимроқ”, деб жавоб берди (Манба: Захабий, “Сиyrу аъломин нубало”).

<sup>50</sup> Манба: Ибн Қайим, “Зодул маод”.

Гунох қилган одам ўша заҳоти истиғфор айтиб тавба қилиши вожиб.

Солиҳ амалдан кейин истиғфор айтиш – мустаҳаб. Бу нарса йўл қўйилган хато-камчиликларга каффорат бўлади<sup>51</sup>.

Хожатхонадан чиққандан кейин “Ғуфронака”, дейилади.

Таҳоратдан кейин “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астагфирука ва атувбу илайк” деб истиғфор айтилади.

Масжидга кириб-чиққанда “Роббиғир лий” дейилади.

Намозда – икки сажда орасида “Роббиғир лий, роббиғир лий” дейилади.

Намоздан кейин уч марта “Астағфируллоҳ” дейилади.

Саҳарда истиғфор айтиш мустаҳабdir. Солиҳ кишилар саҳар чоғини ганимат билишган, бу вақтда дуо қилишга, истиғфор айтишга эътибор беришган.

Бундан ташқари, мажлис сўнггида истиғфор айтилса, лағв (фойдасиз) сўзларга каффорат бўлади.

Мўмин-мусулмон банда доим истиғфор айтиб юради. Унинг тили Аллоҳнинг зикри ила нам бўлади. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган экан: “Уйларингизда, дастурхон атрофида, йўлларда, бозорларда, мажлисларингизда кўп-кўп истиғфор айтинг! Чунки сиз мағфират қачон тушишини билмайсиз<sup>52</sup>”.

## НАМОЗДАН КЕЙИН НЕГА ИСТИҒФОР АЙТАМИЗ?

Маълумки, намозхон “Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ” деб икки тарафига салом бергач, уч марта “Астағфируллоҳ”, дейди. Ибодатдан кейин нега истиғфор айтилишини биласизми? Қуйида шу масалада тўхталамиз.

عَنْ ثُوبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا انْصَرَفَ مِنْ صَلَاتِهِ أَسْتَغْفِرُ ثَلَاثًا  
وَقَالَ: اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ۔ قَالَ الْوَلِيدُ: فَقُلْتُ لِلأَوْزَاعِيِّ: كَيْفَ الْاسْتَغْفارُ  
قَالَ: تَقُولُ أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالترْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан чиқсалар, уч марта истиғфор айтиб, кейин: “Аллоҳумма антас салаам, ва минкас салаам, табаарокta я зал жалаали вал икром”, дердилар”. Валид шундай деган: “Мен Авзойдан истиғфор қандай айтилишини сўрагандим, “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ”, дейсан”, деб истиғфорни ўргатди” (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривоят қилган*).

Биз биламиз, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча гуноҳларини кечирган. Ундан бўлса, Расулуллоҳ нега истиғфор айтганлар?

Гап шундаки, у зот истиғфор айтиш билан бандалик хақини адо этганлар, хисобсиз неъматларга шукр қилганлар. Қолаверса, мўмин-мусулмонларга ўrnak бўлганлар.

Аллоҳ таоло бандаларига намозни тўкис адо этишни буюрган. Лекин биз доим ҳам бунинг улдасидан чиқолмаймиз. Қалбимиз кўпинчча Аллоҳга эмас, бошқа нарсаларга боғланиб қолади, ибодатда хушуъ қилолмаймиз, кўпинчча хаёлимиз паришон ҳолда намозни хиссиз, шуурсиз ўқиб қўянимиз. Банда хатодан холи эмас. Беайб Парвардигор. Шунинг учун намозда йўл қўйилган хато-камчиликларга истиғфор айтилади. Бунинг биз билган-билмаган ҳикматлари ҳам бор.

## САҲАРДА ИСТИҒФОР АЙТИШ ХОСИЯТИ

<sup>51</sup> Яъни, гуноҳни ювади.

<sup>52</sup> Манба: “Ат-тавба”.

Сахар чоғида, атроф сокин, ҳаво мусаффо бир вақтда истиғфор айтишнинг ўзига хос гашти бор. Бу пайтда бедор бўлиш – таҳажжуд намози ўқиш, Қуръон тиловат қилиш, зикр-тасбех, истиғфор айтиш қалба қувонч, танага тетиклик бағишилайди.

Куръони каримда тақводорлар сифатлари шундай келтирилган:

“-----Арабча матн-----”

**“Улар (дунёда): “Парвардигоро, биз Сенга имон келтирганимиз. Энди Ўзинг гуноҳларимизни кечир, бизни дўзах азобидан асра”, деб (Аллоҳга илтижо қилган) эдилар. Улар сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли, сахарларда Аллоҳга истиғфор айтадиган кишилар эди” (Оли Имрон сураси, 17-18-оятлар).**

Одамлар айни ширин уйқудалигида туриб намоз ўқиш, истиғфор айтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун кучли имон, ихлос, қунт, хафсала бўлиши керак.

Саҳобаи киромлар сахарда истиғфор айтишни одат қилишганди. Зеро, Анас ибн Молик розияллоҳу анхуга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга сахарда етмиш марта истиғфор айтишни буюргандилар<sup>53</sup>.

Ривоят қилинишича, улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анху тунги намозни ўқиб бўлиб, шогирдидан: “Эй Нофеъ, сахар вақти кирдими?” деб сўрарди. Агар Нофеъ “Ха”, деса, тонг отгунча дуо қиласади, истиғфор айтарди<sup>54</sup>.

Иброҳим ибн Хотиб отасидан ривоят қиласади: “Мен сахарда масжид бурчагида бир киши: “Парвардигорим! Сен буюрдинг, мен итоат этдим. Ҳозир сахар вақти. Менинг гуноҳларимни кечир!” деб дуо қилаётганини эшитдим. Қарасам, у Абдуллоҳ ибн Масъуд экан<sup>55</sup>”.

Куръони каримнинг бошқа оятида таъкидланишича, сахар чоғида истиғфор айтиш тақводорлар сифатидир:

“-----Арабча матн-----”

**“Албатта тақводор зотлар (қиёматда) Парвардигор ўзларига ато этган нарсаларни қабул қилган ҳолларида жаннатлар ва чашмалар устида (бўладилар). Зеро, улар бундан илгари (яни, тириклик чоғларида) чиройли амаллар қиласадилар. Улар кечалари озгина (фурсат) ухлардилар, сахарларда (қилган сахву хатолари учун Аллоҳга) истиғфор айтадилар...” (Зориёт сураси, 15-18-оятлар).**

Жаннатнинг қадри баланд. Жаннатга мустаҳкам имон билан, солиҳ амаллар билан эришилади. Оятда айтилганидек, жаннат эгалари Аллоҳ розилиги учун дунёда эзгу ишларни қилишарди, кечалари намоз ўқиб, тун охирида истиғфор айтишарди. Улар шунча солиҳ амал қилсалар ҳам ўзларига сира бино қўйишмаган, одамлар айни уйқудалигида туриб истиғфор айтишган, қўлларини самога кўтариб Аллоҳга ёлворишган, илтижолар қилишган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا مَضَى شَطْرُ الظَّلَلِ أَوْ ثُلَّةَ يَنْزُلُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا فَيَقُولُ: هَلْ مِنْ سَائِلٍ يُعْطَى هَلْ مِنْ دَاعٍ يُسْتَجَابُ لَهُ هَلْ مِنْ مُسْتَعْفَرٍ يُعْفَرُ لَهُ حَتَّى يَنْفَجِرَ الصُّبْحُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ.

Абу Хурайра розияллоҳу анху Расулуллоҳ солламдан ривоят қиласади: “Агар тун ярми ёки учдан икки қисми ўтса, Аллоҳ таоло дунё осмонига тушиб, тонг отгунча: “Хожатлари раво этилишини) сўровчи борми? Унга (сўрагани) берилади. Дуо қилувчи борми? (Дуоси) ижобат этилади. Истиғфор айтувчи борми? (Гуноҳлари) кечирилади”, деб айтади” (Муслим, Аҳмад, Ибн Хиббон ривоят қилган).

Сахар вақти нафақат истиғфор, балки дуо қилиш учун ҳам қулай пайтдир. Чунки Аллоҳ: “Эй бандам, дуо қил, сўраганингни бераман, тилагингни бажо этаман! Нима ҳожатинг бўлса, ҳаммасини раво қиламан. Истиғфор айтсанг, гуноҳларингни кечираман!” деб марҳамат қиласади.

Айтилишича, тўрт нарса ризқ келишини осонлаштиради:

<sup>53</sup> Ибн Жарир, Ибн Мардавайҳ ривоят қилган.

<sup>54</sup> Ибн Жарир, Ибн Мунзир, Ибн Абу Хотим ривоят қилган.

<sup>55</sup> Манба: “Тафсирул қуртубий”.

1. Тунги намоз.
2. Саҳарда кўп истиғфор айтиш.
3. Мухтожларга садақа бериш.
4. Кун аввалида, охирида Аллоҳни эслаш<sup>56</sup>.

Жаъфар ибн Муҳаммаддан ривоят қилинади: “Кимда-ким кечаси туриб намоз ўқиса, кейин тун охирида истиғфор айтса, мустағfirлардан деб ёзилади”<sup>57</sup>.

“Мустағfir” сўзи “истиғфор айтувчи” дегани. Бундан чиқди, кимда-ким тунда таҳажжуд намози ўқиса, сахар вақтида истиғфор айтса, гуноҳлари кечирилади, илоҳий даргоҳда “истиғфор айтувчилардан” деб ёзиб қўйилади.

## ИСТИҒФОР ҚАНДАЙ АЙТИЛАДИ?

Биз юқорида истиғфор маъноси, фазилатлари, қачон айтилиши ҳақида маълумотга эга бўлдик. Энди истиғфорни қандай айтишини ўрганамиз.

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ.

Ўқилиши: “Астағфируллоҳ”.

Маъноси: “**Аллоҳдан (гуноҳларимни кечиришини сўрайман!)**”

عُفْرَانَكَ.

Ўқилиши: “Ғуфронака”.

Маъноси: “**Ё Аллоҳ, гуноҳларимни кечир!**”

Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонадан чиқсалар, “Ғуфронака”, дердилар<sup>58</sup>.

Бунинг икки сабаби бор:

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам доим Аллоҳни зикр қиласидилар, фақат ҳожатхонада бу ишни тарқ этганлар. Аллоҳни бироз “унутганлари” учун истиғфор айтганлар;

– Аллоҳ таоло бандаларига ҳисобсиз неъматлар берган, уларни таом, ичимлик, турфа ноз-неъматлар билан сийлаган. Банда ҳарчанд уринмасин, бу неъматлар шукрини тўқис адо этолмайди. Набий алайҳиссалом шуни мулоҳаза қилиб, ҳожатхонадан чиққандан кейин истиғфор айтганлар<sup>59</sup>.

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ.

Ўқилиши: “Астағфируллоҳа ва атувбу илайҳ”.

Маъноси: “**Аллоҳдан кечирим сўрайман, Унга тавба қиласман!**”

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунда юз марта “Астағфируллоҳа ва атувбу илайҳ” деб айтганлар<sup>60</sup>.

أَسْتَغْفِرُ اللَّهِ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَقُّ الْقَيُومُ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ.

Ўқилиши: “Астағфируллоҳаллазий лаа илааҳа иллаа ҳувал ҳайюл қойюм, ва атувбу илайҳ”.

Маъноси: “**Ундан Ўзга илоҳ йўқ, доим тирик, ҳар нарсага гувоҳ бўлувчи Аллоҳга истиғфор айтаман, тавба қиласман!**”

<sup>56</sup> Манба: Ибн Қайим, “Зодул маод”.

<sup>57</sup> Ибн Жарир Табарий ривоят қилган.

<sup>58</sup> “Сунан” соҳиблари, Доримий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ривоят санади сахих.

<sup>59</sup> Манба: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон кори Юнусхон ўғли, “Таҳорат китоби”.

<sup>60</sup> Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳо айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳга қасамки, мен бир кунда Аллоҳга етмиш мартадан зиёд истиғфор айтаман, тавба қиласман”, деганларини эшитганман” (Бухорий, Аҳмад ривоят қилган).

Ривоят қилинишича, ким мана шу лафзлар билан истиғфор айтса, гарчи урушдан қочган бўлсаям, гуноҳлари кечирилади<sup>61</sup>.

رَبِّ اغْفِرْ لِي وَثُبْ عَلَيَّ إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَابُ الرَّحِيمُ.

Ўқилиши: “Роббифир лий ва туб ъалай, иннака антат тавваабур роҳийм”.

Маъноси: “Парвардигорим, (гуноҳларимни) кечир, тавбамни қабул эт! Зеро, Сен тавбаларни қабул қилувчи, Мехрибон Зотсан!”

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мажлисда мана шу калималар билан юз марта истиғфор айтганлар<sup>62</sup>.

سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.

Ўқилиши: “Субхаанака ва бихамдика астағфирука ва атувбу илайк”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Сен ҳар қандай нуқсондан Поксан, ҳамду санога фақат Ўзинг лойиқсан. Сенга истиғфор айтаман, тавба қиласман!”

Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдин мана шу дуони кўп ўқиганлар<sup>63</sup>.

سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.

Ўқилиши: “Субхаанакаллоҳумма ва бихамдика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфирука ва атувбу илайк”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Сен (барча айб-нуқсонлардан) Поксан. Сенга хамд айтаман, Сендан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман, Сенга истиғфор айтаман, тавба қиласман!”

Абу Сайд розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: “Кимда-ким таҳорат қилганидан (сўнг:) “Субхаанакаллоҳумма ва бихамдика ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфирука ва атувбу илайк”, деса, (айтган дуоси) бир саҳифага ёзилади, унга муҳр урилади, қиёмат кунигача ўчирилмайди<sup>64</sup>”.

Шунингдек, бу калималар мажлисдаги беҳуда гап-сўзларга ҳам каффорат бўлади<sup>65</sup>.

اللَّهُمَّ إِنَّكَ عَفُوٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ فَاعْفُ عَنِّي.

Ўқилиши: “Аллоҳумма, иннака афуввун, тухиббул афва фаъфу ъанний”.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен: “Ё Расулуллоҳ, лайлатул қадр қайси тундалигини билсам, қандай дуо ўқисам бўлади?” деб сўрадим. У зот шундай дедилар: “Ё Аллоҳ, албатта Сен гуноҳларни авф этувчи Зотсан, авф қилишни яхши кўрасан. Шундай экан, мени(нг гуноҳимни) авф эт!” деб айт<sup>66</sup>”.

اللَّهُمَّ مَغْفِرَتُكَ أَوْسَعُ مِنْ دُنُوِّي وَرَحْمَتُكَ أَرْجَحُ عِنْدِي مِنْ عَمَلي.

Ўқилиши: “Аллоҳумма мағфиротука авсау мин зунувбий, ва роҳматука аржaa ъиндий мин Ѿамалий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Сенинг мағфиратинг гуноҳларимдан кенг, менинг наздимда раҳматинг амалимдан умидлироқдир”.

<sup>61</sup> Абу Довуд, Термизий ривоят қилган. Ривоят санади сахих.

<sup>62</sup> Абу Довуд, Термизий ривоят қилган. Ривоят санади сахих.

<sup>63</sup> Муслим ривоят қилган.

<sup>64</sup> Ҳоким “Мустадрак”да, Насоий “Ас-сунанул кубро”да, Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ҳоким: “Ҳадис санади сахих”, деган.

<sup>65</sup> Термизий бу ривояти Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан марфуъ тарзда келтирган. Ҳадис санади сахих.

<sup>66</sup> Термизий, Ибн Можа, Ахмад ривоят қилган. Ривоят санади сахих.

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Ох, гуноҳларим! Ох, гуноҳларим!” деб икки-уч бор нола чекди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳалиги кишига мана шундай истиғфор айтишни ўргатдилар<sup>67</sup>.

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي خَطَايَتِي وَجَهْلِي وَإِسْرَافِي فِي أَمْرِي وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي هَذِهِ وَجْدِي وَخَطَايَايِي وَعَمْدِي وَكُلُّ ذَلِكَ عِنْدِي.

Ўқилиши: “Аллоҳуммагfir лий хотийъатий ва жаҳлий ва исрофий фий амрий, ва маа анта аъlamу биҳий минний. Аллоҳуммагfir лий ҳазлий ва жиддий ва хатояя ва ъамдий, ва куллу заалика ъиндий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Менинг хатоимни, билмай қилган гуноҳларимни, ишимдаги ҳаддан ошишларни, Сен Ўзинг мендан (яхши) биладиган (гуноҳларим)ни кечир! Ё Аллоҳ! Ҳазиллашиб ёки жиддий тарзда, янглишиб ё атайлаб содир этган гуноҳларимни мағфират эт! Буларнинг (яни, мана шу нуқсон-камчиликларнинг) ҳаммаси менда бор!”

Имом Бухорий – Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анхудан – ривоят қилинишича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дуо қилардилар.

اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي طُلْمًا كَثِيرًا وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْعَفُورُ الرَّحِيمُ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касиyro, ва лаа яғfiруz зунувба иллаа ант, фагfir лий мағфиротам мин ъиндиқ, варҳамний иннака антал ғофувур рохийм”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Мен ўзимга жуда кўп зулм қилиб қўйдим! Барча гуноҳларни Ёлғиз Ўзинг кечирасан! Шундай экан, даргоҳингдаги (улуг) мағфират-ла мени кечир, ҳолимга раҳм айла! Зоро, Сен гуноҳларни кечиравчи раҳмли Зотсан!”

Ривоят қилинишича, Абу Бақр Сиддик розияллоҳу анху бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб: “Намозда ўқишим учун менга бир дуо ўргатинг!” деб сўради. Шунда Расули акрам алайҳиссалом Абу Бақрга мана шу дуони ўргатдилар<sup>68</sup>.

Эътибор берайлик, Пайғамбаримиз бу калималарни кимга ўргатяптилар? Қандай улуғ зотга бу тарзда истиғфор айтишни, нафсига кўп жавр қилгани боис Аллоҳга илтижо қилишни таълим бермоқдалар?!

Бу дуо Абу Бақр Сиддикга – мўминлар амири, уммат ичидаги энг тақволи, ростгўй инсонга ўргатилган. Энди ўзимиз ҳақимизда мулоҳаза юритайлик: агар Расулуллоҳдан шуни биз сўраганимизда қандай истиғфор айтишни ўргатардилар?!

## САЙИДУЛ ИСТИҒФОР

“Сайидул истиғфор” бирикмаси “истиғфорлар сайиди”<sup>69</sup>, маъносини англатади. Тийбий айтишича, у тавбанинг барча маъносини ўзида жамлагани учун шундай аталган.

Келинг, аввал сайидул истиғфорни қандай айтишни, унинг хосиятини, маъноларини ўрганамиз.

اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرٍّ مَا صَنَعْتُ أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ وَأَبُوءُ لَكَ بِذَنْبِي فَاغْفِرْ لِي فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ.

<sup>67</sup> Ҳоким, Байҳақий ривоят қилган.

<sup>68</sup> Бухорий ривоят қилган.

<sup>69</sup> Яни, истиғфор лафзлари ичida энг шарафлиси, афзали.

Үқилиши: “Аллохумма анта роббий, лаа илааха иллаа анта холақтаний, ва ана ъабдук, ва ана ъалаа ъаҳдиқа ва ваъдиқа мастатоъту, аувзу бика мин шарри мaa сонаъту, абу-у лака биниъматика ъалай, ва абу-у лака бизамбий, фагфирлий файннахув лаа яғфириз зунувба иллаа ант”.

Маъноси: “**Ё Аллоҳ, Сен Парвардигоримсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени яратгансан. Мен Сенинг бандангман. Кучим етганича Сенга берган аҳдимда, ваъдамда турман. Ўзим қилган ишлар ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Берган неъматларингни эътироф этаман, гуноҳларимни тан оламан. Шундай экан, мени кечир! Зоро, гуноҳларни фақат Сен кечирасан!**”

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: سَيِّدُ الْاسْتِغْفَارِ أَنْ تَقُولَ: اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ وَأَبُوءُ لَكَ بِذَنِي فَاغْفِرْ لِي فَإِنَّهُ لَا يَعْفُرُ الذُّنُوبُ إِلَّا أَنْتَ. قَالَ: وَمَنْ قَاتَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُمُسِّيَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ وَمَنْ قَاتَهَا مِنَ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا فَمَاتَ قَبْلَ أَنْ يُصْبِحَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَصْحَابُ السُّنْنِ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

*Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Сайидул истиғфор “Аллохумма анта роббий, лаа илааха иллаа анта холақтаний ва ана ъабдук, ва ана ъалаа ъаҳдиқа ва ваъдиқа мастатоъту, аувзу бика мин шарри мaa сонаъту, абу-у лака биниъматика ъалай, ва абу-у лака бизамбий, фагфирлий файннахув лаа яғфириз зунувба иллаа ант”, деб айтилади. Ким (мана шуни) қундузи аниқ ишонган ҳолда айтса, ўша куни кеч кирмасидан аввал вафот этиб қолса, жаннатий бўлади. Ким уни кечаси аниқ ишонган ҳолда айтса, тонг отгунича вафот этиб қолса, жаннатий бўлади” (Бухорий, “Сунан” соҳиблари, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган).*

Сайидул истиғфор айтган банда Аллоҳни бутун мавжудотлар Яратувчиси, оламлар Парвардигори деб тан олади, У Зот раҳматидан умид қиласи, содир этган гуноҳлари зааридан паноҳ тилайди, барча неъматлар Аллоҳники эканини эътироф этади, гуноҳларига икror бўлиб, Аллоҳнинг марҳаматига эришиш истагида бўлади.

Гуноҳни эътироф этишда гап кўп. Зоро, иблис хатосини тан олмади, кибр қилди. Оқибатда Аллоҳнинг лаънатига учради. Банда ожиз эканини унумаса, гуноҳларига истиғфор айтса, Мехрибон Аллоҳ уни кечиради. Зоро, Аллоҳнинг марҳамати улуғ.

#### “Сайидул истиғфор...”

Тийбий шундай деган: “Бу дуо тавбанинг барча маъноларини жамлагани учун “сайидул истиғфор” дейилади. Сайид аслида ҳожатлар арз қилинадиган, ишлар ҳавола этиладиган хўжайинdir<sup>70</sup>”.

#### “Аллохумма анта роббий – ё Аллоҳ, Сен Парвардигоримсан”.

Яъни, эй Аллоҳ, Сен Менинг Парвардигоримсан. Сенга имон келтираман.

**“Лаа илааха иллаа анта холақтаний ва ана ъабдук – Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени яратгансан. Мен Сенинг бандангман”.**

Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени йўқдан бор қилгансан. Сен ягонасан, Ёлғизсан. Мен фақат Сенгагина ибодат қиласман, фақат Сени “Раббим”, дейман.

**“Ва ана ъалаа ъаҳдиқа ва ваъдиқа мастатоъту – кучим етганича Сенга берган аҳдимда, ваъдамда турман”.**

Тоқатим етганича Сенга ихлос билан ибодат қилишга, имонда содик қолишга, Сен буюрган ишларни бажаришга, қайтаргандарингдан тийилишга ҳаракат қиласман.

Бу ерда ҳеч бир банда Аллоҳга мукаммал суратда бандалик қилолмаслиги, ўзига берилган неъматлар шукрини тўлиқ адо этолмаслиги таъкидланмоқда.

<sup>70</sup> Манба: Ибн Ҳажар Аскalonий, “Фатхул борий”.

“Аувзу бика мин шарри мaa сонаъту, абу-у лака биниъматика ъалайй, ва абу-у лака бизамбий, фагфирлий файннахув лаа яғифируз зунувба илла ант – ўзим қилган ишлар ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман, менга берган неъматларингни эътироф этаман, гуноҳларимни тан оламан. Шундай экан, мени кечир! Зеро, гуноҳларни фақат Сен кечирасан”.

Мен гуноҳларим ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Менга ҳисобсиз неъматлар бергансан. Буни эътироф этаман. Шунингдек, нуқсон-камчиликларимни ҳам тан оламан. Мен ожиз бандангман, хатоларим кўп. Шундай экан гуноҳларимни мағфират қил. Зеро, гуноҳларни фақат Сен кечира оласан.

Аллоҳ бандасига Мехрибон. Кимда-ким гуноҳ содир этгач, айбига икрор бўлса, Аллоҳга қалбдан юзланса, У Зот ўша киши гуноҳини кечиради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саййидул истиғфор айтишни ўргатгач, унинг фазилати хақида шундай деганлар:

“Ким (мана шуни) қундузи аниқ ишонган ҳолда айтса, ўша куни кеч кирмасидан аввал вафот этиб қолса, жаннатий бўлади. Ким уни кечаси аниқ ишонган ҳолда айтса, тонг отгунича вафот этиб қолса, жаннатий бўлади”.

“Хошиятус синдий” китобида: “Яъни, биринчилардан бўлиб киради. Зеро, ҳар бир мўмин имони туфайли жаннатга киради. Бу – Аллоҳ таолонинг фазли”, дейилган.

“Хошиятус суютий” китобида эса: “Бу истиғфорни айтмаган мўмин ҳам жаннатга киради. Аммо ким уни айтса, биринчилардан бўлиб, жаҳаннамни кўрмай туриб жаннатга киради”, дейилган.

Демак, саййидул истиғфорни тонгда ва кеч кирганда айтишни одат қилган яхши. Бу билан банда гуноҳлардан фориғ бўлади, қалби покланади, Аллоҳга яқинлашади, жаннатга биринчилардан бўлиб кириши учун замин тайёрлайди.

## ПАЙҒАМБАРЛАР ҲАМ ИСТИҒФОР АЙТИШГАН

Пайғамбарлар Аллоҳ таоло тарафидан танлаб олинган элчилардир. Улар инсон фарзанди бўлишган. Лекин, анбиёларни оддий одамлардан фарқи хатодан маъсумликлариdir. Улар маъсият қилишдан, ҳою ҳавасга берилишдан, инсон қадрини ерга урадиган камчиликлардан холи бўлишган.

Пайғамбарлар хулқи гўзал, холис, юраги тоза, амали тўғри инсон эдилар. Аллоҳ таоло уларни гуноҳ-маъсиятдан, одамлар нафратига сабаб бўладиган касалликлардан асраран<sup>71</sup>. Шунга қарамай, пайғамбарлар ҳам истиғфор айтишган, тавба қилишган. Жумладан, Одам алайҳиссалом жуфти Ҳавво билан Аллоҳга шундай илтижо қилган:

رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِنْ مَّعْفُرٌ لَنَا وَتَرَحْمَنَنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ.

Ўқилиши: “Роббанаа золамнаа анфусанаа ва ил-лам тағфир ланаа ва тарҳамнаа ланакувнанна минал хосирий”.

Маъноси: “Парвардигоро, биз ўз жонимизга зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг, бизга раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўрувчилардан бўлиб қоламиз<sup>72</sup>!”

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссалом билан жуфтига жаннатдаги хоҳлаган мевадан ейишга рухсат берди, фақат биргина дарахтга яқинлашмасликни тайинлади. Бироқ шайтон иккисини йўлдан урди. Одам ва Ҳавво иблис васвасига учди, Аллоҳнинг буйруғини унутди. Иккиси таъкиқланган дарахт мевасини тотиб кўришганида авратлари очилиб қолди. Кейин жаннатдаги баргларни ўзларига ёпинчиқ қилиб олишди. Аллоҳ уларга: “Мен иккингизни бу дарахтга яқинлашишдан қайтармаганмидим. Албатта шайтон сизларга аниқ душман деб айтмаганмидим?!?” деди. Одам жуфти Ҳавво билан шу заҳоти Парвардигорига истиғфор айта бошлади. Мехрибон Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул этди.

رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِوَالدَّيِّ وَلِمَنْ دَخَلَ بَيْتِي مُؤْمِنًا وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ.

<sup>71</sup> Манба: Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, “Сунний ақидалар”.

<sup>72</sup> Аъроф сураси, 23-оят.

Үқилиши: “Роббиғфир лий ва ливаалидайя ва лиман дахола байтия мұмнинав-ва лил мұмнинийна вал мұмнинаат”.

Маъноси: “**Парвардигорим! Мени, ота-онамни, менинг уйимга мүмин ҳолда кирган кишиларни, барча мүмин-мүминаларни мағфират қил**<sup>73</sup>!”

Нұх алайхиссалом қавми орасыда 950 йил яшади, уларни ҳақ динга тұхтосиз дағват қилди. Бироқ қавм залолат йүлини танлади. Шунда Нұх уларнинг зараги: “Парвадигорим, ер юзида коғирлардан бирон ҳовли-жой әгасини қолдирма! Чунки уларни қолдирсанг, бандаларингни йүлдан оздидилар, фақат күрнамак, нопок (кимсалар)ни туғиб күпайтирадилар”, деб ниде қилди. Кетидан ўзи, ота-онаси, мүминлар ҳақига мағфират сүради<sup>74</sup>.

رَبَّنَا أَغْفِرْ لِي وَلِوَالدَّيْ وَلِلْمُؤْمِنِينَ يَوْمَ يَقُومُ الْحِسَابُ .

Үқилиши: “Роббанағфир лий ва ливаалидайя ва лил-мұмнинийна явма яқувмұл ҳисааб”.

Маъноси: “**Парвардигоро, хисоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни, (барча) мүминларни мағфират қил**<sup>75</sup>!”

Иброҳим алайхиссалом Аллоҳға илтижо қилиб шундай деди:

– Парвардигорим! Яхшига мукофот, ёмонга жазо бериладиган қиёмат куніда менинг гунохларимни, ота-онам, барча мүминлар гунохини кечир!

Күнгилчан Иброҳим алайхиссалом отаси ҳақига шундай дуо қиларди. Отаси Аллоҳға душман экани маълум бўлгач, истиғфор айтишни тұхтатди.

Иброҳим Халиуллоҳнинг онаси ҳақида ҳар хил маълумотлар бор. Баъзилар: “Унинг онаси мўмина бўлган”, дейишса, бошқалар: “Эҳтимол, ўғли пайғамбар бўлмасидан олдин оламдан ўтиб кетгандир”, дейишган<sup>76</sup>.

رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي فَاغْفِرْ لِي .

Үқилиши: “Робби инний золамту нафсий фағфир лий”.

Маъноси: “**Парвардигорим! Ҳақиқатан, мен ўз жонимга зулм қилиб қўйдим. Энди мени мағфират қил**<sup>77</sup>!”

Кунларнинг бирида Мусо алайхиссалом одамлар ҳордик чиқараётган пешин пайтида Миср<sup>78</sup> шахрига кириб келди. Қараса, иккى киши бир масалани келишолмай жанжаллаётган экан. Улардан бири Бани Исроил қавмидан, иккинчиси душман тарафдан – қибтийлардан эди. Шу пайт жамоадоши Мусодан ёрдам сўради. Мусо бир мушт тушириб ҳалиги қибтийни ўлдириб қўйди. Аслида уни ўлдирмокчимасди, бани исроиллик қардошини зулмдан кутқармоқчи эди.

Каршисида қибтийнинг жасадини кўрган Мусо алайхиссалом ағсус-надомат чекиб:

– Бу шайтоннинг иши. Албатта, у йўлдан оздирувчи, очиқ душмандир! – деди. Кейин Аллоҳға истиғфор айтиб, гуноҳидан ўтишини сўради. Аллоҳ таоло Мусо алайхиссаломни кечирди<sup>79</sup>.

لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ .

Үқилиши: “Лаа илааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ-золимиин”.

Маъноси: “(Ё Аллоҳ,) Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен айб-нуқсонлардан поксан. Мен зулм қилувчилардан бўлдим”<sup>80</sup>.

Қавми дағватни қабул қилавермаганидан қаттиқ ғазабланган Юнус алайхиссалом уларни ташлаб қишлоғидан бош олиб чиқиб кетди, “Бу ишим учун Аллоҳ мени жазоламайди”, деб ўйлади.

<sup>73</sup> Нұх сураси, 28-оят.

<sup>74</sup> Манба: Мұхаммад Сайид Тантовий, “Пайғамбарлар тарихи”.

<sup>75</sup> Иброҳим сураси, 41-оят.

<sup>76</sup> Манба: Мұхаммад Сайид Тантовий, “Ал-васит”.

<sup>77</sup> Қасас сураси, 16-оят.

<sup>78</sup> Шаҳардан мурод Айнуш шамс ёки қадимги Мемфис деган қавл ҳам бор.

<sup>79</sup> Манба: Мұхаммад Сайид Тантовий, “Пайғамбарлар тарихи”.

<sup>80</sup> Анбиё сураси, 87-оят.

Юнус алайхиссалом Аллоҳнинг рухсатисиз қавмини тарк этгач, уни балиқ ютиб юборди. Шунда у қоронғиликда туриб:

– Ё Аллоҳ! Сендан ўзга илоҳ йўқ! Сен Ёлғизсан, менинг Парвардигоримсан, ибодат қилишга фақат Ўзинг лойиқсан. Сенга тасбеҳлар айтаман. Рухсатингсиз қавмимни ташлаб кетиб ўзимга зулм қилдим. Хатоимни тан оламан. Парвардигорим! Тавбамни қабул эт, гуноҳимни кечир! – деб Аллоҳга тавба-тазарру қилди.

Аллоҳ таоло Юнус алайхиссалом илтижоларини қабул этиб, уни ғам-ғуссадан қутқарди.

Куръони каримда айтилишича, агар Юнус алайхиссалом кўп тасбеҳ айтмаганида, қиёмат кунигача балиқ қорнида қолиб кетарди<sup>81</sup>.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ КЎП ИСТИҒФОР АЙТГАНЛАР

Маълумки, Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳамма гуноҳлари кечирилган эди. Шундай бўлса-да, у зот кўп истиғфор айтардилар.

عَنِ الْأَعْرَفِ الْمُرْبَيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّهُ لَيَعْلَمُ عَلَىٰ قُلُبِيٍّ وَإِنِّي لَا أَسْتَعْفِرُ اللَّهَ فِي الْيَوْمِ مِائَةَ مَرَّةٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Агар Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Қалбим ўраб олинади<sup>82</sup>. Мен бир кунда Аллоҳга юз марта истиғфор айтаман” (Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ривоят қилган).

Расулуллоҳдек улуғ зот, гуноҳдан пок инсон бир кунда юз марта истиғфор айтганлар. Биз-чи? Биз ундан ҳам кўп истиғфор айтишга муҳтожмиз. Сабаби маълум: гуноҳларимиз, нуқсон-камчиликларимиз жудаям кўп.

Хаёт синовлардан иборат. Кўпинча турмуш ташвишлари билан овора бўлиб рисоладагидек ибодат қилолмаймиз, намозни кўнгилдагидек ўқий олмаймиз. Рўзғор, бола-чақа ғамида билиб-бilmай нотўғри иш қилиб қўямиз. Мана шундай хатолар чин дилдан қилинган тавба билан, ихлос-ла айтилган истиғфор билан ювилади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنْ كُنَّا لَنَعْدُ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَجْلِسِ الْوَاحِدِ مِائَةَ مَرَّةً: رَبِّ اغْفِرْ لِي وَثُبِّ عَلَيَّ إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالترْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мажлисда юз марта: “Парвардигорим, (гуноҳларимни) кечир, тавбамни қабул эт! Зоро, Сен тавбаларни қабул қилувчи, Мехрибон Зотсан!” деганларини санардик” (Абу Довуд, Термизий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Расули акрам алайхиссаломнинг ҳар бир ҳаракатлари саҳобалар диққат марказида бўлган. Ҳатто у зот йиғилишда неча марта истиғфор айтганларини ҳам санаб боришган. Расулуллоҳга ҳурмат-эътиборни, муҳаббатни қаранг!

<sup>81</sup> Қаранг: Соффот сураси, 144-оят.

<sup>82</sup> Қалбнинг ўраб олиниши ҳакида турли фикрлар айтилган. Қози Иёзга кўра, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам доим Аллоҳни зикр қиласидар. Агар бирон вақтни У Зот зикридан холи ўтказсалар, истиғфор айтардилар. Айтилишича, бу – қалбларини эгаллаб олган сакинат. Бунга шукур сифатида истиғфор айтганлар. “Бу қалбни эгаллаб оловччи кўркув”, деганлар ҳам бор (Манба: Нававий, “Шархун нававий ала муслим”).

Жалолиддин Суютий айтади: “Бу маъноси номаълум муташобхалардандир. Имом Асмай бу сўзни шарҳлашни ўзига эп кўрмаган, “Агар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа одам қалби ҳакида сўз кетганда, нимадир деган бўйлардим”, деб айтган” (Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”).

قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: سَعَثْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: وَاللَّهِ إِنِّي لَا أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ فِي الْيَوْمِ أَكْثَرَ مِنْ سَبْعِينَ مَرَّةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ.

*Абу Хурайра розияллоху анху айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳга қасамки, мен бир кунда Аллоҳга етмиш мартадан кўп истиғфор айтаман, тавба қиласман”, деганларини эшиитганман” (Бухорий, Аҳмад ривоят қилган).*

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳар қандай ҳолатда, ҳар бир мажлисда истиғфор айтганлар. У зотнинг муборак тиллари сўнгги нафасларича Аллоҳнинг зикри илиа намланиб турган<sup>83</sup>.

\* \* \* \*

Аллоҳ таоло Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай амр қилган: “(Эй Мұхаммад,) қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса, одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига кираётганларини кўрсангиз, дарҳол Парвардигорингизга ҳамд билан тасбех айтиңг, Ундан мағфират сўранг! Зеро, (Аллоҳ) тавбаларни қабул қилувчи Зотдир” (*Наср сураси, 1-3-оятлар*).

Расулуллоҳ алайҳиссалом шу кўрсатмага биноан Аллоҳнинг нусрати келганидан сўнг жуда кўп ҳамду сано, тасбех, истиғфор айтганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكْثِرُ أَنْ يَقُولَ قَبْلَ أَنْ يَمُوتَ: سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ... رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

*Оиша розияллоху анходан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдин: “Ё Аллоҳ! Сен ҳар қандай нуқсондан Поксан, ҳамду санога фақат Ўзинг муносибсан. Сенга истиғфор айтаман, тавба қиласман!” деб кўп дуо қилганлар...” (Муслим ривоят қилган).*

Ибн Қайим айтишича, инсон умрининг охирги дамларида истиғфор айтишга кўпроқ мухтож бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларининг сўнгги кунларида истиғфорга алоҳида аҳамият берганлари шуни кўрсатади<sup>84</sup>.

Хуллас, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мажлисдан туратдан сўнг, намозда, намоз ўқиб бўлгач – ҳар қандай ҳолатда истиғфор айтганлар, илмга чанқоқ саҳобаларга қандай истиғфор айтишни ўргатганлар, умматларини мағфират сўрашга бот-бот тарғиб этганлар. У зот сўнгги нафасларида ҳам Аллоҳга истиғфор айтиб, дуо билан дунёни тарк этганлар. Аллоҳ таоло у зотга беҳисоб салавотлар, саломлар йўлласин!

## ИСТИҒФОР АЙТИШ ҲУКМЛАРИ

Банда билиб-билмай гуноҳга қўл урганда истиғфор айтиши вожиб.

Гуноҳ қилмаган ҳолда истиғфор айтиши мустаҳаб.

Мушриклар ҳақига истиғфор айтиш мумкин эмас. Чунки Аллоҳ таоло шундай деган: “На Пайғамбар, на мўминлар – агар мушриклар қариндошлири бўлса ҳам – улар дўзах эгалари экани аниқ бўлганидан кейин мушриклар учун мағфират сўрашлари жоиз эмас. Иброҳимнинг ўз отаси учун мағфирати сўраши фақат унга берган ваъдаси сабабли эди. Энди қачон унга (отаси) Аллоҳнинг душмани экани маълум бўлгач, ундан бутунлай тонди. Албатта Иброҳим кўнгилчан, ҳалимдир<sup>85</sup>.

Истиғфор айтиш учун таҳорат қилиш шарт эмас. Лекин истиғфорни таҳоратли ҳолда айтган афзал.

Жаноза намозида балоғатга етган мусулмон бандага истиғфор айтилади. Балоғатга етмаган ёш болаларга, мажнунлар ҳақига мағфират сўралмайди. Чунки вояга етмаган боланинг, ақли ожиз кишининг номай аъмолига гуноҳ ёзилмайди.

<sup>83</sup> Оиша розияллоху анходан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган охирги сўз “Аллоҳуммағfir лий, варҳамний, ва алҳикний бир-рофийк” бўлган (Бухорий, Муслим ривоят қилган).

<sup>84</sup> Манба: “Мадорижус соликин”.

<sup>85</sup> Тавба сураси, 113-114-оятлар.

## ИСТИФОРНИНГ 40 ХОСИЯТИ

1. Аллоҳга итоатгўй банда истиғфор айтади;
2. Истиғфор айтган банда пайғамбарлар, солиҳлар йўлидан юради;
3. Истиғфор айтган одам имон ҳаловатига эришади;
4. Истиғфор бандани гуноҳлардан поклайди;
5. Истиғфор айтган одамнинг гуноҳлари савобли ишларга алмаштирилади;
6. Истиғфор айтган одамга неъматлар кўпайтириб берилади<sup>86</sup>;
7. Истиғфор банданинг мартабасини кўтаради;
8. Бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик олиб келади;
9. Истиғфор туфайли одамлар ҳам, жамият ҳам бузукликлардан покланади;
10. Истиғфор ёмғир ёғишига сабаб бўлади;
11. Мол-дунёга барака киритади;
12. Истиғфор айтган инсон фарзанд неъмати билан сийланади;
13. Дехқончилик, чорвачиликдаги унумдорлик ҳам истиғфор айтиш билан узвий боғлиқ;
14. Истиғфор айтувчи жаҳаннамдан нажот топади;
15. Истиғфор банданинг жаннатга киришига сабаб бўлади;
16. Истиғфор Аллоҳнинг раҳмати тушишига, банда ҳолати ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлади, яхшиликларни кўпайтиради;
17. Истиғфор танани бақувват, соғлом қилади, касалликларни аритади;
18. Истиғфор айтган одамнинг ҳаёти фаровон бўлади<sup>87</sup>;
19. Истиғфор билан ватан тинч бўлади, эл-юрт тараққий этади;
20. Истиғфор инсон кўнглини хотиржам қилади;
21. Бошга тушган балоларни даф этади;
22. Бандани Аллоҳга яқинлаштиради;
23. Истиғфор айтган одам Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлади<sup>88</sup>;
24. Истиғфор мажлис каффоратидир;
25. Истиғфор гийбатга каффорат бўлади<sup>89</sup>;
26. Шайтон васвасасини қайтаради;
27. Аллоҳ истиғфор айтган бандани яхши кўради<sup>90</sup>;
28. Истиғфор айтиш Аллоҳни рози қилади;
29. Ғам-ташвишларни кетказади;
30. Хурсандчилик олиб келади;
31. Юзни нурли қилади;
32. Ризқ келишини осонлаштиради;
33. Истиғфор айтган одамнинг дуоси қабул бўлади<sup>91</sup>;
34. Аллоҳ истиғфор айтувчининг оғирини енгил қилади;
35. Кўп истиғфор айтган одам қиёмат куни номаи аъмолини кўриб хурсанд бўлади;
36. Оламдан ўтиб кетган ота-оналар фарзандлари айтган истиғфор туфайли жаннатда юқори мартабага кўтарилишади;
37. Истиғфор одамни тушкунликдан халос этади;
38. Ҳасрат-надоматни, пушаймонни кетказади;
39. Қалбни тиниклаштиради;

<sup>86</sup> Манба: Бакара сурасининг 58-ояти.

<sup>87</sup> Манба: Ҳуд сурасининг 3-ояти.

<sup>88</sup> Манба: Намл сурасининг 46-ояти.

<sup>89</sup> Анас ибн Молик розияллоҳу анху Расулуллоҳу соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Сен қилган гийбат каффорати (гийбат қилинган одам) ҳақига истиғфор айтишингдир” (Ибн Абу Дунё “Сомт”да заиф санад билан ривоят қилган).

<sup>90</sup> Манба: Ҳуд сураси, 90-оят.

<sup>91</sup> Манба: Ҳуд сураси, 61-оят.

40. Истиғфор айтган одамнинг ризқи кенг бўлади, касб-корига барака киради...

## **ХОТИМА**

Ё Аллоҳ! Бизнинг каттаю кичик, аввалгию охирги, ошкораю маҳфий гуноҳларимизни кечир!  
Сендан ўзга илоҳ йўқ. Ўзинг меҳрибонсан, караминг кенг, фазлинг улуг. Ҳолимизга раҳм айла!

Ё Аллоҳ! Бизни, имон билан ўтган аждодларимизни, ота-оналаримизни, барча мўмин-мўмина, муслим-муслиматарни мағфират қил!

Ё Аллоҳ! Сендан омонлик, фаровонлик, тинчлик-саломатлик сўраймиз!

Ё Аллоҳ! Қалбимизни покла, тан-жонимизни соғ қил, юртимиз тинчлигини бардавом айла, диёrimizdan хайр-баракангни аритма!

Ё Аллоҳ! Бошимиздан турли мусибат, оғатларни даф эт, фитналардан омон сақла, ишларимизни ўнгла!

Ё Аллоҳ! Бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато эт, жаҳаннам азобидан аспа! Ўзингга беҳисоб ҳамду санолар айтамиз, Сарваримиз Мухаммадга, у зот оила аъзоларига, сахобаи киромларига салавотлар, саломлар йўллаймиз!

Тошкент, 2015-2017

# Салавотлар

Муаллиф: **Зиёвуддин Раҳим**

**БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ!  
МУҚАДДИМА**

Оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамиз. Маҳбуб Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафога, у зот оила аъзолариға, сахобаи киромларига салавотлар, саломлар йўллаймиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш, салом йўллаш фазилати улуғдир. Зеро, салавот айтган банда Аллоҳ азза ва жаллага яқин бўлади, жуда кўп ажр-мукофот олади, гуноҳлардан покланади, мартабаси юксалади. Ҳабибимизга салавот айтган, салом йўллаган банда дунёю охират саодатини қўлга киритади.

Салавот ва салом айтиш илоҳий амрдир. Парвардигоримиз Каломи мажидда Ўзи ҳамда фаришталари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот, салом айтишини маълум қилган, бизларни ҳам у зотга салавот айтишга, салом йўллашга буюрган.

Салавот мавзуи қадимдан уламолар эътиборида бўлиб келган. Улар бу бобда турфа услубдаги, ҳажмдаги китоблар ёзид қолдиришган. Биз ана ўша илмий мерослардан фойдаланган ҳолда сиз азизларга салавот маъноси, фазилатлари, хукмлари ҳақида қисқача маълумот беришни ният қилдик.

Аллоҳ таоло бу рисолани мўмин-мусулмонлар учун фойдали қилсин, уни ёзган, нашр эттирган, ўқиган, амал қилганлар дунёю охиратда нажот топишларига, баҳт-саодатга эришишларига восита қилсин!

## САЛАВОТ ҚАНДАЙ МАЬНОНИ АНГЛАТАДИ?

Арабча “салавот” сўзи “барака тилаб дуо қилиш”, “мақташ” маъносини англатади<sup>92</sup>.

Ибн Қайим айтишича, салавот сўзи икки хил маънода келади. Биринчиси – дуо қилиш, барака сўраш. Иккинчиси – маҳсус ибодат (яъни, намоз)<sup>93</sup>.

Демак, “салавот” сўзи “дуо” дегани. Араб тилида намоз ҳам “салот” дейилади. Чунки, намоз ўқигандан дуо-илтижо қилинади.

Аллоҳ таоло шундай деган: “Албатта Аллоҳ ва фаришталари пайғамбарга салавот айтадилар. Эй мўминлар, сизлар ҳам унга салавот ва саломлар айтинглар”<sup>94</sup>.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни фаришталар олдида мақтайди, мақомларини юқори кўтаради. Фаришталар у зот ҳақларига дуо қиласи, истиғфор айтади.

Бу ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аллоҳ ҳузурида мартабалари қанчалик улуғлигини кўрсатади. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи Расули акрам ҳақларига салавот айтади.

Аслида инсониятнинг энг афзал вакили – Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш ўзимизга фойда. Чунки салавот айтсан, улуғ ажр-савоблар оламиз, мартабамиз кўтарилади, гуноҳларимиз кечирилади, дуоимиз қабул бўлади, мушқуларимиз арийди.

Пайғамбар алайҳиссаломга салавот айтиш хосияти кўп. Қуйида шу ҳақида тўхталиб ўтамиз.

## САЛАВОТ АЙТИШ ФАЗИЛАТЛАРИ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَاحِدَةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَاحِدَةً عَشْرًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالترْمذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхўдан ривоят қилининишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади” (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Доримиий, Аҳмад ривоят қилган).

Аллоҳнинг бандаларга салавот айтиши бандалар гуноҳларини кечириши, амаллари учун савобларни кўпайтириб бериши, уларни ярлақаши, фаришталар олдида мақташидир.

Орамизда ким ҳам Аллоҳнинг раҳматига эришишни истамайди? Аллоҳ тарафидан гуноҳлари кечирилишни хоҳламайдиган инсон борми? Йўқ, албатта. Ҳаммамиз гуноҳлардан фориг бўлишни, мартабамиз кўтарилишини хоҳлаймиз. Шундай экан, Пайғамбар алайҳиссаломга ихлос билан салавот айтсан, Аллоҳ бизга ҳам салавот айтади, гуноҳларимизни кечиради, устимизга раҳматини туширади.

<sup>92</sup> Манба: Рогиб Исфаҳоний, “Ал-муфрарот фи ғарифил қуръон”.

<sup>93</sup> Манба: Ибн Қайим, “Жалоул афҳом”.

<sup>94</sup> Ахзоб сураси, 56-оят.

وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً وَاحِدَةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ عَشْرَ صَلَوَاتٍ وَحُطِّتْ عَنْهُ عَشْرُ حَطِّيَّاتٍ وَرُفِعَتْ لَهُ عَشْرُ دَرَجَاتٍ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласиди: “Ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта салавот айтади, унинг ўнта гунохи ўчириллади, (мартабаси) ўн поғона юқори кўтарилиди” (Насоий, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).*

Демак, мўмин киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир марта салавот айтса:

1. Аллоҳ таоло унга ўн марта салавот айтади;
2. Ўнта гуноҳини кечиради;
3. Мақомини ўн поғона оширади.

Бу – бир марта салавот айтганди эришиладиган натижа. Агар 10 марта, 100 ёки 1000 марта салавот айтсан, қанча савоб олиш, нақадар юксак даражага кўтарилиш мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг!

وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ ذَكَرْتُ عِنْدَهُ فَلْيُصَلِّ عَلَيَّ وَمَنْ صَلَّى عَلَيَّ مَرَّةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ عَشْرًا. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَبُو ثُعَيْمٍ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيقٌ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Мен кимнинг олдида зикр қилинсанам, ўша заҳоти менга салавот айтсин! Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади” (Насоий, Абу Нуайм, Абу Яъло ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).*

Мўмин киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларини эшитиши билан салавот ва салом айтиши вожибdir. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларини, сифатларини эшитиб туриб салавот айтмаган кимса қаттиқ огоҳлантирилган. Мавриди келганда бу мавзуга тўхталамиз. Ҳозир эса Набий алайҳиссалом қалбларига қувонч бағишлиған башорат ҳақидаги ривоятни кўриб чиқамиз.

## РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИ СЕВИНТИРГАН МУЖДА

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ عَوْفٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاتَّبَعْتُهُ حَتَّى دَخَلَ نَحْلًا فَسَجَدَ فَأَطَالَ السُّجُودَ حَتَّى خِفْتُ أَوْ خَشِيتُ أَنْ يَكُونَ اللَّهُ قَدْ تَوَفَّاهُ أَوْ قَبَضَهُ قَالَ: فَجِئْتُ أَنْظُرُ فَرَفَعَ رَأْسَهُ فَقَالَ: مَا لَكَ يَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ قَالَ: فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ فَقَالَ: إِنَّ جِبْرِيلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ لِي: أَلَا أَبْشِرُكَ إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقُولُ لَكَ مَنْ صَلَّى عَلَيْكَ صَلَائِثُ عَلَيْهِ وَمَنْ سَلَّمَ عَلَيْكَ سَلَّمَتْ عَلَيْهِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِغَيْرِهِ.

*Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташқарига чиқдилар. Мен ортларидан бордим. У зот хурмозорга кириб узоқ сажда қилдилар. (Бу ҳолат анча давом этгач,) ҳатто Аллоҳ у кишининг жонларини олдимикан, деб ўйлаб кўркиб кетдим. Кейин бориб қарадим. Расулуллоҳ бошларини саждадан кўтариб: “Эй Абдураҳмон, сенга нима бўлди?” деб сўрадилар. Мен бўлган воқеани айтдим. Шунда у зот: “Жаброил алайҳиссалом менга: “Аллоҳ азза ва жалла айтган сўзлар билан Сизга башорат берайми? Аллоҳ: “Ким сизга салавот айтса, унга салавот айтаман. Ким сизга салом берса, унга салом йўллайман”, деди”, деб хабар қилди”, дея масрур бўлдилар” (Аҳмад, Ҳоким, Абу Яъло ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан лиғайриҳ).*

Салавот ҳақидаги башорат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ниҳоятда севинтирган. Жаброил фаришта олиб келган суюнчидан Пайғамбаримиз алайҳиссалом қалблари чексиз қувончга тўлган. Чунки салавот айтиш билан мусулмонлар Аллоҳнинг раҳматига эришадилар, гуноҳлари кечирилади, даражалар кўтарилади. Умматга ўта куюнчак Пайғамбаримиз бундай хабарни эшитгандарида бошлари осмонга етди.

عَنْ أَبِي طَلْحَةَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَصْبَحَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا طَيِّبَ النَّفْسِ يُرَى فِي وَجْهِهِ الْبِشَرُ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَصْبَحْتَ الْيَوْمَ طَيِّبَ النَّفْسِ يُرَى فِي وَجْهِكَ الْبِشَرُ قَالَ: أَجَلَ أَتَأْتَنِي آتٍ مِنْ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ فَقَالَ: مَنْ صَلَّى عَلَيْكَ مِنْ أُمَّتِكَ صَلَاةً كَتَبَ اللَّهُ لَهُ عَشْرَ حَسَنَاتٍ وَمَا عَنْهُ عَشْرَ سَيِّئَاتٍ وَرَفَعَ لَهُ عَشْرَ دَرَجَاتٍ وَرَدَ عَلَيْهِ مِثْلَهَا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالطَّبَرَانيُّ وَسَنْدُهُ ضَعِيفٌ.

*Абу Талҳа Ансорий* розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тонг чоғида олдимизга хурсанд бўлиб кириб келдилар. Юзларидан қувонч балқиб турарди. Одамлар: “Ё Расулуллоҳ, бугун тонгда хурсанд ҳолда кириб келдингиз, юзингизда шодлик аломати кўринмокда. (Бунинг боиси не?)” деб сўрашди. У зот: “Ха, Парвардигорим азза ва жалла ҳузуридан (хабар олиб) келувчи олдимга келиб: “Умматингиздан кимда-ким сизга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўнта савоб ёзади, ўнта гуноҳини ўчиради, даражасини ўн поғона кўтаради, (айтган салавоти) эвазига унга ҳам салавот йўллайди”, деди”, деб хушхабарни етказдилар” (*Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади заиф*).

Айтилган салавот Аллоҳ даргоҳида қабул бўлиши учун салавот айтувчи уммати муҳаммадиядан бўлиши керак. Чунки амаллар мақбул бўлишининг биринчи шарти ислом ва имон. Агар банда Аллоҳни танимаса, ҳақиқий мусулмон бўлмаса, ўқиган намози, тутган рўзаси, айтган салавоти, қилган солиҳ амаллари қабул бўлмайди. Мазкур ривоятда “Умматингиздан кимда-ким сизга бир марта салавот айтса...” дея мана шу жиҳатга ургу берилмоқда.

Абдуллоҳ ибн Абу Талҳа отасидан ривоят қиласи: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кунларнинг бирида олдимизга кириб келдилар. Хурсандликлари юзларидан билиниб турарди. Шунда:

– Ё Расулуллоҳ, бугун юзингиздан қувонч балқиб турибди. Сизни аввал бундай ҳолда кўрмагандик, – дейилди.

У зот:

– Бир фаришта олдимга келиб: “Албатта Парвардигорингиз: “Умматингиздан бирон киши сизга бир марта салавот айтганда унга ўнта салавот айтишим, сизга бир марта салом йўллаганда унга ўнта салом йўллашим сизни рози қилмайдими?!?” деди”, – деб айтди. Шунда мен:

– Йўқ, (рози қиласи), деб жавоб бердим, – дея қувончлари сабабини баён этдилар<sup>95</sup>.

## САЛАВОТНИ ИХЛОС БИЛАН АЙТИШ ХОСИЯТИ

Маълумки, инсон танаси рух билан тирик. Худди шунга ўхшаб, банда амалларининг ҳам руҳи бор. Солиҳ амаллар руҳи ихлосдир. Ҳар қандай эзгу ишни чин дилдан, хулуси ният илиа бажариш талаб этилади. Жумладан, салавотни ҳам ихлос билан айтилади. Шунда салавотдан кўзланган мақсад ҳосил бўлади.

عَنْ عُمَيْرِ الْأَنْصَارِيِّ وَكَانَ بَدْرِيَاً قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ مِنْ أُمَّتِي صَلَاةً مُخْلِصًا مِنْ قَلْبِهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ بِهَا عَشْرَ صَلَوَاتٍ وَرَفَعَهُ بِهَا عَشْرَ دَرَجَاتٍ وَكَتَبَ لَهُ بِهَا عَشْرَ حَسَنَاتٍ وَمَا عَنْهُ عَشْرَ سَيِّئَاتٍ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَابْنُ السُّنْنِيِّ وَرُوَاْتُهُ ثَقَافٌ.

<sup>95</sup> Насойи, Доримий, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

Умайр Ансорийдан (у Бадрда қатнашғанлардан эди) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Умматимдан кимда-ким менга қалбдан, ихлос билан бир марта салавот айтса, Аллоҳ ўша бандага ўнта салавот айтади, даражасини ўн погона юқори күтаради, унга ўнта савоб ёзади, ўнта гунохини кечиради”, деганлар” (Насойи, Ибн Сунний шиончли кишилардан ривоят қилган).

Салавот айтишнинг яна бир шарти бор: Аллоҳ бандага ўнта салавот айтиши, мартабасини ўн погона күтариб, номаи аъмолига ўнта савоб ёзиши учун салавотни юракдан, ихлос билан айтиш керак.

Абу Коҳилдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй, Абу Коҳил! Ким менга ҳар куни муҳаббат ва шавқ билан уч марта, кечаси уч марта салавот айтса, Аллоҳ унинг ўша кунги ва тундаги гуноҳларини кечириб юборади”, деб марҳамат қилғанлар<sup>96</sup>”.

Биз маҳбуб Пайғамбаримиз алайҳиссаломга салавот йўллар эканмиз қалбимизда чексиз хузур-ҳаловатни ҳис этайлик. Ҳар сафар салавот айтганимизда қалбимиз ором олиб, дилимиз яйрасин. Мана шу ихлоснинг белгисидир. Агар салавот айтаётганимизда дилимиз юмшамаса, роҳатланмасак, унда аввал истиғфор айтайлик. Чунки истиғфор қалбга ёпишган гуноҳлар гардини ювиб тозалайди, дил зангини кетказади. Шундан кейин айтилган зикр-тасбехлар, салавотлар қалбимизга таъсир этади, бизга чексиз хузур-ҳаловат бағишлади.

## САЛАВОТ РУҲ ВА ТАНАНИ ПОКЛАЙДИ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: صَلُّوا عَلَيَّ فَإِنَّهَا زَكَاةً لَكُمْ وَاسْأَلُوا اللَّهَ لِيَ الْوَسِيلَةَ فَإِنَّهَا دَرَجَةٌ فِي أَعْلَى الْجَنَّةِ لَا يَنَاهَا إِلَّا رَجُلٌ وَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَنَا هُوَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَإِسْحَاقُ بْنُ رَاهْوَيْهِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Менга салавот айтинглар! Зоро, (салавотингиз) сизлар учун покликдир (ёки садақадир). Менга Аллоҳдан васила сўранг. (Васила) жаннатнинг энг юқорисидаги даражада бўлиб, фақат бир кишига насиб этади. Ўша (инсон) мен бўлишимни умид қиласман” (Аҳмад, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Биз ҳадис таржимасида “поклик” деб ифодалаган сўз арабча матнда “закот” шаклида келган. Бу сўз “покланиш”, “үсиш”, “садақа” маъноларини англатади.

Бошқа ҳадиси шарифда айтилишича, салавот гуноҳларни ўчиради, мажлисдаги беҳуда гап-сўзларга каффорат бўлади, ҳатто садақа (яъни, инфоқ-эҳсон) ўрнига ўтади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكْثِرُوا الصَّلَاةَ عَلَيَّ فَإِنَّ صَلَاةَكُمْ عَلَيَّ زَكَاةً لَكُمْ وَسَلْوًا لِيَ الْوَسِيلَةَ فَقِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا الْوَسِيلَةُ قَالَ: أَعْلَى دَرَجَةٍ فِي الْجَنَّةِ لَيْسَ يَنَاهَا إِلَّا رَجُلٌ وَاحِدٌ مِنْ النَّاسِ وَأَنَا أَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَنَا هُوَ. رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى وَإِسْحَاقُ بْنُ رَاهْوَيْهِ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Яна Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласи: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менга кўп салавот айтинглар! Зотан, менга (айтадиган) салавотингиз ўзингиз учун закотдир (покликдир). Мен учун васила сўранглар”, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, васила нима?” деб савол берилди. У зот: “(Васила) жаннатдаги энг олий даражадир. уни одамлардан фақат бир киши кўлга киритади. Ўша (одам) мен бўлишимдан умид қиласман”, деб жавоб бердилар” (Абу Яъло, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ, Ибн Абу Шайба ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: “Менга айтган салавотингиз дуоларингизни ижобат қиласи, Парвардигорингиз розилигига эриштиради, баданларингизни поклайди”, дейилган<sup>97</sup>.

<sup>96</sup> Ибн Абу Осим ривоят қилган. Ибн Қайим бу ривоятни “Жалоул афҳом”да нақл қилган.

<sup>97</sup> Дайламий “Фирдавс”да ривоят қилган. Саховий уни “Ал-қавлұл бадий”да көлтирган.

Мүмин-мусулмон банда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айиш билан қалбини ўртаётган ғам-андуҳлардан халос бўлади, танасини иллатлардан поклайди, дилига бир олам қувонч киради, юзи нурли бўлади. Салавот айтган банда Аллоҳ розилигига эришади, қиёмат кунидаги кўрқинчлардан омон бўлади. Салавот эминлик, покликдир. Салавот баракага, најотга элтувчи вositадир.

## ФАРИШТАЛАР САЛАВОТИГА МУНОСИБ БАНДА

عَنْ عَامِرٍ بْنِ رَبِيعَةَ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ يَقُولُ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً لَمْ تَزَلْ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا صَلَّى عَلَيَّ فَلْيُقْلِعَ عَبْدُ مِنْ ذَلِكَ أَوْ لَيُكْثِرْ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَأَبُو يَعْلَمٍ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

*Омир ибн Рабийъадан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким менга бир марта салавот айтса – токи салавот айтиб турар экан – фаришталар ўша (одам)га салавот йўллашдан тўхтамайди. Банда (хоҳласа, салавотни) кам ёки кўп айтсин!” деб айтганларини эшишганман” (Аҳмад, Байҳакий, Абу Яъло ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).*

Фаришталар салавот йўллаган бандада хақига тўхтовсиз истиғфор айтиб туради, гуноҳлари кечирилишини сўраб Аллоҳга дуо қилади. Кимда-ким Аллоҳнинг раҳматига эришаман, деса, кўпроқ салавот айтади. Ихтиёр ўзида. Қанча кўп салавот айтса, фаришталар салавотни шунча кўпайтиради, битта салавотга етмиш салавот билан жавоб қайтаради.

عَنْ أَبِي قَيْسٍ قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ عَمْرٍو يَقُولُ: مَنْ صَلَّى عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَمَلَائِكَتُهُ سَبْعِينَ صَلَاةً فَلْيُقْلِعَ عَبْدُ مِنْ ذَلِكَ أَوْ لَيُكْثِرْ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир марта салавот айтса, Аллоҳ ва фаришталари унга етмиш марта салавот айтади. Шундай экан, бандада (истаса,) салавотни кам ёки кўп айтсин” (Аҳмад заиф санад билан ривоят қилган).*

Киёмат куни дунёда айтган ҳар бир салавотимиз бизга аскатади. Шунинг учун имкон борида солиҳ амалларга бел боғласак, муҳтарам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп салавотлар, саломлар айтсак, икки дунёда рўшнолик кўрамиз, иншааллоҳ!

## КЎП САЛАВОТ АЙТИШ ХОСИЯТИ

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَوْلَى النَّاسِ بِيَوْمِ الْقِيَامَةِ أَكْثَرُهُمْ عَلَيَّ صَلَاةً. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبرَانيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لَعِيرْهُ.

*Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилиншича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Одамлар ичидаги кўп салавот айтганлари қиёмат куни менга энг яқини бўлади” (Термизий, Ибн Ҳиббон, Байҳакий, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан лиғайриҳ).*

Яъни, мўминлар ичидаги кўпроқ салавот айтадиганлар охиратда Пайғамбаримизга энг яқини, шафоатларига муносиби бўлади<sup>98</sup>.

Агар мўмин киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўпроқ салавот айтса, қиёмат куни у зотга бошқалардан яқинроқ бўлади. Шунинг учун бандада ўткинчи мол-дунё тўплашда, обрў-эътибор қозонишда эмас, ким кўпроқ салавот айтишда, савобли ишлар қилишда мусобақалашади.

Абу Умома розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Сизлар ҳар жума куни менга кўп салавот айтинглар! Зоро, салавотингиз жума куни менга

<sup>98</sup> Манба: Муборакфурый, “Тухфатул ахвазий”.

күрсатилади. Шундай экан, улар ичида ким күпроқ салавот айтса, мартаба жиҳатдан менга яқинроқ бўлади<sup>99</sup>.

وَعَنْ أَيِّ الْدَّرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ حِينَ يُصْبِحُ عَشْرًا وَحِينَ يُمْسِي عَشْرًا أَدْرَكْتُهُ شَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ. رَوَاهُ الطَّبرَانيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: “Ким менга тонг отганда 10 марта, кеч кирганида 10 марта салавот айтса, қиёмат куни шафоатимга эришади” (Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Тонг отганда, кун ботганда 10 мартадан салавот айтган кишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёматда шафоат қиласдилар.

عَنْ رُوَيْفِعِ بْنِ ثَابِتِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ مُحَمَّدٌ وَقَالَ: اللَّهُمَّ أَنْزِلْهُ الْمَقْعَدَ الْمُقْرَبَ عِنْدَكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَجَبَتْ لَهُ شَفَاعَتِي. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالطَّبرَانيُّ وَالبَزَارُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Рувайфиъ ибн Собит Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилиншишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Ким Мұхаммадга салавот айтса, “Аллоҳумма анзилхұл мақъадал муқорроба ъиндака явмал қияма”, деса, унга шафоатим вожиб бўлади” (Аҳмад, Табароний, Баззор ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Ривоятда келтирилган дуо маъноси қуйидагича: “Ё Аллоҳ, у зотни қиёмат куни ҳузурингдаги яқин ўринга тушир”.

Кундалик салавотларни айтиб бўлгач мана шу дуо ўқилса, суннатга мувофиқ иш бўлади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ فِي يَوْمِ الْفَمَرَّةِ لَمْ يَمُتْ حَتَّى يَرَى مَقْعَدَهُ مِنْ الْجُنَاحَةِ. رَوَاهُ أَبْنُ شَاهِينِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: “Ким менга бир кунда 1000 марта салавот айтса, жаннатдаги ўрнини кўрмагунича вафот этмайди” (Ибн Шоҳин заиф санад билан ривоят қилган).

Баъзи асарларда: “Менинг олдимга шундай қавмлар келади. Уларни менга айтган кўп салавотларидан таниб оламан”, дейилган экан<sup>100</sup>.

Абу Бақр шундай деган: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш – худди совуқ сув оловни ўчиргани каби – гуноҳларни ўчиради. У зотга салом йўллаш эса қул озод қилишдан афзал<sup>101</sup>”.

## САЛАВОТНИНГ ФАРИШТАЛАР ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛИШИ

عَنْ أَيِّ هُرَبَرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تَجْعَلُوا بِيُوتَكُمْ قُبُورًا وَلَا تَجْعَلُوا قَبَرِيَ عِيدًا وَصَلُّوا عَلَيَّ إِنَّ صَلَاتَكُمْ تَبْلُغُنِي حَيْثُ كُنْتُمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالبَيْهَقِيُّ وَالطَّبرَانيُّ وَالبَزَارُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: “Уйларингизни қабристонга айлантиранглар! Менинг қабримни (йиғилиб) байрам (ўтказадиган жой) қилиб олманглар! Балки менга салавот айтинг! Зоро, қаерда бўлсангиз ҳам салавотингиз менга етиб келади” (Абу Довуд, Аҳмад, Байҳакий, Табароний, Баззор ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

<sup>99</sup> Байҳакий ривоят қилган.

<sup>100</sup> Манба: Қози Иёз, “Ас-салоту алан набий”.

<sup>101</sup> Манба: Қози Иёз, “Ас-салоту алан набий”.

Хар бир мўмин-мусулмон киши уйида намоз ўқиди, зикр-тасбех, салавот айтади. Акс ҳолда ибодатдан холи уй қабристонга, ундаги одам маййитга ўхшаб қолади. Инсон яшаш учун овқат ейди, сув ичади. Қалб ўлиб қолмаслиги учун эса имон, ихлос, ибодат, зикр-тасбех зарур.

Мўмин киши ер юзининг қайси бурчагида бўлсаям ихлос билан салавот айтса, фаришталар уни Расули акрамга етказади. Шунинг учун қуруқликдами, сувдами, чўлдами, тоғ-тошдами, боғ-роғдами, фурсатдан фойдаланиб салавот айтилаверади.

Ривоят қилинишича, бир киши ҳар куни тонгда келиб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларини зиёрат қиларди. Ҳалиги одам бу ишни дам-бадам қилаверганидан Али ибн Ҳусайн унга шундай деди:

- Нега бундай қиляпсан?
- Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом беришни яхши кўраман.
- Отамдан эшитганим бир ҳадисни сенга айтиб берайми?
- Ҳа.

Менга отам бобомдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менинг қабримни байрам (ўтказадиган жой) қилиб олманглар. Уйларингизни қабристонга айлантирганглар. Балки менга салавот ва салом йўлланг. Зеро, сизлар қаерда бўлсангиз ҳам (айтган салавотингиз, саломингиз) менга етиб келади”, деган эканлар<sup>102</sup>.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكْثِرُوا الصَّلَاةَ عَلَيَّ فَإِنَّ اللَّهَ وَكَلَّ بِي مَلَكًا عِنْدَ قَبْرِي فَإِذَا صَلَّى عَلَيَّ رَجُلٌ مِنْ أُمَّتِي قَالَ لِي ذَلِكَ الْمَلَكُ: يَا مُحَمَّدُ إِنَّ فُلَانَ ابْنَ فُلَانٍ صَلَّى عَلَيْكَ السَّاعَةَ رَوَاهُ الدَّيْنَمِيُّ فِي الْفَرْدَوْسِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласади: “Менга кўп салавот айтинглар! Зотан, Аллоҳ қабрим олдида бир фариштани вакил қилиб қўйган. Умматимдан бирон киши салавот айтса, ўша фаришта: “Эй Мұхаммад, фалончи ўғли фалончи мана (шу) соатда сизга салавот йўллади”, дейди” (Дайламий “Фирдавс”да ҳасан санад билан ривоят қилган).

Йўллаган салавотимиз сабаб отамиз исми ҳам суюкли Пайғамбаримиз алайҳиссаломга зикр қилинар экан. Агар фарзандларимизга салавот айтишни ўргатсак, вақти келиб бунинг манфаатидан баҳраманд бўламиз. Келгуси авлодни яхшиликка йўллаганимиз учун эзгу амаллари савоби бизга ҳам тегиб туради, иншааллоҳ!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Ким қабрим тепасида (туриб) салавот айтса, уни эшитаман. Агар узоқдан салавот йўлласа, (салавоти фаришталар томонидан) менга етказилади”, дейилган<sup>103</sup>.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ مَلَائِكَةً سَيَّاحِينَ فِي الْأَرْضِ يُبَلِّغُونِي مِنْ أُمَّتِي السَّلَامَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالْدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласади: “Аллоҳнинг ер юзини кезиб юрадиган фаришталари бор. Улар менга умматимнинг саломини етказади” (Насоий, Доримиий, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Бир гурух фаришталар курраи замин бўйлаб айланиб юради, қайси бир мусулмон киши салавот ёки салом айтса, уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказади.

Биз ўзимизга ўхшаган одамга салом берсак ёки кимданdir салом айтиб юборсак, саломимиз аликсиз қолиши мумкин. Аммо Пайғамбарлар саййидига берган саломимиз у зотга, албатта,

<sup>102</sup> Манба: Ибн Касир “Тафсир”да накл қилган.

<sup>103</sup> Байҳакий “Шуабул имон”да, Абу Шайх “Китобус савоб”да ривоят қилган. Ҳадис санади жайийд.

етказилади. Расули акрам биз берган саломга жавоб қайтарадилар. Қандай қилиб, дейсизми? Бу саволга қуйидаги ривоятдан жавоб оламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ أَحَدٍ يُسْلِمُ عَلَيَّ إِلَّا رَدَ اللَّهُ عَلَيَّ رُوحِي حَتَّىٰ أَرْدَ عَلَيْهِ السَّلَامَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Абу Хурайра* розияллоху анхудан ривоят қилинишича, *Расулуллоҳ* соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Бирон киши менга салом берса, Аллоҳ рухимни қайтаради, мен унинг саломига алик оламан” (*Абу Довуд, Аҳмад, Байҳақий* ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Мусулмон киши *Расулуллоҳ* соллаллоху алайҳи ва салламга салом берса, у зот алик олар эканлар. Бундан ҳам ортиқ мартаба бўлиши мумкинми биз учун? Ҳабибимиз йўллаган саломимизга алик олсалар!..

Аммор розияллоху анхудан ривоят қилинади: “*Расулуллоҳ* соллаллоху алайҳи ва саллам: “Эй Аммор, албатта Аллоҳнинг бир фариштаси бор. У Зот (ўша фариштага) барча халойик исмини ўргатган. Агар вафот этсам, қиёмат кунигача менинг қабрим тепасида туради. Умматимдан кимда-ким менга бир марта салавот йўлласа, фаришта ўша киши ва отаси исмини менга етказади, “Эй Муҳаммад, фалончи сизга салавот айтди”, дейди. Шунда Парвардигор ҳам унга ҳар бир (салавоти) учун ўнта (салавот) йўллайди”, дедилар<sup>104</sup>,..

## ЖУМА КУНИ САЛАВОТ АЙТИШ ХОСИЯТИ

Жума энг фазилатли кундир. Бу кунда эзгу ишларга кўпроқ аҳамият берилади: зикр-тасбехлар айтилади, Қуръон (жумладан, Каҳф сураси) ўқилади, bemорлар ҳолидан хабар олинади, бевебечораларга садақа қилинади. Жума куни бажариладиган солих амаллар бисёр. Салавот айтиш ҳам шулар жумласидандир.

عَنْ أُوسِ بْنِ أُوسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ مِنْ أَفْضَلِ أَيَّامِكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فِيهِ خُلُقُ آدُمْ وَفِيهِ قُبْضَ وَفِيهِ النَّفْخَةُ وَفِيهِ الصَّعْقَةُ فَأَكْثِرُوا عَلَيَّ مِنَ الصَّلَاةِ فِيهِ فَإِنَّ صَلَاتَكُمْ مَعْرُوضَةٌ عَلَيَّ قَالَ: قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ تُعْرِضُ صَلَاتَنَا عَلَيْنَا وَقَدْ أَرِمْتَ يَقُولُونَ: بَلِيتَ فَقَالَ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ حَرَمَ عَلَى الْأَرْضِ أَجْسَادَ الْأَنْبِيَاءِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

*Авс ибн Авс* розияллоху анху ривоят қилади: “*Расулуллоҳ* соллаллоху алайҳи ва саллам: “Сизларнинг энг яхши кунингиз жумадир. У кунда Одам яратилган, ўша кунда жони олинган. Ўша кунда (сурга) пулланади, кучли қичқириқ бўлади. Шундай экан, жума куни менга кўпроқ салавот айтинглар! Зоро, салавотингиз менга етказилади”, дедилар. Шунда: “Ё *Расулуллоҳ*, сиз(нинг танангиз) чириб кетган бўлса, салавотимиз қандай қилиб етказилади?” деб сўралди. У зот: “Аллоҳ азза ва жалла ерга пайғамбарлар танасини (чиритишни) ман этган”, дедилар” (*Абу Довуд, Насоий, Ибн Можса, Аҳмад* ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятдан қуйидаги хуносалар чиқади:

1. Ҳафта кунларининг энг афзали – жума куни;
2. Одам алайҳиссалом жума куни яратилган, ўша куни вафот этган;
3. Жума куни қиёмат қоим бўлади, сурга пуллангач, барча халойик тирилиб қабрдан чиқиб келади;
4. Жума куни *Расулуллоҳ* соллаллоху алайҳи ва салламга кўп салавот айтилади;
5. Ер – Аллоҳ таоло амри билан – пайғамбарлар танасини чиритмайди.

<sup>104</sup> Табароний, Ибн Нажкор ривоят қилган. Ривоят санади заиф. Санадда Нуайм ибн Замзам бор. У заиф ровий. Қолган ровийлар саҳиҳ қишилар.

Фазилатли жума кунида айтган ҳар бир салавотимиз сабаб қиёматдаги мартабамиз күтарилади. Салавотни күп айтсак, муҳтарам Пайғамбаримиз алайхиссаломга яқин бўламиз. Шубҳасиз, ҳар биримиз жаннатда у зотга қўшни бўлиш мақсади билан яшаймиз. Шундай экан, кўпроқ салавот айтсак, суннатга оғишмай амал килсак, дилдаги орзуларимиз ушалади.

**عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكْثَرُوا الصَّلَاةَ عَلَيَّ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَإِنَّهُ مَشْهُودٌ تَشْهِدُهُ الْمَلَائِكَةُ وَإِنَّ أَحَدًا لَنْ يُصَلِّي عَلَيَّ إِلَّا عُرِضَتْ عَلَيَّ صَلَاةُهُ حَتَّى يَقْرَئَ مِنْهَا قَالَ قُلْتُ: وَبَعْدَ الْمَوْتِ قَالَ: وَبَعْدَ الْمَوْتِ إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَى الْأَرْضِ أَنْ تَأْكُلَ أَجْسَادَ الْأَنْبِيَاءِ فَنَبِيُّ اللَّهِ حَيٌّ يُرِزَّقُ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهٍ وَسَنَدُهُ حَيْدُ.**

Абу Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қиласи: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менга жума куни кўп салавот айтинглар! Чунки (жума) гувоҳ бўлинган (кун)дир. Унга фаришталар шоҳид бўлади. Агар бир киши менга салавот айтса, ундан фориғ бўлиши билан салавоти менга етказилади”, деб айтдилар. (Абу Дардо шундай) деди: “Вафотингиздан кейин ҳам салавот айтамизми?” У зот: “Ха, вафотимдан кейин ҳам. Зоро, Аллоҳ ерга пайғамбарлар танасини чиритишни ман этган. Аллоҳнинг пайғамбари тириқ, ризқланиб туради”, деб марҳамат қилдилар” (Ибн Можса жайийид санаад билан ривоят қилган).

Бир гурух муҳаққиқ уламолар айтишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан кейин ҳам тириклар, муборак таналари чиримайди, у зот умматлари тоатидан хурсанд бўладилар. Билиш, эшитиш каби мутлақ идрок этиш бошқа маййитлардан ҳам собит бўлади<sup>105</sup>.

**عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكْثَرُوا عَلَيَّ مِنَ الصَّلَاةِ فِي كُلِّ يَوْمٍ جُمُعَةٍ فَإِنَّ صَلَاةً أُمَّتِي تُعَرِّضُ عَلَيَّ فِي كُلِّ يَوْمٍ جُمُعَةٍ فَمَنْ كَانَ أَكْثَرَهُمْ عَلَيَّ صَلَاةً كَانَ أَفْرَأَهُمْ مِنْ زَلَّةً. رَوَاهُ الْبَيْهِقِيُّ.**

Абу Умома розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Сизлар ҳар жума куни менга кўп салавот айтинглар! Зоро, (айтган) салавотингиз ҳар жумада менга етказилади. (Мусулмонлар) ичига ким кўпроқ салавот айтса, мартаба жиҳатидан менга яқинроқ бўлади” (Байҳақий ривоят қилган).

Пайшанба куни шомдан кейин фазилатли жума туни бошланади. Шу вақтдан эътиборан айтилган салавотлар жумада айтилган ҳисобланади.

**عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَكْثَرُوا الصَّلَاةَ عَلَيَّ يَوْمَ الْجُمُعَةِ. وَكَانَ الصَّحَابَةُ رَضِيَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى عَنْهُمْ يَسْتَحْجِبُونَ إِكْثَارَ الصَّلَاةِ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ. رَوَاهُ ابْنُ أَبِي السَّرِّيِّ.**

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қиласи: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жума куни менга салавот айтишини кўпайтигринглар!” деганлар”. Саҳобалар розияллоҳу анҳум жумада Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп салавот айтишини яхши кўришарди (Ибн Абу Сарий ривоят қилган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳамроҳ бўлган, у зот билан елкама-елка туриб Ислом ривожи йўлида холис хизмат қилган саҳобаи киромлар салавот хосиятини яхши билишган. Шунинг учун ҳам фазилатли жума кунида кўпроқ салавотлар айтишган. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин!

## САЛАВОТ – ДУОНИНГ ҚАНОТИ

<sup>105</sup> Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”.

عَنْ فَضَالَةَ بْنِ عُبَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يَدْعُونَ فِي صَلَاتِهِ لَمْ يُحِّدِ اللَّهَ تَعَالَى وَلَمْ يُصَلِّ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَجِلَ هَذَا ثُمَّ دَعَاهُ فَقَالَ لَهُ أَوْ لِغَيْرِهِ: إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلْيَبْدِأْ بِتَمْحِيدِ رَبِّهِ جَلَّ وَعَزَّ وَالثَّنَاءِ عَلَيْهِ ثُمَّ يُصَلِّ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ يَدْعُونَ بَعْدَ إِيمَانَ شَاءَ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالترْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حُزَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Фазола ибн Убайд розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши намозда дуо қилаётганини эшилдилар. У Аллоҳ таолога мақтов айтмади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот йўлламади. Шунда Расулуллоҳ: “Бу (киши) шошилди!” дедилар. Сўнг уни чақириб: “Агар биронтангиз дуо қилса, аввал Парвардигори азза ва жаллани улуғласин, Унинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтсин! Кейин хоҳлаганини сўрайверсин!” дедилар” (Абу Довуд, Термизий, Аҳмад, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Дуо қилмоқчи бўлған одам даб-дурустдан хожатларини сўрашга ўтмайди, аввал Аллоҳ таолога ҳамду сано айтади, Пайғамбаримизга салавот, салом йўллайди. Кейин дилидаги мурод-мақсади амалга ошишини сўраб Аллоҳга илтижо этади. Шунда унинг дуоси ижобатидан умид қилса бўлади.

Кимда-кимда Аллоҳга ҳамду сано, Расулига салавот айтмай туриб бирдан дуо қилишга ўтиб кетса, шошқалоқлик қилиби.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ أُصَلِّي وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ مَعَهُ فَلَمَّا جَلَسْتُ بَدَأْتُ بِالثَّنَاءِ عَلَى اللَّهِ ثُمَّ الصَّلَاةَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ دَعَوْتُ لِنَفْسِي فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سَلَّمْ تُعْطَهُ سَلَّمْ تُعْطَهُ رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيقٌ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Мен намоз ўқиётгандим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бақр, Умар ўша ерда эдилар. Ўтирганимда Аллоҳга (ҳамду) сано, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айта бошладим. Кейин ўзим учун дуо қилдим. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сўра, сенга берилади! Сўра, сенга берилади!” дедилар” (Термизий ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Расули акрам алайҳиссаломнинг “Сўра, сенга берилади!” деб икки марта тақрорлашларидан Аллоҳга мақтов айтган, Пайғамбаримизга салавот йўллаган банданинг дуоси сўзсиз қабул бўлишини билиб оламиз.

Ибн Ато шундай деган: “Дуонинг руқнлари, қанотлари, сабаблари, вақтлари бор. Агар дуо руқнларига мувофиқ келса, қувватли бўлади. Агар қанотларига мувофиқ бўлса, самога кўтарилади. Агар сабабларига мувофиқ келса, зафар қучади. Вақтларига тўғри келса, нажот топади. Дуонинг руқнлари хаёлни бир ерга жамлаш, қалб юмшashi, хокисорлик, хушуъ, дилнинг Аллоҳга боғланиши, сабабларни юзага келтириш. Дуонинг қанотлари содиқликдир. Унинг вақтлари – сахар пайти. Дуонинг сабаблари эса Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиши<sup>106</sup>.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْحَطَابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ الدُّعَاءَ مَوْفُوفٌ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَا يَصْعُدُ مِنْهُ شَيْءٌ حَتَّىٰ تُصَلِّيَ عَلَى نَبِيِّكَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анху шундай деган: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмагунингча қилган ҳар қандай дуоинг кўтариilmай осмон билан ер ўртасида тураверади” (Термизий ҳасан санад билан ривоят қилган).

<sup>106</sup> Манба: Қози Иёз, “Ас-салоту алан набий”.

Агар қўлни самога кўтариб дуо қилинса-ю, бироқ Пайғамбар алайҳиссаломга салавот айтилмаса, дуо мақбул бўлмай ер билан само орасида муаллақ туриб қолади. Қачон салавот айтилса, ўшандаги ижобат бўлади.

عَنْ عَلَيْ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُلُّ دُعَاءٍ مُحْجُوبٌ حَتَّىٰ يُصَلَّى عَلَىٰ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَآلِ مُحَمَّدٍ. رَوَاهُ  
الْطَّبَرَانيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Али розияллоҳу анҳу айтади: “Мұхаммад соллаллоҳу алайхі ва салламга, у киши ахли оиласындағы салавот айтилмагунича ҳар қандай дуо (ижобатдан) түсилгандир” (Табароний, Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санағи ҳасан).*

عَنْ أَبْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِذَا أَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يَسْأَلَ فَلَيْبِدَأْ بِالْمِدْحَةِ وَالثَّنَاءِ عَلَىٰ اللَّهِ بِمَا هُوَ أَهْلُهُ ثُمَّ  
لِيُصَلِّ عَلَىٰ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ لِيُصَلِّ بَعْدَ فَإِنَّهُ أَجَدَرُ أَنْ يُنْجَحَ رَوَاهُ عَبْدُ الرَّزَاقِ وَالْطَّبَرَانيُّ.

*Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Агар биронтангиз дуо қилмоқчи бўлса, Аллоҳга муносиб ҳамду сано айтсин. Кейин Набий соллаллоҳу алайхі ва салламга салавот йўлласин. Шундан сўнг (хоҳлаганича) дуо қилаверсин. Зоро, у муваффақият қозонишга (яни, дуоси ижобат бўлишга) муносибдир” (Абдураззоқ, Табароний ривоят қилган).*

Хуллас, дуодан олдин, кейин Пайғамбаримиз алайҳиссаломга салавот йўлласак, Аллоҳ таоло сўраганимизни беради, дуоларимиз мустажоб бўлади.

## САЛАВОТ ГАМ-ТАШВИШЛАРНИ АРИТАДИ

Ҳаётда қайғу билан шодлик ёнма-ён юради. Инсон бошидан баъзида қувончли, баъзида ғамгин кунлар ўтади. Шариат кўрсатмасига биноан, мўмин банда қийин дамларда кўпроқ салавот айтса, бошига тушган мусибатлар арийди, муаммолардан халос бўлади.

عَنْ أَبِي بْنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا ذَهَبَ ثُلُثَ اللَّيْلِ قَامَ فَقَالَ: يَا  
أَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوا اللَّهَ جَاءَتْ الرَّاجِفَةُ تَتَبَعَّهَا الرَّادِفَةُ جَاءَ الْمَوْتُ بِمَا فِيهِ جَاءَ الْمَوْتُ بِمَا فِيهِ قَالَ: أَبِي قُلْتُ: يَا  
رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أُكْثِرُ الصَّلَاةَ عَلَيْكَ فَكُمْ أَجْعَلُ لَكَ مِنْ صَلَاتِي فَقَالَ: مَا شِئْتَ قَالَ: الرُّبْعُ قَالَ: مَا شِئْتَ فَإِنْ  
رِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ قُلْتُ: النِّصْفَ قَالَ: مَا شِئْتَ فَإِنْ زِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ قَالَ: قُلْتُ: فَالثُّلُثُينِ قَالَ: مَا شِئْتَ فَإِنْ  
رِدْتَ فَهُوَ خَيْرٌ لَكَ قُلْتُ: أَجْعَلُ لَكَ صَلَاتِي كُلَّهَا قَالَ: إِذَا ثُكْفَى هَمَّكَ وَيُعْفَرُ لَكَ ذَنْبُكَ رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَعَبْدُ  
بْنُ حُمَيْدٍ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхі ва саллам туннинг учдан икки қисми ўтганида туриб: “Эй одамлар! Аллоҳни зикр қилинглар! Аллоҳни зикр қилинглар” Рожиға келди. Ундан кейин Родифа келди<sup>107</sup>. Ўлим ўзидаги нарсалар билан келди. Ўлим ўзидаги нарсалар билан келди!” деб айтардилар. Убай деди: “Мен: “Ё Расулуллоҳ, Сизга кўп салавот айтаман. Салавотимдан қанчасини Сизга бағишилай?” дедим. У зот: “Хоҳлаганингча айт”, дедилар. “Мен: “Тўртдан бириними?” деб сўрадим. “Хоҳлаганингча айт. Агар зиёда қилсанг, ўзингга яхши”, дедилар. Мен: “Ярминими?” деб сўрадим. “Хоҳлаганингча айтавер. Агар зиёда қилсанг, ўзингга яхши”, дедилар. “Учдан иккисиними?” дедим. У зот: “Хоҳлаганингча айт. Агар янада кўпайтиранг, ўзингга яхши”, дедилар. Мен:*

<sup>107</sup> Бу ерда қиёмат куни биринчи, иккинчи сур чалиниши кўзда тутилмоқда.

“Салавотимнинг ҳаммасини Сизга бағишлайман<sup>108</sup>”, дедим. Шунда у зот: “Унданай бўлса, ғамташвишларинг (ариши)га кифоя қилади, гунохларинг кечирилади”, деб марҳамат қилдилар” (Термизий, Ҳоким, Абӯ ибн Ҳумайд ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Бу ривоятга кўра, мўмин киши тириклик вақтини ғанимат билади, охирати учун тайёргарлик кўради. Қолаверса, кўп салавот айтиш бошга тушган ғамташвишларни аритади, билиб-бilmай қилинган гуноҳларга каффорат бўлади.

Жобир ибн Самура отасидан ривоят қилади. Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида эдик. Бир киши келиб:

— Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ азза ва жаллага яқинлаштирадиган энг яхши амал қайси? – деб сўради.

У зот:

— Рост сўзлаш, омонатни адо этиш, – дедилар.

— Ё Расулуллоҳ, зиёда қилинг!

— Тунги намоз, иссиқ кунларда рўза тутиш.

— Ё Расулуллоҳ, яна зиёда қилинг!

— Аллоҳни зикр қилиш, менга кўп салавот айтиш камбағалликни даф этади, – дедилар.

Мен:

— Ё Расулуллоҳ, яна зиёда қилинг! – деб сўрадим.

Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

— Орангизда ким имомликка ўтса, (намозни) енгил (адо) этсин! Чунки, (намозхонлар) ичидаги улуғ, bemor, заиф, ҳожатманд кишилар бўлади, – деб таъкидладилар<sup>109</sup>.

عَنْ حِبَّانَ بْنِ مُنْقِدٍ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ ، أَجْعَلْ ثُلُثَ صَلَاتِي عَلَيْكَ قَالَ: نَعَمْ إِنْ شِئْتَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُؤْمِنِينَ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: فَصَلِّ عَلَيْهِ كُلَّهَا ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذْنُكَ فِيمَا تَرِيدُ مِنْ أَمْرِ دُنْيَاكَ وَآخِرَتِكَ . رَوَاهُ الطَّبرَانيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ .

Ҳиббон ибн Мунқиздан ривоят қилиншича, бир киши: “Ё Расулуллоҳ, салавотимнинг учдан бирини сизга бағишлайман”, деди. У зот: “Ха, агар хоҳласанг (шундай қил)”, дедилар. “Учдан иккисини сизга бағишлайман”, деди. У зот: “Ха, (қилавер)”, дедилар. Ҳалиги одам: “У ҳолда салавотимнинг ҳаммасини сизга бағишлайман”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “У ҳолда дунёю охират ташвишларида Аллоҳ сен учун кифоя қилади”, дедилар (Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган).

Бундан чиқди, бошга кулфат тушганда дуо қилиб, салавот айтилади, Аллоҳдан кушойиш сўралади. Шунда Мехрибон Аллоҳ бандани қийин вазиятдан чиқаради. Нафақат дунёда, балки охиратда ҳам мاشаққатдан халос этади. Айтилган салавотлар охиратда кўпроқ фойда келтиради.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ خَادِمِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ أَقْرَبَكُمْ مِنِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي كُلِّ مَوْطِنٍ أَكْثَرُكُمْ عَلَيَّ صَلَاةً فِي الدُّنْيَا مِنْ صَلَّى عَلَيَّ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَأَنِيلَةِ الْجُمُعَةِ مِائَةً مَرَّةً قَضَى اللَّهُ لَهُ مِائَةً حَاجَةً سَبْعِينَ مِنْ حَوَائِجِ الْآخِرَةِ وَثَلَاثَيْنَ مِنْ حَوَائِجِ الدُّنْيَا ثُمَّ يُوَكِّلُ اللَّهُ بِذَلِكَ مَلَكًا يُدْخِلُهُ فِي قَبْرِي كَمَا يُدْخِلُ عَلَيْكُمْ الْمُهَاجِرَايَا يُخْبِرُنِي مَنْ صَلَّى عَلَيَّ بِاسْمِهِ وَنَسِيَهِ إِلَى عَشِيرَتِهِ فَأَتَبَيَّنَهُ عِنْدِي فِي صَحِيفَةِ بَيْضَاءِ . رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ الْمُنْذِرِ وَابْنُ عَسَاكِرِ .

<sup>108</sup> Биз таржимада “бағишлайман” деб ифодалаган сўз арабча матнда “ажъалу” шаклида келган. “Жаъала” сўзи “қилмок”, “бажармок”, “хосламок”, “ато этмок” маъноларини англатади. Бу ўринда “салавотни сизга айтаман” маъноси ирода этилган. Шу билан бирга “салавот”нинг асл маъноси “дуо” эканини ҳам эслатиб ўтамиш. Чунончи, бу жумлани “Фақат ўзим учун дуо қилавермасдан кўпроқ ҳақингизга салавот айтаман”, деган мазмунда ҳам тушуниш мумкин. Валлоҳу аълам!

<sup>109</sup> Абу Нуайм ривоят қилган. Бу ривоят Ибн Қаййимнинг “Жалоул афҳом” китобида ҳам нақл қилинган.

*Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Дунёда менга кўпроқ салавот айтганингиз қиёмат куни ҳар бир ўринда менга яқинроқ бўлади. Ким менга жума кунида ва тунида 100 марта салавот йўлласа, Аллоҳ унинг 100 та ҳожатини – охиратдан 70 та, дунёдан 30 тасини раво қилади. Кейин Аллоҳ бунга бир фариштани тайинлайди. У (айтилган салавотни) худди сизларга совгалар олиб келганидек қабримга киргизади, менга салавот айтган (одам) исмини, аҳли оиласигача (ёки қариндош-уругларигача бўлган) насабини хабар беради. Кейин уни хузуримдаги оқ саҳифага ёзиб қўяди”, дедилар”* (Байҳақий, Ибн Мунзир, Ибн Асокир ривоят қилган).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда: “Ким менга бир кунда 100 марта салавот айтиса, Аллоҳ унинг 100 та ҳожатини – охиратидан 70 та, дунёсидан 30 тасини раво қилади”, дейилган<sup>110</sup>.

Шундай экан, синовларга тўла беш кунлик дунёда бирон қийинчиликка дуч келсак, кўпроқ салавот айтишга одатланайлик. Зеро, мўминнинг энг кучли қуроли зикр-тасбех, дуо, истиғфор ва салавотдир.

## САЛАВОТ АЙТМАСЛИК ОҚИБАТИ

Одатда, пулинини энг зарур жойларга ҳам сарфламайдиган кишини баҳил, дейишади. Лекин ўрни келганда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга салавот айтмайдиган кимса ҳам баҳил саналар экан. Нима учун, дейсизми? Бунинг сабабини қуйида баён этамиз.

عَنْ عَلَيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْبَخِيلُ الَّذِي مَنْ ذُكِرَتْ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكَمُ وَابْنُ حَبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

*Али ибн Абу Толиб розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Олдида зикр этилганимда менга салавот айтмаган кимса баҳилдир”* (Термизий, Насоий, Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих).

Имом Шавконий бу ҳадисни шундай шарҳлаган: “Салавот айтмайдиган кимса энг зикнадир. Чунки у – савоби улуғ бўлса ҳам – айтиш малол келмайдиган нарсага хасислик қилди<sup>111</sup>”.

Салавот айтмаган кимсанинг баҳил дейилишига сабаб киши салавотни тарк этиш билан улуғ савобдан маҳрум бўлади. Агар салавот айтганида, номай аъмолига қийрот-қийрот ажр ёзиларди. У зикналиги учун шундай улуғ фазилатдан қуруқ қолди, нафсига баҳиллик қилди.

عَنْ الْحَسَنِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: بِخَسْبِ اُمْرِيِّ مِنْ الْبَخْلِ أَنْ أُذْكَرْ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ. أَوْرَدْهُ أَبْنُ كَثِيرٍ فِي تَفْسِيرِهِ وَابْنُ الْقَيْمِ فِي جَلَاءِ الْلَّأْفَهَامِ وَسَنَدُهُ صَحِيقٌ.

*Ҳасан розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Олдида зикр қилинганимда менга салавот айтмаслиги кишининг баҳиллигига етарли”, деб айтганиларини эшигтанман”* (Бу ҳадисни Ибн Касир “Тафсир”да, Ибн Қаййим “Жалоул афҳом”да келтирган. Ҳадис санади саҳих).

Баъзи уламоларга кўра, салавот айтиш вожиб. Чунки мустаҳаб амални тарк этиш учун бунчалик қаттиқ тергалмайди<sup>112</sup>.

<sup>110</sup> Ибн Мандаҳ ривоят қилган. Ибн Қаййим уни “Жалоул афҳом”да келтирган.

<sup>111</sup> Манба: “Тухфатуз зокирин”.

<sup>112</sup> Таҳовий, Ҳалимий каби уламолар бу ҳакида келган ривоятларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номлари ҳар сафар зикр қилинганда салавот айтиш вожиблигига хужжат қилиб келтиришган (Манба: Муборакфурий, “Тухфатул ахвазий”).

عَنْ حُسَيْنِ بْنِ عَلَيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَخَطِئَ الصَّلَاةَ عَلَيَّ خَطِئَ طَرِيقَ الْجَنَّةِ. رَوَاهُ الطَّبَرَانيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ صَحِيفٌ.

*Хусайн ибн Али розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи:*  
**“Олдида зикр қилинганимда салавот айтишни унуган (одам) жаннат йўлидан адашибди”**  
*(Табароний “Кабир”да саҳиҳ санад билан ривоят қилган).*

Ким салавот айтишни тарк этса, янгилишибди. Бу хато бориб-бориб уни жаннат йўлидан ҳам адаштиради. Шундай экан, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам номлари, сифатлари зикр этилганда, ақалли бир марта бўлса ҳам “соллаллоҳу алайҳи ва саллам” дейишдан эринмайлик.

Муновийнинг “Файзул қодир” китобида “зикр қилинсам” бирикмаси “у зотнинг исмлари, сифатлари, кунялари эсланганды салавот айтилади”, дея шарҳланган. Бундан чиқди, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Мұхаммад Мустафо”, “Аҳмад”, “Сайидул башар”, “Хотамул анбиё” деб зикр этилсалар, салавот айтилади.

عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ نَسِيَ الصَّلَاةَ عَلَيَّ خَطِئَ طَرِيقَ الْجَنَّةِ. رَوَاهُ أَبْنُ مَاجَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالْطَّبَرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

*Ибн Аббос розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи:*  
**“Ким менга салавот айтишни унугсан, жаннат йўлидан адашибди”** (Ибн Можа, Байҳақий, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Абдуллоҳ ибн Жарод розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Кимнинг олдида зикр қилинсам-у, менга салавот айтмаса, (ӯша одам) дўзахга киради<sup>113</sup>”.

Жаннатга кириш умидидаги инсонлар учун бу жуда оғир гап. Чунки ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Огоҳ бўлинг! Ким менга салавот айтишни эсидан чиқарип қўйса, жаннатга кира олмайди”, деб огоҳлантириптилар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ فَقَدْ شَقِّيَ. رَوَاهُ أَبْنُ السُّنْنَيِّ فِي عَمَلِ الْيَوْمِ وَاللَّيْلَةِ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

*Жабир ибн Абдуллоҳ розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи:*  
**“Кимнинг олдида зикр қилинганимда менга салавот айтмаса, (ӯша одам) сўзсиз баҳтсиз бўлибди”** (Ибн Сунний “Амалул явми вал лайла”да заиф санад билан ривоят қилган).

Хуллас, вожиб ўринларда салавот айтмаган одам:

- Энг баҳил кимса бўлади;
- жаннат йўлидан адашиб кетади;
- баҳтсиз одамлар каторидан жой олади.

Кунларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга чиқиб, уч марта “Омин” дедилар. Шунда хубтага қулоқ солиб ўтирган одамлар бунинг сабабини сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом нима учун “Омин” деганларини айта туриб, салавотни тарк этадиганларни огоҳлантиридилар. Келинг, шу ҳақидаги ривоятни қуида батафсил кўриб чиқамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَقَى الْمِنْبَرَ فَقَالَ: آمِينَ آمِينَ قِيلَ لَهُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا كُنْتَ تَصْنَعُ هَذَا فَقَالَ: قَالَ لِي جَبِيرٌ: رَغْمَ أَنْفُ عَبْدٍ أَدْرَكَ أَبْوَيْهِ أَوْ أَحَدَهُمَا لَمْ يُدْخِلْهُمَا الْجَنَّةَ فُلْثُ: آمِينَ ثُمَّ

<sup>113</sup> Ибн Қайим “Жалоул афҳом”да накл қилган.

قَالَ: رَغْمَ أَنْفُ عَبْدٍ دَخَلَ عَلَيْهِ رَمَضَانُ لَمْ يُغْفَرْ لَهُ فَقُلْتُ: آمِينَ ثُمَّ قَالَ: رَغْمَ أَنْفُ امْرِئٍ ذُكْرَتْ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيْكَ فَقُلْتُ: آمِينَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَذْبِ الْمُفْرِدِ وَابْنُ حُزَيْمَةَ فِي صَحِيحِهِ وَالْبَزارُ فِي الْمُسْنَدِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيقٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилиншича, Набий соллаллоху алайхи ва саллам минбарга күтарилиб: “Омин, омин, омин”, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллох, нима қилаётган эдингиз?” деб сўралди. У зот: “Жаброил олдимга келиб, “Ота-онаси ёки улардан бири (ҳаёт) бўлатуриб жаннатга кирмаган кишининг бурни ерга ишқалансин!” деди. Шунда мен: “Омин”, дедим. Кейин: “Рамазон ойига (соғ-саломат) етиб, гунохлари кечирилмаган кишининг бурни ерга ишқалансин!” деди. Мен: “Омин”, дедим. Сўнг: “Олдида зикр қилинганингизда сизга салавот айтмаганинг бурни ерга ишқалансин!” деди. Мен: “Омин”, дедим”, дея бўлиб ўтган воқеани баён қилдилар (Бухорий “Ал-адабул муфрад”да, Ибн Ҳузайма “Саҳих”да, Баззор “Муснаф”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳих).

Араблар “бурни ерга ишқалансин!” жумласини “хор бўлсин” маъносида қўллашади.

Банда салавот айтишни кундалик вазифаси қилиб олмаса ҳам лоақал Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам исмлари, сифатлари эсланганд бир марта “соллаллоху алайхи ва саллам” дейиши керак. Йўқса, ривоятда саналган кимсалардан бири бўлиб қолади.

Борди-ю арабча талаффузга тил келишмаса, “Пайғамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин!” дейиши ҳам жоиз. Арабча айтиш шарт эмас. Муҳими, қайси тилда бўлса ҳам салавот йўлланса бўлди. Салавот ҳам дуо. Дуони ҳар ким ўз она тилида қилиши мумкин.

Бу ривоятда, шунингдек, ота-онага меҳр-мурувват кўрсатиш, рамазон ойи билан боғлиқ масала ҳам эслатилмокда.

Ота-она кексайиб, меҳр-мурувватга муҳтож бўлганда уларнинг хизматларини қилиб, дуоларини олиб, жаннатий бўла олмаган “фарзанд” ҳам Аллоҳнинг раҳматидан узок бўларкан.

Афсуски, нодонлик ёки тушунмаслик сабаб ота-она ҳаётлигига уларнинг дуосини олиш ўрнига дилозорлик қилиб, кўнгилларини ранжитадиган фарзандлар ҳам йўқ эмас. Уларга Аллоҳдан инсоф сўраймиз.

Ожиз банда туни билан жойнамозни тешиб юборадиган даражада минг ракат намоз ўқиб чиқса, кундузлари нафл рўза тутса, аммо ота-онаси дилини оғритса, ибодат савобидан айрилиб қолиши мумкин. Шунинг учун биринчи галда ота-онага эътиборли бўлинг, улардан бир оғиз ширин сўзингизни аяманг. Ана ўшанда ҳаммаси яхши бўлади. Ота-онангиз сиздан розими, демак, Аллоҳ ҳам рози бўлади.

Рўза ойининг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Рамазони шариф ойига тан-жони соғ-саломат кириб, биронта савобли иш қилмаган одам ҳам Аллоҳнинг раҳматидан йироқ бўлар экан.

Аллоҳнинг раҳматидан узок бўлиш, деган гапни енгил қабул қилмайлик. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан йироқ кимса дунёда ҳам, охиратда ҳам рўшнолик қўрмайди, қанча уринмасин бири икки бўлмайди. Салавот айтмаган, ота-онасига кўнгилдагидек хизмат қилмаган, рамазон ойига бепарво бўлган одам бошига мана шундай кўргилик тушади.

Бу ривоятни диққат билан ўқиб, хато-камчиликларимизни тўғрилаб олайлик, билмаганларга ўргатайлик. Токи яқинларимиз ҳам огоҳ бўлишсин.

## САЛАВОТ – МАЖЛИС КАФФОРАТИ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا جَلَسَ قَوْمٌ مُجْلِسًا لَمْ يَذْكُرُوا اللَّهَ فِيهِ وَلَمْ يُصَلِّو عَلَى نَبِيِّهِمْ إِلَّا كَانَ عَلَيْهِمْ تِرَةٌ فَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ وَإِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ. رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيقٌ.

Абу Хурайра розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қиласи: “Агар бир гурух одамлар мажлис қуриб, у ерда Аллоҳни зикр қилишмаса, Пайғамбарларига салавот айтишмаса, устларида ҳасрат-надомат бўлади. (Аллоҳ) хоҳласа, уларни азоблайди, хоҳласа, кечириб юборади” (Термизий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих).

Салавот айтмаган одам бир кун келиб – гарчи Аллоҳнинг раҳмати билан жаннатга киритилса ҳам – афсус чекади. Чунки мавриди келганды салавот айтмаган, баҳиллик қилганди.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Қайси бир қавм (бирор ерда) тўпланиб, Аллоҳни зикр қилмасдан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтмасдан тарқалиб кетса, энг бадбўй ўлимтиқ устидан турган бўлади<sup>114</sup>”, дейилган.

Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинади: “Сизлар мажлисингизни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиш билан зийнатланг<sup>115</sup>”.

Шундай экан, бирон жойда йиғилганда туришдан олдин “Алҳамдуиллаҳ, вас-солаату вас-салааму ъалаа росулиллаҳ. Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду аллаа илааха иллаа анта астағирика ва атувбу илайк”, дейилса, мажлис ҳақи адo этилган бўлади.

عَنْ أَيِّ هُرْبَرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا قَعَدَ قَوْمٌ مَقْعِدًا لَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ وَيُصَلِّونَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا كَانَ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَإِنْ دَخَلُوا الْجَنَّةَ لِلثَّوَابِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Қайси бир қавм мажлис қуриб, Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилишмаса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишмаса, гарчи савоб туфайли жаннатга киришса ҳам, қиёмат куни пушаймон чекишади” (Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих).

Киши жаннатга кирганидан кейин ҳам надоматга қолиши мумкин экан. Нега? Чунки мўмин банда эзгу ишларни янайм кўпроқ қилмаганига афсусланади. Агар кўпроқ салавот айтганида, мартағаси юқорироқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқинроқ бўларди!.. Ана пушаймоннинг боиси нимада!

Шунинг учун нафасимиз кириб-чиқиб турганида сувдек оқиб ўтувчи умрни ғанимат билиб солиҳ амалларга бел боғлайлик, Аллоҳни доим зикр қилайлик, Сайидул башарга кўпроқ салавотлар, саломлар айтайлик.

## САЛАВОТНИ ҚАНДАЙ АЙТАМИЗ?

Юқорида салавот маъноси, фазилатлари билан танишиб чиқдик. Энди Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай салавот айтишни ўрганамиз.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ. اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад, камаа соллайта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма баарик ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад, камаа баарокта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳимга, Иброҳим оиласига салавот йўллаганингдек Муҳаммадга, Муҳаммад оиласига салавот йўлла. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан. Ё Аллоҳ, Иброҳимга, Иброҳим оиласига хайр-баракани давомли қилганингдек Муҳаммадга, Муҳаммад оиласига ҳам хайр-баракани давомли қил. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан”.

Абдураҳмон ибн Абу Лайлор ривоят қиласи: Йўлда кетаётганимда Каъб ибн Ужрани учратиб қолдим. У:

– Сенга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганим бир нарсани тухфа қилайми? – деди.

<sup>114</sup> Таёлисий “Муснад”да ривоят қилган.

<sup>115</sup> Хатиб Бағдодий “Тарих”да нақл қилган.

– Ҳа, – дедим.

Каъб ибн Ужра:

– Биз Расууллоҳ соллаллоҳу алаихи ва салламдан: “Ё Расууллоҳ, Аллоҳ сизларга қандай салом беришни ўргатган. Бироқ салавотни қандай айтамиз?” – деб сўрадик. Шунда у зот:

– Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад, камаа соллайта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамидум мажийд. Аллоҳумма баарик ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад, камаа баарокта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамидум мажийд, деб айтинглар, – дедилар<sup>116</sup>.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ عَبْدِكَ وَرَسُولِكَ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадин ъабдика ва росувлик, камаа соллайта ъалаа аали иброҳийм, ва баарик ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад, камаа баарокта ъалаа иброҳийм”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳим оиласига салавот йўллаганингдек банданг, Расулинг Муҳаммадга салавот йўлла. Иброҳимга хайр-баракани давомли қилганингдек Муҳаммадга, Муҳаммад оиласига хайр-баракани давомли қил<sup>117</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَدُرْرِيهِ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَدُرْرِيهِ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа азываажиҳий ва зуррийтиҳ, камаа соллайта ъалаа аали иброҳийм, ва баарик ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа азываажиҳий ва зуррийтиҳ, камаа баарокта ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамидум мажийд”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳим оиласига салавот йўллаганингдек Муҳаммадга, у зот аёлларига, зурриётларига салавот йўлла. Иброҳим оиласига хайр-баракани бардавом қилганингдек Муҳаммадга, у зот аёлларига, зурриётларига хайр-баракани бардавом қил. Зеро, Сен мактовга энг муносиб, Буюксан<sup>118</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадин камаа соллайта ъалаа аали иброҳийм. Аллоҳумма баарик ъалаа муҳаммадин камаа баарокта ъалаа аали иброҳийм”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳим оиласига салавот йўллаганингдек Муҳаммадга салавот йўлла. Ё Аллоҳ, Иброҳим оиласига хайр-баракани давомли қилганингдек Муҳаммадга хайр-баракани давомли қил<sup>119</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадив-ва ъалаа аали муҳаммад”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Муҳаммадга, Муҳаммад оиласига салавот йўлла<sup>120</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأَمِيِّ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа муҳаммадинин набийийил уммийий ва ъалаа аали муҳаммад”.

<sup>116</sup> Бухорий, Муслим, Насой, Доримий, Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

<sup>117</sup> Бухорий, Насой, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган.

<sup>118</sup> Муслим ривоят қилган.

<sup>119</sup> Насой сахих санад билан ривоят қилган.

<sup>120</sup> Насой сахих санад билан ривоят қилган.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, ўқиши-ёзишни ўрганмаган<sup>121</sup> Пайғамбар Муҳаммад, Муҳаммад оиласига салавот йўлла<sup>122</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَبَارِكْ عَلَى آلِ مُحَمَّدٍ وَأَرْحَمْ مُحَمَّدًا وَآلَ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ وَبَارِكْتَ وَرَحْمَتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ بَحِيدٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад, ва баарик ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад, варҳам мұхаммадав-ва аала мұхаммад, камаа соллайта ва баарокта ва тароҳхамта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннана ҳамийдүм мажийд”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳимга, у кишининг оиласига салавот йўллаганинг, хайр-баракани давомли қилганинг, раҳм этганингдек Мұхаммадга, у зот оиласига салавот йўлла. Мұхаммадга, у зот оиласига хайр-баракани давомли қил, Мұхаммадга, у кишининг оиласига раҳм қил. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан<sup>123</sup>”.

اللَّهُمَّ اجْعَلْ صَلَوَاتَكَ وَرَحْمَتَكَ وَبَرَكَاتَكَ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا جَعَلْتَهَا عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ بَحِيدٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳуммажъал солаваатика ва роҳматака ва барокаатика ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад, камаа жа-алтахаа ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннана ҳамийдүм мажийд”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳимга, у кишининг оиласига салавот йўллаганинг, раҳматингни, баракаларингни нозил қилганингдек Мұхаммадга, у зот оиласига салавот йўлла, уларга раҳматингни, баракаларингни нозил эт. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан<sup>124</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ عَبْدِكَ وَرَسُولِكَ وَصَلِّ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадин ъабдика ва росувлик, ва солли ъалал мұйминийна ва мұйминаат, вал мұслимийна вал мұслимаат”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, банданг, Расулинг Мұхаммадга салавот йўлла, мўмин-мўминаларга, мұслим-мұслималарга ҳам салавот йўлла”.

Абу Сайд Худрий розияллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Қайси бир мусулмон кишининг садақа (қилишга пули) бўлмаса: “Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадин ъабдика ва росувлик, ва солли ъалал мұйминийна ва мұйминаат, вал мұслимийна вал мұслимаат”, деб айтсин. Мана шу унинг учун закотдир<sup>125</sup>”.

## САЛАВОТДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

Салавот айтгандан кейин қуидаги дуолар ўқилади:

اللَّهُمَّ أَنْزِلْهُ الْمَفْعَدَ الْمَقْرَبَ عِنْدَكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма анзилҳул мақъадал муқорроба ъиндака явмал қияма”.

<sup>121</sup> Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам устоз кўрмаганлар, ўқиши-ёзишни ҳеч кимдан ўрганмаганлар. У зотнинг саводлари йўқ эди. Аллоҳ таоло ваҳий юбориб, Расулига Қуръонни, ҳадисни ўргатди.

<sup>122</sup> Салавотнинг бу сийғасини Абу Довуд – Уқба ибн Амрдан – ҳасан санад билан ривоят қилинган.

<sup>123</sup> Ҳоким, Байҳакий ривоят қилган. Ҳокимга кўра, ривоят санади сахих.

<sup>124</sup> Салавотнинг бу сийғасини имом Аҳмад – Бурайда Хузойдан – заиф санад билан ривоят қилган.

<sup>125</sup> Бухорий (“Ал-адабул муфрад”да), Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Байҳакий ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

Рувайфиъ ибн Собит Ансорий розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Ким Мұхаммадга салавот айтганидан кейин: “Ё Аллоҳ, у зотни қиёмат куни хузурингдаги яқин (муқарраб) мақомга тушир”, деса, (ӯша одамга) шафоатим вожиб бўлади<sup>126</sup>”.

اَللّٰهُمَّ تَقْبَلْ شَفَاعَةَ حُمَّدِ الْكُبْرَى وَارْفُعْ دَرْجَتَهُ الْعُلْيَا وَأَعْطِهِ سُؤْلَهُ فِي الْآخِرَةِ وَالْأُولَى كَمَا آتَيْتَ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى.

Ўқилиши: “Аллоҳумма тақоббал шафаа-ъата мұхаммадинил кубро, варфаъ дарожатахул ўуля, ва аътихий сұлахув фил аахироти вал увлаа, камаа аатайта иброҳийма ва мусваа”.

Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳу салавот айтса: “Ё Аллоҳ, Мұхаммаднинг катта шафоатини қабул қил, унинг баланд мартабасини янада юқори күтар, Иброҳимга, Мусога берганингдек у зот дунёю охиратда сўраган нарсаларини ато эт!” деб дуо қиласи<sup>127</sup>.

## САЛАФЛАР АЙТГАН САЛАВОТЛАР

Саҳобаи киромлар, тобеинлар, табаа тобеинлар айтган салавотлар китобларда нақл қилинган. Куйида улардан айримларини келтирамиз.

اَللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ أَنْ تُصَلِّي عَلَى مُحَمَّدٍ عَبْدِكَ وَرَسُولِكَ أَفْضَلَ مَا صَلَّيْتَ عَلَى أَحَدٍ مِّنْ خَلْقِكَ أَجْعَمِينَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний асъалука ан тусоллий ъалаа мұхаммадин ъабдика ва набиййика ва росувлика афзола мaa соллайта ъалаа аҳадим мин холқика ажмаъийн”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Сендан банданг, набиййинг, расулинг Мұхаммадга барча маҳлуқотлардан бирига йўллаганинг энг афзал салавотни йўллашингни сўрайман!”

Бу салавотни Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳу айтган<sup>128</sup>.

اَللّٰهُمَّ اجْعَلْ صَلَاتَكَ وَرَحْمَتَكَ عَلَى سَيِّدِ الْمُرْسَلِينَ وَإِمَامِ الْمُتَّقِينَ وَخَاتَمِ النَّبِيِّينَ حُمَّادِ عَبْدِكَ وَرَسُولِكَ إِمامِ الْحَيْرِ وَقَائِدِ الْحَيْرِ وَرَسُولِ الرَّحْمَةِ اللَّهُمَّ ابْعِظْ مَقَامًا مَحْمُودًا يَعْبُطُهُ بِهِ الْأَوْلُونَ وَالآخِرُونَ اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَحِيدٌ اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَحِيدٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳуммажъал солаатака ва роҳматака ва барокаатика ъалаа саййидил мурсалийн, ва имаамил муттақиин, ва хотамин набийийин, мұхаммадин ъабдика ва росувлик, имаамил хойри ва қоидил хойри ва росувлир роҳма. Аллоҳуммабъасху мақомам маҳмуда, яғбитухув биҳил аввалувна вал аахирувн. Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад, камаа соллайта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма баарик ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад, камаа баарокта ъалаа иброҳийма ва ъалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, салавотингни пайғамбарлар саййиди, тақводорлар имоми, хотамул анбиё Мұхаммадга, Расулингга, яхшилик имомига, эзгулик раҳнамосига, раҳмат пайғамбариға йўлла, раҳматингни, баракангни нозил эт. Ё Аллоҳ, у зотни аввалгилару охиргилар ҳавас қиласидиган мақталган мақомда тирилтири. Ё Аллоҳ, Иброҳимга, у кишининг оиласига салавот йўллаганингдек Мұхаммадга, у зот оиласига салавот йўлла. Зеро, Сен мақтовга муносиб, Буюксан. Ё Аллоҳ, Иброҳимга, у кишининг оиласига баракангни давомли қилганингдек Мұхаммадга, у зот оиласига баракангни бардавом қил. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан”.

<sup>126</sup> Ахмад, Табароний, Баззор ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан.

<sup>127</sup> Абдурраззок, Абд ибн Ҳумайд ривоят қилган. Ривоят санади сахих.

<sup>128</sup> Манба: Қози Иёз, “Ас-салоту алан набий”.

Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга салавот айтадиган бўлсангиз, у зотга гўзал суратда салавот йўлланг. Сизлар билмайсизлар, шоид салавотингиз у зотга етказилса”, деб юқоридаги салавотни ўргатган экан<sup>129</sup>.

Шунга ўхшаш – “Аллоҳумма даахиял мадхувваат”, деб бошланувчи салавот Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан нақл қилинган<sup>130</sup>.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَاصْحَابِهِ وَأَهْلِ بَيْتِهِ وَذُرِّيَّتِهِ وَأَزْوَاجِهِ وَأَوْلَادِهِ وَأَصْهَارِهِ وَأَشْيَاعِهِ وَمُجِيِّبِهِ وَأَمَّتِهِ وَعَلَيْنَا مَعْهُمْ أَجْمَعِينَ... يَا أَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа мухаммад, ва ъалаа аалихий ва асҳаабиҳий ва авлаадиҳий ва азваажих, ва зуррийятиҳий ва аҳли байтиҳий ва асҳаариҳий ва ансориҳ, ва ашияҳий ва муҳиббийҳи ва умматиҳий ва ъалайнаа ма-ъаҳум ажмаъийн. Я арҳамар роҳимийн”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Мухаммадга, у зот оиласларига, саҳобаларига, фарзандларига, завжаларига, зурриётларига, аҳли байтларига, куёвларига, ёрдамчиларига, жамоаларига, у зотни яхши кўрувчиларга, умматларига, уларга қўшиб бизларга ҳам салавот йўлла... Эй, раҳмлиларнинг энг Раҳмлиси бўлган Зот!”

Бу салавотни машҳур тобеин Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтган<sup>131</sup>.

اللَّهُمَّ أَعْطِ مُحَمَّدًا أَفْضَلَ مَا سَأَلَكَ لِنَفْسِهِ وَأَعْطِ مُحَمَّدًا أَفْضَلَ مَا أَنْتَ مَسْئُولٌ لَهُ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма аъти мухаммадан афзола мaa са-алака линафсих, ва аъти мухаммадан афзола мaa са-алака лаҳув аҳадум мин холқик, ва аъти мухаммадан афзола мaa анта масъулул лаҳув илаа явмил қияма”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Мухаммадга у зот ўзлари Сендан сўраганларидан ҳам афзалини бер! Мухаммадга бандаларингдан бири у зот учун сўраганидан ҳам ортигини ато эт! Мухаммадга у зот учун қиёмат кунигача Сендан сўралганидан ҳам яхшироғини бер!”

Бу салавотни табаа тобеин Вуҳайб ибн Вард<sup>132</sup> раҳматуллоҳи алайҳ айтган<sup>133</sup>.

## ИМОМ ШОФЕЙЙ АЙТГАН САЛАВОТЛАР

Мухаммад ибн Идрис Абу Абдуллоҳ Шофеий (хиж. 150-204, мел. 767-820) Аҳли сунна вал жамоа наздида тўрт имомдан бири, улуғ фақиҳ, мутлақ мужтаҳид, шофеий мазҳаби асосчиси саналади. Куйида у зот айтган салавотларни келтирамиз.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ بَخْرِ أَنْوَارِكَ وَمَعْدِنِ أَسْرَارِكَ وَلِسَانِ حُجَّتِكَ وَعَرْوَسِ مَلَكَتِكَ وَإِمامِ حَضْرَتِكَ وَعَلَى آلِ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَسَلَّمٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа саййидинаа мухаммадин баҳри анваарик, ва маъдини асрорика ва лисаани ҳужжатика ва ъарувси мамлакатик, ва имаами ҳазротика ва ъалаа аали саййидинаа мухаммадив-ва саллим”.

<sup>129</sup> Ибн Можа, Байҳакий, Табароний, Абу Яъло, Абу Нуайм ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

<sup>130</sup> Табароний бу ривоятни “Авсат”да келтирган.

<sup>131</sup> Манба: Қози Иёз, “Ас-салоту алан набий”.

<sup>132</sup> Вуҳайб ибн Вард Маккий катта табаа тобеинлардан. Ҳижрий 153 йилда вафот этган. Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насойи ундан ҳадис ривоят қилишган.

<sup>133</sup> Манба: Қози Иёз, “Ас-салоту алан набий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Нурларинг денгизи, сирларинг маъдани, ҳужжатинг тили, мамлакатинг куёви, ҳузурингдаги Имом – Жанобимиз Мұхаммадга, саййидимиз Мұхаммад оила аъзоларига салавот ва саломлар йўлла<sup>134</sup>”.

وَصَلَّى اللَّهُمَّ عَلَى مُحَمَّدٍ عَدَدَ مَا ذَكَرْتُ الظَّاهِرُونَ وَعَدَدَ مَا عَفَلَ عَنْهُ الْغَافِلُونَ.

Ўқилиши: “Ва соллилаахумма ъалаа мұхаммадин ъадада мaa закароҳуз заакирувн, ва ъадада мaa ғофала ъанхул ғофилувн”.

Ривоят қилинишича, имом Шофеййни вафотидан кейин тушда кўришган. “Аллоҳ сенга қандай марҳамат кўрсатди?” – деб берилган саволга имом:

– Парвардигорим менга раҳм қилди, гуноҳларимни кечирди, мени күёвлардек жаннатга олиб борилди, – деб жавоб берди.

– Бунга қандай эришдинг? – деб сўралганида, Шофейй:

– “Ar-рисола” номли китобимда “Ё Аллоҳ! Мұхаммадга зокирлар айтган (зикр, тасбех, салавотлар) микдорича, ғофиллар (эслашдан) ғафлатда қолган микдорда салавот йўлла!” деб салавот ёзгандим, – деб жавоб қайтарган экан<sup>135</sup>.

## АБДУЛҚОДИР ЖИЙЛОНӢЙ АЙТГАН САЛАВОТЛАР

Абдулқодир Жийлоний (хиж. 470-561) тасаввуф тариқати имоми, ҳанбалий мазҳаби фақиҳи, орифбilloх, қодирия тариқати асосчисидир. У зотдан жуда кўп салавотлар нақл қилинган.

اللَّهُمَّ اجْعَلْ أَفْضَلَ صَلَواتِكَ أَبَدًا وَأَنْعَمْ بِرَكَاتِكَ سَرْمَدًا وَأَزْكِنِي تَحْيَاتِكَ فَضْلًا وَعَدَدًا عَلَى أَشْرَفِ الْخَلَائِقِ  
الإِنْسَانِيَّةِ وَمَعْدِنِ الدَّقَائِقِ الإِيمَانِيَّةِ وَطُورِ التَّحْلِيلَاتِ الإِحْسَانِيَّةِ وَمَهْبِطِ الْأَسْرَارِ الرَّحْمَانِيَّةِ وَعَرْوَسِ الْمَمْلَكَةِ الرَّبَّانِيَّةِ ،  
وَاسِطَةِ عَقْدِ النَّبِيِّينَ وَمُقْدِمٍ جَيْشِ الْمُرْسَلِينَ وَأَفْضَلِ الْخَلَائِقِ أَجْمَعِينَ ، حَامِلٌ لِرَوَاءِ الْعَزِّ الْأَعْلَى وَمَالِكٌ أَزْمَةِ الشَّرَفِ  
الْأَسْنَى ، شَاهِدٌ أَسْرَارِ الْأَزْلِ وَمَشَاهِدٌ أَنْوَارِ السَّوَابِقِ الْأَوَّلِ وَتَرْجُمَانٌ لِسَانِ الْقَدِيمِ وَمَنبِعِ الْعِلْمِ وَالْحِلْمِ وَالْحِكْمِ ، مَظْهَرٌ  
سِرِّ الْوُجُودِ الْجَزِئِيِّ وَالْكُلُّيِّ وَإِنْسَانٌ عَيْنُ الْوُجُودِ الْعُلُوِّيِّ وَالسُّفْلَى ، رُوحٌ جَسَدِ الْكَوْنَيْنِ وَعَيْنٌ حَيَاةِ الدَّارَيْنِ ، الْمُتَخَلِّقٌ  
بِأَعْلَى رُتبِ الْعُبُودِيَّةِ ، الْمُتَحَقِّقٌ بِأَسْرَارِ الْمَقَامَاتِ الإِصْطَفَائِيَّةِ.

Ўқилиши: “Аллоҳуммажъал афзола соловаатика абадаа, ва анмаа барокаатика сармадаа, ва азкаа таҳийатика фазлав-ва ъададан ъалаа ашрофил холааиқил инсаанийя, ва маъдинид дақоқиқил иймаанийя, ва турит тажаллийтил ихсаанийя, ва маҳбатил асрорир роҳмаанийя, ва ъарусил мамлакатир роббаанийя, вааситоти ъиқдин набийийин, ва муқоддими жайшил мурсалийн, ва афзолил холааиқи ажмаъийн, ҳаамили ливааил ъиззил аълаа, ва маалики азимматиш шарофиғи аснаа, шаҳиди асрорил азал, ва мешаҳиди анваарис саваабиқил аввал, ва таржумаани лисаанил қидам, ва манбаъиъл ъилми вал ҳилми вал ҳикам, мазҳари сиррил вужувдил жузъийи вал қуллий, инсаани ъайнил вужувдил ъулвийи вас суфлий, рувхи жасадил кавнайни ва ъайнин ҳаятид дааройн, ал-мутахоллиқи би-аълаа рутабил ъубудийя, ал-мутахаққиқи биасрорил мақомаатил истифаайя”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, энг афзal салавотингни абадий тарзда, кўп баракангни муттасил суратда, фазл ва адад жиҳатидан энг покиза саломларингни инсон зотининг энг шарафлиси, имон дақоқлари маъдини (асли), эҳсон тажаллийлари чўққиси, раҳмоний сирлар маҳбати (асоси, бошланиш нуқтаси), раббоний мамлакат куёви, пайғамбарларнинг энг шарафлиси, пайғамбарлар қўшини сардори, барча ҳалойиқ афзали, олий иззат туғини қўтарувчи, олий шараф соҳиби, азал сирлари шоҳиди, аввали гибариқ (пешқадамлар) нурлари машоҳиди (мазҳари), олдингилар тилининг таржимони, илм, ҳилм,

<sup>134</sup> Манба: Шарофиддин Амборий, “Шифоус сақом фи наводирис салоти вас-салом”.

<sup>135</sup> Манба: Шарофиддин Амборий, “Шифоус сақом фи наводирис салоти вас салом”; Абул Аббос Уқлиший, “Анворул осор”.

ҳикмат манбаи, жузъий, куллий вужуд сирининг мазҳари, юқоридаги, пастдаги мавжудотларнинг энг яхшиси, икки олам жасадининг руҳи, дунёю охират ҳаёти чашмаси, бандалик энг олий рутбалари илиа хулқланган, истифой мақомлар сирлари мутаҳаққиқи (амалга оширувчиси) бўлган зотга йўлла<sup>136</sup>.

اللَّهُمَّ تَقْبَلْ شَفَاعَتَهُ الْكُبْرَى وَارْفَعْ دَرْجَاتِهِ الْعُلْيَا وَأَعْطِهِ سُلْطَةً فِي الْآخِرَةِ وَالْأُولَى كَمَا أَعْطَيْتَ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى.

اللَّهُمَّ اجْعِلْهُ مِنْ أَكْرَمِ عِبَادِكَ عَلَيْكَ شَرْفًا وَمِنْ أَزْوَعِهِمْ عِنْدَكَ دَرْجَةً وَأَعْظَمْهُمْ حَطْرًا وَأَمْكَنْهُمْ شَفَاعَةً. اللَّهُمَّ عَظِيمٌ بُرْهَانُهُ وَأَبْلِجْ حُجَّتَهُ وَأَبْلِجْ مَأْمُولَهُ فِي أَهْلِ بَيْتِهِ وَدُرْسَتِهِ.

اللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ عَدَدَ مَا شَاهَدْتَهُ الْأَبْصَارُ وَسَمِعْتَهُ الْأَذَانُ وَصَلِّ وَسَلِّمْ عَلَيْهِ عَدَدَ مَنْ لَمْ يُصَلِّ عَلَيْهِ وَصَلِّ وَسَلِّمْ عَلَيْهِ كَمَا ثَحِبَ وَتَرَضَى أَنْ يُصَلِّ عَلَيْهِ وَصَلِّ وَسَلِّمْ عَلَيْهِ كَمَا أَمْرَنَا أَنْ نُصَلِّ عَلَيْهِ وَصَلِّ وَسَلِّمْ كَمَا يَنْبَغِي أَنْ يُصَلِّ عَلَيْهِ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма тақоббал шафаа-ъатахул кубро, варфаъ дарожаатихил ўуля, ва аътиҳий сұлахув фил аахироти вал увлаа камаа аътойта иброҳима ва мұвсаа. Аллоҳуммажъалху мин акроми ъибаадика ъалайка шарофаа, ва мин арфа-ъиҳим ъиндака дарожаа, ва аъзомиҳим хоторо, ва амқаниҳим шафаа-ъаҳ. Аллоҳумма ъаззим бурҳаанаҳ, ва аближ ҳужжатах, ва аблиғ маъмувлахув фий аҳли байтиҳий ва зуррийатих. Аллоҳумма солли ва саллим ъалаа саййидинаа мұхаммадин ъадада мaa шаахадатхул абсор, ва самиатхул аазаан, ва солли ва саллим ъалайхи ъадада мал лам юсолли ъалайх, ва солли ва саллим камаа туҳиббу ва тарзоо ай юсоллаа ъалайх, ва солли ва саллим ъалайхи камаа амартанаа ан нусоллий ъалайх, ва солли ва саллим камаа ямбағий ай юсоллаа ъалайх”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, у зотнинг катта шафоатларини қабул эт, мартабаларини янада баланд қил, Иброҳимга, Мусога берганингдек дунёю охиратда сўраган нарсаларини ато эт. Ё Аллоҳ, у зотни Ўзинг учун шараф жихатидан бандаларинг ичида энг мұкаррами қил, уларнинг энг мартабаси улуғи, мавқеи энг юксаги, шафоати мақбул бўладигани қил. Ё Аллоҳ, у зотнинг далилларини қувватли, ҳужжатларини зохир қил, у зотни аҳли байтлари, зурриётлари борасида орзулагида эриштири. Ё Аллоҳ, саййидимиз Мұхаммадга, у зотни кўрган кўзлар, эшитган қулоқлар ададича салавот ва салом йўлла. У зотга салавот айтмаганлар ададича салавот ва салом йўлла. У зотга қандай салавот айтилишини яхши кўрсанг, рози бўлсанг, шундай салавот ва салом йўлла. Сен бизни салавот айтишга буюганингдек у зотга салавот ва салом йўлла. У зотга қандай салавот айтиш муносиб бўлса, шундай салавот ва салом йўлла<sup>137</sup>”.

اللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ عَدَدَ نَعْمَاءِ اللَّهِ وَإِفْضَالِهِ.

اللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلَيْهِ وَعَلَى آلِهِ وَاصْحَابِهِ وَأَوْلَادِهِ

وَأَرْوَاجِهِ وَدُرْسَتِهِ وَأَهْلِ بَيْتِهِ وَعَشِيرَتِهِ وَعَنْزَرَتِهِ وَاصْهَارِهِ وَأَحْبَابِهِ وَأَتَبَاعِهِ وَأَشْيَاعِهِ وَأَنْصَارِهِ ، خَزَنَةَ أَسْرَارِهِ وَمَعَادِنِ أَنْوَارِهِ

وُكُنُوزِ الْحَقَائِقِ وَهُدَاةِ الْخَلَاقِ ، بُحُومِ الْهُدَى لِمَنْ افْتَدَى وَسَلِّمْ تَسْلِيمًا كَثِيرًا دَائِمًا أَبَدًا وَارْضَ عَنْ كُلِّ الصَّحَابَةِ رِضًا

سَرْمَدًا عَدَدَ حَقْلَكَ وَزَنَةَ عَرْشَكَ وَرِضًا نَفْسِكَ وَمَدَادَ كَلِمَاتِكَ ، وَصَلِّ يَا رَبَّ عَلَى جَمِيعِ إِخْرَانِهِ مِنْ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ

وَعَلَى جَمِيعِ الْأُولَيَاءِ وَالصَّالِحِينَ صَلَواتُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ва саллим ъалайхи ва ъалаа аалихий ъадада наъмаиллахи ва ифзолих. Аллоҳумма солли ва саллим ъалайхи ва ъалаа аалихий ва асҳаабихий ва авлаадих, ва азваажиҳий ва зуррийатих, ва аҳли байтиҳий ва ъашийротих, ва ъаназатихий ва асҳаариҳий ва аҳбаабих, ва атбаа-ъиҳий ва ашя-ъиҳий ва анзорих, хозанати асрориҳий ва ма-ъаадини анваарих, ва кунувзил ҳақоиқи ва худаатил холааиқ, нужувмил ҳудаа лиманиқтадаа, ва саллим таслийман касийрон даайман абадаа, варзо ъан куллис соҳаабати ризон сармадаа, ъадада холқика ва зината

<sup>136</sup> Манба: Абдулқодир Жийлоний, “Ал-авродул кодирия”, 26-бет.

<sup>137</sup> Манба: “Ал-авродул кодирия”, 28-бет.

ъаршика ва ризо нафсика ва мидаада калиматика, ва солли я робби ъалаа жамийъи ихваанихий минан-набийийина вал мурсалийн, ва ъалаа жамийъил авлияи вас-солиҳийн, соловаатуллохи ъалайхим ажмаъийн”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, неъматларинг, фазлу караминг ададича у зотга салавот ва салом йўлла. Ё Аллоҳ, у зотга, оила аъзоларига, саҳобаларига, фарзандларига, завжаларига, зурриётларига, аҳли байтларига, хонадон аъзоларига, куёвларига, у зот яхши кўрганларга, эргашганларга, қўллаб-куватлаганларга, сирларини сақловчиларга, нурлари маъданларига, ҳақиқат хазиналарига, халойик ҳидоятчиларига, эргашганлар учун ҳидоят юлдузларига салавот, кўп ва доимий саломлар йўлла. Махлукотларинг ададича, Аршинг оғирлигича, Ўзинг рози бўлгунча, калималаринг миқдорича ҳар бир саҳобадан абадий рози бўл. Ё Раббим, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг набийлардан, расуллардан иборат барча биродарларига, жами авлиёларга, солиҳларга салавот йўлла, уларнинг барчасига Аллоҳнинг салавоти бўлсин<sup>138</sup>.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ السَّابِقِ لِلْخَلْقِ نُورٌ وَرَحْمَةٌ لِلْعَالَمِينَ ظُهُورُهُ عَدَدَ مَنْ مَضَى مِنْ خَلْقِكَ وَمَنْ بَقَى  
وَمَنْ سَعِدَ مِنْهُمْ وَمَنْ شَقِيقِي صَلَاهٌ تَسْتَعْرِفُ الْعَدُّ وَتُحِيطُ بِالْحَدْ صَلَاهٌ لَا غَایَةٌ لَهَا وَلَا مُنْتَهَى وَلَا اِنْقِضَاءٌ صَلَاهٌ دَائِمَةٌ  
بِدَوَامِكَ وَعَلَى آلِهِ وَصَاحِبِهِ وَسَلَّمَ تَسْلِيمًا مِثْلَ ذِلِّكَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа саййидинаа мұхаммадинис-саабиқи лил ҳолқи нурух, ва роҳматул лил ъааламийна зухурух, ъадада мам мазо мин ҳолқика ва мам бақий, ва ман саида минхұм ва ман шақый, солаатан тастағиқул ъадда ва түхійту бил ҳадд, солаатан лаа ғоята лаҳаа ва лаа мұнтахаа ва ланқизоъ, солаатан дааиматан бидаваамик, ва ъалаа аалихий ва соҳбиҳий ва саллим таслийман мисла заалик”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, махлукотларга нури ўтган, унинг чиқиши оламларга раҳмат бўлган саййидимиз Мұхаммадга, у зотнинг саҳобаларига, оила аъзоларига махлукотларингдан ўтганлар, қолганлар ададича, улардан баҳтиқаролар сонича, миқдордан ошиб кетувчи, чегараларни қамраб олувчи, охир ийқ, ниҳоясиз, тугамайдиган, доимий салавот йўлла. Уларга худди шундай кўп саломлар йўлла<sup>139</sup>.

## ҚИСҚА САЛАВОТЛАР

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Мұхаммадга, Мұхаммад оиласига салавот йўлла”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ النَّبِيِّ الْأَمِّيِّ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадинин набийийи уммийи ва ъалаа аали мұхаммад”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, (бирон кишидан) ўқиш-ёзишни ўрганмаган пайғамбар Мұхаммада, Мұхаммад оиласига салавот йўлла”.

صَلَّى اللَّهُ عَلَى مُحَمَّدٍ.

Ўқилиши: “Соллаллоҳу ъалаа мұхаммад”.

Маъноси: “Аллоҳ Мұхаммадга салавот йўлласин”.

<sup>138</sup> Манба: “Ал-авродул кодирия”, 28-29-бетлар.

<sup>139</sup> Манба: Абдулкодир Жийлоний, “Ал-авродул кодирия”, 31-бет.

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

Ўқилиши: “Соллаллоҳу ъалайҳи ва саллам”.

Маъноси: “Аллоҳ Мұхаммадға салавот ва салом йўлласин”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَسَلِّمْ وَبَارُكْ عَلَيْهِ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ва саллим ва баарик ъалайх”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, у зотга салавот ва салом йўлла, баракангни давомли қил”.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَسَلِّمْ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аалихий ва саллим”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Мұхаммадға, у зот оиласига салавот ва салом йўлла”.

صَلَّى اللَّهُ وَسَلَّمَ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَاصْحَاحِيهِ أَجْمَعِينَ.

Ўқилиши: “Соллаллоҳу ва саллама ъалаа набиййинаа мұхаммад, ва ъалаа аалихий ва асҳабиҳий ажмаъийн”.

Маъноси: “Аллоҳ Пайғамбаримизга, у зот оила аъзоларига, барча сахобаларига салавот ва саломлар йўлласин!”

## САЛАВОТ АЙТИШ ҲУКМЛАРИ

Уламоларга кўра, ҳар бир мўмин-мусулмон банда умрида ақалли бир марта бўлсаям Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиши фарз<sup>140</sup>.

Шунингдек, ҳар бир мажлисда бир марта салавот айтиш вожиб саналади. Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам номлари бир мажлисда илк бор зикр қилинганида “соллаллоҳу алайҳи ва саллам” дейиш вожиб, кейингиларида мустаҳабдир.

Бизнинг ҳанафий мазҳабида намознинг охирги ташаххудида салавот айтиш суннат ҳисобланади<sup>141</sup>.

Намозда салавот айтиш суннат, деган уламоларга кўра, намоз салавот билан комил бўлади. Салавот айтмасдан намоздан чиқса ҳам намоз дуруст саналади.

Шунингдек, барча пайғамбарларга салавот айтиш жоиз. Пайғамбарлардан бошқаларларга салавот айтиш масаласини қутида кўриб чиқамиз.

## ПАЙҒАМБАРЛАРДАН БОШҚАЛАРГА ҲАМ САЛАВОТ АЙТИЛАДИМИ?

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: صَلُّوا عَلَى أَنْبِيَاءِ اللَّهِ وَرُسُلِهِ فَإِنَّ اللَّهَ بَعْثَاهُمْ كَمَا بَعَثَنِي. رَوَاهُ الْبَبْهَقِيُّ وَعَبْدُ الرَّزَاقُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласиди: “Аллоҳнинг (барча) анбиёларига, расулларига салавот айтинг. Чунки У Зот мени (пайғамбар қилиб) юборганидек уларни ҳам (одамларни ҳақ йўлга чақириши учун) юборган”, деганлар” (Байҳақий, Абдураззоқ ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

<sup>140</sup> Саховий “Ал-қавлул бадийъ” китобида бу борадаги ўн хил қавлни келтирган.

<sup>141</sup> Намознинг охирги ташаххудида салавот айтиш масаласида икки хил қавл бор: 1. Шофеийлар, ҳанбалийлар, шунингдек, Исҳоқ ибн Роҳвайхга кўра, бу вожибдир. 2. Ҳанафий, моликий мазҳаби уламолари, шунингдек, Хаттобийга, Қози Иёзга кўра, намознинг охирги ташаххудида салавот айтиш суннат.

Бундан чиқди, бошқа пайғамбарлар номи зикр этилганида ҳам салавот ва салом айтилади. Лекин ўзга пайғамбарларга салавот айтиш Расули акрам соллаллоху алайҳи ва салламга салавот йўллаш фазилатига тенг эмас.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَا يَنْبَغِي الصَّلَاةُ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.  
رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبَرَانِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бошқа бирон кишига ўзга одам томонидан салавот йўлланиши тўғри эмас” (Байҳақий, Табароний ривоят қилган).*

Баъзилар: “Салавот фақат Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига айтилади. Бунда у зотга ҳеч ким шерик бўлолмайди. “Азза ва жалла”, “субҳонаҳу ва таоло” Аллоҳнинг Ўзига хос бўлганидек салавот ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос”, дейишган.

Пайғамбар алайҳиссалом айрим саҳобалар ҳақига салавот айтганлар. Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдимизга келдилар. Шунда аёлим у зотга: “Ё Расулуллоҳ, мен билан эрим ҳақига салавот айтинг!” деди. У зот “Аллоҳ сенга, эрингга салавот йўлласин!” дедилар<sup>142</sup>.

Салавот Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақлари. Дуо эса барча мўмин-мусулмонлар ҳақидир. Анбиёлардан бошқаларга алоҳида салавот йўлланмайди, дуо қилинади, истиғфор айтилади<sup>143</sup>. Аммо набийлар қаторида саҳобаи киромларга, ахли байтга, тақводор зотларга салавот айтса бўлади<sup>144</sup>.

## ҚАЧОН САЛАВОТ АЙТИЛАДИ?

- Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмлари, сифатлари зикр қилинганда.
- жума куни.
- мажлисдан турәётганда.
- аzonга жавоб берәётганда, аzonдан кейин<sup>145</sup>.
- иқоматга жавоб берәётганда.
- намознинг охирги ташаххудида.
- жаноза намози иккинчи такбиридан кейин<sup>146</sup>.
- Қуръони каримни хатм қилганда.
- дуодан олдин ва кейин.
- дарс бошлагандан, тугатаётганда.

<sup>142</sup> Ибн Ҳиббон саҳих санад билан ривоят қилган.

<sup>143</sup> Бу бобда айтилган бир қавлга кўра, набийлардан бошқаларга ҳам алоҳида тарзда салавот айтса бўлади. Зоро, салавот дуодир. Дуони ҳар бир мўмин-мусулмон ҳақига қилиш жоиз, дейилган. Нофеъдан ривоят қилинишича, Ибн Умар розияллоҳу анху жанозага тақбир айтиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот йўллар, кейин “Аллоҳумма баарик фийҳи ва солли ъалайҳи вағfir лаҳув ва авридху ҳавзо набиййик”, деб дуо киларди (Ибн Қайим “Жалоул афҳом”да нақл қилган). Ривоят санади саҳих.

<sup>144</sup> Пайғамбарлар билан бирга бошқа мўминларга салавот айтиш жоизлигига ижмоъ қилинган. Аммо пайғамбарларни зикр қilmай туриб, мўминларга алоҳида салавот айтиш борасида ихтилоф қилинган (Манба: Ибн Касир, “Тафсирул қуръонил азим”).

<sup>145</sup> “Агар муazzинни эшитсангиз, у нима деса сизлар ҳам шуни айтинглар, менга салавот йўлланглар. Зоро, ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади. Кейин менга васила сўранглар. У жаннатдаги бир даражада бўлиб, Аллоҳнинг бандаларидан фақат бир кишига насиб этади. Ўша (инсон) мен бўлишимдан умид қиласман. Ким менга васила сўраса, унга шафоатим ҳалол бўлади” (Муслим – Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан – марфуъ тарзда ривоят қилган).

<sup>146</sup> Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга жаноза намозида салавот айтиш ҳукми борасида икки хил қавл бор. Шофеийга, Аҳмад ибн Ҳанбалга кўра, бу вожибdir, жаноза намози салавотсиз тўғри бўлмайди. Улар бунга Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг амалини далил қилишган (Ибн Абу Шайба уни “Мусаннаф”да ривоят қилган).

Абу Ҳанифа билан Молик ибн Анас жаноза намозида салавот айтишни мустаҳаб, вожиб эмас, дейишган. Улар бунга Абу Умома ибн Сахлдан келтирилган ривоятни далил қилишган (Шофеий уни “Ал-ум”да ривоят қилган).

- таҳоратдан сўнг<sup>147</sup>.
- тонгда намозга турганда.
- намоздан кейин.
- уйига кираётганда.
- масжидга кириб-чиқаётганда<sup>148</sup>.
- мўмин биродари билан кўришганда<sup>149</sup>.
- масжид олдидан ўтаётганда<sup>150</sup>.
- Сафо ва Марвада<sup>151</sup>.
- лаббайка айтиб бўлганда.
- ҳажарул асвадни истилом (қўл билан ушлаб ёки узоқдан ишора) қилиб ўпганда.
- одамлар тўпланганда, тарқалганда.
- бозорга ёки бирор жойга борганда.
- кечаси уйқудан уйғонганда.
- ғам-ташвишга ботганда.
- ҳожатманд бўлганда.
- Аллоҳдан мағфират сўралганда.
- аҳамиятли ишни бошлишдан олдин.
- куннинг аввалида, охирида<sup>152</sup>.
- унутган нарсасини эсламоқчи бўлганда<sup>153</sup>.
- кулоқ шангиллаганда<sup>154</sup>.

## САЛАВОТ АЙТИШ ХОСИЯТЛАРИ

- Мўмин киши севимли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтса, Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунган бўлади<sup>155</sup>.
- салавот айтиш раҳмат, барака келтиради.

<sup>147</sup> “Агар сизлардан бирон киши таҳорат қилиб бўлса, “Ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳу ва ашҳаду анна мұхаммадан ъабдухув ва росувлух”, десин, менга салавот айтсин. Агар шундай қиласа, унга раҳмат эшиклари очилади” (Абу Шайх – Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхудан – марфуъ тарзда ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

<sup>148</sup> “Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар масжидга кирсанг, “Бисмиллахир роҳманир роҳийм, вас-салааму ъалаа росулиллаҳ. Аллоҳумма солли ъалаа мұхаммадив-ва ъалаа аали мұхаммад, вағfir ланаа ва саххил ланаа абааба роҳматик”, дегин. Агар у ердан чиксанг ҳам шундай дегин, илло “Ва саххил ланаа абааба фазлик”, деб айтасан”, дедилар” (Термизий, Ибн Можа ривоят қилган. Ривоят санади сахих).

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирсалар: “Бисмиллаах, аллоҳумма солли ъалаа мұхаммад”, масжиддан чиқаётганда: “Бисмиллаах, аллоҳумма солли ъалаа мұхаммад”, деб айтардилар (Ибн Сунний “Амалул явми вал лайла”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

<sup>149</sup> Анас розияллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласи: “Аллоҳ учун бир-бирини яхши кўрувчи икки бандадан бири соҳибини учратиб қолиб, қўл бериб кўришса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишса, иккисининг аввалгию кейинги гуноҳлари мағфират этилади” (Байҳакий, Абу Яльо ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

<sup>150</sup> “Агар масжид олдидан ўтсангиз, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтинглар!” (Ибн Қайим “Жалоул афҳом”да Али розияллоҳу анхудан нақл қилган. Ривоят санади мавқуф-заиф).

<sup>151</sup> Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Сафода уч марта такбир айтиб, “Лаа илааха иллаллоҳу ваҳдахув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва хува ъалаа кулли шайъин қодийр”, деб, кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтар, дуо қиласардилар, қиёмни, дуони узоқ қиласардилар. Сўнг Марвада ҳам худди шундай амалларни бажараардилар (Байҳакий, Ибн Абу Шайба ривоят қилган. Ривоят санади сахих).

<sup>152</sup> “Ким менга тонг отганда ўн марта, кеч кирганда ўн марта салавот айтса, киёмат куни шафоатимга эришади” (Табароний – Абу Дардо розияллоҳу анхудан – марфуъ тарзда нақл қилган. Ривоят санади ҳасан).

<sup>153</sup> “Агар бирон нарсани унутсангиз, менга салавот айтинглар. Шунда, иншааллоҳ, уни эслайсизлар” (Бу ҳадис Ибн Қайимнинг “Жалоул афҳом” китобида Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан марфуъ тарзда нақл қилинганди).

<sup>154</sup> “Агар сизлардан биронтангиз қулоги шангилласа, мени эсласин, менга салавот айтсин, “Закароллоҳу бихойрим ман закароний”, (“Мени эслаганни Аллоҳ яхшилик билан эсласин!”) деб айтсан” (Табароний, Баззор, Ибн Сунний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

<sup>155</sup> Ибн Қайим “Жалоул афҳом” китобида салавот айтишнинг 39 фазилатини санаб ўтган. Абдулваҳҳоб Шаъроний “Ҳадоиқул анвор”да салавотнинг 40 дан ортиқ манфаатини зикр қилган.

- салавот йўллаган банда ҳақига фаришталар истиғфор айтади.
- банданинг битта салавотига Аллоҳ таоло ўнта салавот айтади.
- бир марта салавот айтган банданинг мартабаси ўн поғона юқорилайди.
- бир марта салавот айтган бандага ўнта савоб ёзилади.
- салавот айтган банда дуоси қабул бўлади.
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига мушарраф бўлади.
- салавот айтган банда гуноҳлари кечирилади.
- кўп салавот айтган банда ғам-андуҳлардан қутулади.
- қиёмат куни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бўлади.
- ихлос билан салавот айтган одам садақа қилиш савобини олади.
- кўп салавот айтган бандага ўлимидан олдин жаннат башорати берилади.
- қиёмат куни даҳшатларидан саломат бўлади.
- салавот айтган банда унугтган нарсасини эслайди.
- салавот мажлис каффоратидир.
- салавот фақирликни кетказади.
- салавот бандадан баҳилликни аритади.
- салавот кишининг амалини, умрини, барча хайрли ишларини баракали қиласди.
- салавот бандани жаннат сари бошлайди.
- банда нурини мукаммал қиласди, пулсиrotдан ўтишини осонлаштиради.
- салавот айтган банданинг суннатга рағбати ортади.
- салавот файз-барака келтиради.
- салавот бандани Аллоҳнинг раҳматига эриштиради...

Сўзимиз охирида, оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамиз, Ҳабибимиз Мухаммад Мустафога, у зот оила аъзоларига, барча сахобаларига салавотлар, саломлар йўллаймиз!

Тошкент, 2014-2017

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР**

1. Мухаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб Абу Жаъфар Табарий. “Жомеул баён фи таъвилил қуръон”, 24 жуз. – Муассасатур рисола, 2000.
2. Абулфидо И smoил ибн Касир. “Тафсирул қуръонил азим”, 4 жуз. – Байрут-Ливан.: Дорул маориф, 1989.
3. Абдураҳмон ибн Камол Жалолиддин Суютий. “Ад-дуррул мансур”, 8 жуз. – Байрут.:Дорул фикр, 1993.
4. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим (маъноларининг таржима ва тафсири)”. – Тошкент.: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2009. -617б.
5. Шайх Алоуддин Мансур. “Қуръони карим”. /Ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –767б.
6. Мухаммад ибн И smoил Абу Абдуллоҳ Бухорий. “Саҳихул бухорий”, 6 жуз. – Байрут.:Дору ибни касир – Ямома, 1987.
7. Муслим ибн Ҳажжож Абулхусайн Қушайрий Найсобурий. “Саҳиху муслим”, 5 жуз. – Байрут.:Дору ихёйт турос.
8. Сулаймон ибн Ашъас Абу Довуд Сижистоний Яздий. “Сунану аби довуд”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул фикр.
9. Мухаммад ибн Исо Абу Исо Термизий. “Сунанут термизий”, 5 жуз. – Байрут.:Дору ихёйт турос.
10. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдураҳмон Насой. “Сунанун насой”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбуют, 1986.
11. Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Абу Мухаммад Доримирий. “Сунануд доримиий”, 2 жуз. – Байрут.:Дорул куттобил арабий, 1407 ҳ.й.

12. Мұхаммад ибн Язид Абу Абдуллоҳ Қазвиний. “Сунану ибни можа”, 2 жуз. – Байрут.:Дорул фикр.
13. Молик ибн Анас ибн Молик ибн Омир Асбахий Маданий. “Ал-Муваттө”. – Муассасату зояд ибн сұлтон оли нахән, 1425 ҳ.й.
14. Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ Шайбоний. “Мұснадул имом аҳмад ибни ҳанбал”, 6 жуз. – Миср.:Муассасату құртуба.
15. Мұхаммад ибн Идрис Абу Абдуллоҳ Шофейй. “Мұснадуш шофейй”. – Байрут.:Дорул кутубил илмия.
16. Мұхаммад ибн Исхок ибн Хузайма Абу Бакр Суламий Найсобурий. “Саҳиху ибни хузайма”, 4 жуз. – Байрут.:Ал-мактабул исломий, 1970.
17. Мұхаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Хотим Тамими Бастий. “Саҳиху ибни ҳиббон”, 18 жуз. – Байрут.:Муассасатур рисола, 1993.
18. Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсобурий. “Ал-мұстадрак ала саҳиҳайн”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1990.
19. Али ибн Умар Абулхасан Дорақутний Бағдодий. “Сұнануд дорақутний”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат, 1966.
20. Сулаймон ибн Аҳмад Абулқосим Табароний. “Ал-муъжамул қабир”, 25 жуз. – Ал-Мавсил.:Мактабул улуми вал ҳикам, 1983.
21. Сулаймон ибн Аҳмад Абулқосим Табароний. “Ал-муъжамул авсат”, 10 жуз. – Қохира.:Дорул ҳарамайн, 1415 ҳ.й.
22. Сулаймон ибн Аҳмад Абулқосим Табароний. “Ал-муъжамус сағир”, 2 жуз. – Байрут-Уммон.:Ал-мактабул исломий, 1985.
23. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. “Ас-сұнанул байҳақий ал-кубрө”, 10 жуз. – Маккатул мұкаррама.:Мактабу дорил боз, 1994.
24. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. “Шуабул имон”, 7 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1410 ҳ.
25. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдураҳмон Насой. “Китобус сұнанил кубро”. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1411 ҳ.
26. Аҳмад ибн Амр ибн Абдулхолиқ Абу Бакр Баззор. “Ал-баҳruz заххор мұснадул баззор”. – Байрут-Мадина.:Муассасату улумил қуръон, 1409 ҳ.
27. Аҳмад ибн Али ибн Мусанно Абу Яъло Мавсилий Тамими. “Мұснаду аби яъло”, 13 жуз. – Дамашқ.: Дорул маъмун лит түрос, 1984.
28. Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Абу Шайба Куфий. “Мұсаннафу ибни аби шайба”, 8 жуз. – Риёз.:Мактабатур рушд, 1409 ҳ.
29. Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Исфаҳоний. “Ҳилятул авлиё ва табақотул асфиё”, 10 жуз. – Байрут.:Дору китобил арабий, 1405 ҳ.
30. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулғазл Асқалоний Шофейй. “Фатхул борий”, 14 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат.
31. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Мұхаммад Бадриддин Айний Ҳанафи. “Умдатул қориј”, 25 жуз. – Байрут.:Дору ихёйт түрос.
32. Яхә ибн Шараф Абу Закариә Нававий. “Шарҳун нававий ала саҳиҳи мұслим”, 18 жуз. – Байрут.:Дору ихёйт түрос, 1392 ҳ.
33. Мұхаммад Шамсулхәққыл Азим Ободий. “Авнұл маъбұд”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1995.
34. Мұхаммад Абдураҳмон ибн Абдураҳим Абульъало Муборакфурий. “Тұхфатул ахвазий”, 10 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия.
35. Нуриддин ибн Абдулходий Абулхасан Синдий. “Хошиятус синдий ала ибни можа”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбугат, 1986.
36. Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абулғазл Суютий. “Шархус суютий лисунанин насой”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбугат, 1986.
37. Абдурауф Мұновий. “Файзул қодир”, 6 жуз. – Миср.:Ал-мактабатут тижория, 1356 ҳ.

38. Али ибн Ҳусомиддин Муттақий Ҳиндий. “Канзул уммол фи сунанил ақволи вал афъол”. – Байрут.:Муассасатур рисолат, 1989.
39. Абдулъазим ибн Абдулқавий Абу Мұхаммад Мунзирий. “Ат-тарғиб ват-тарҳиб”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1417 х.
40. Нуриддин Али ибн Абу Бақр Ҳайсамий. “Мажмауз завоид ва манбаул фавоид”, 10 жуз. – Байрут.:Дорул фикр, 1412 х.
41. Абдулқодир Жийлоний. “Ал-авродул қодирия”. – Байрут.:Дорул албоб, 1992.
42. Мұхаммад ибн Абу Бақр Айюб Абу Абдуллоҳ Ибн Қайим Жавзия. “Жалоул афҳом фи фазлис салоти ала мұхаммадин хойрил аном”.
43. Қози Иёз. “Ас-салоту алан набий”.
44. Абул Аббос Үқлиший. “Анворул осор”.
45. Абдулкарим Үқайлий. “Асрорус салот ала мұхаммадин ва оли мұхаммад”. 2000.
46. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. “Сунний ақидалар”. – Тошкент.:Мовароуннахр, 2005. -5796.
47. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт” /Зикр, дуолар, истигфор ва тавба китоби. – Тошкент.:Шарқ, 2008.-35-жуз. 366б.
48. Мұхаммад Сайид Тантовий. “Пайғамбарлар тарихи”, 1-2-китоб. /Таржима ва изохлар муаллифи: Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент.:Мовароуннахр, 2014. -4306.
49. Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли. “Тахорат китоби”. – Тошкент.:Мовароуннахр, 2014. -3756.